

## БИЛГА ХОҚОН

*роман*

### Муқаддима

“Бутун ер юзи бир киши ўғлининг қизил қонига арзимади”.

Бу сўзни менга икки хоқонлик хоқони, Элтариш ўғли Билга хоқон айтди.

Хоқоннинг чағир кўзи хиралашган, сочи сийраклашган, иниси Кул Тигин ўлимидан сўнг тушкунликка тушиб қолган эди.

“Иним Кул Тигин ўлди, қайғурдим. Кўрар кўзим кўрмасдек, билар билигим билмасдек бўлди” дерди.

“Ўзимча қайғурдим. Бир Тангри яшар. Киши ўғли ўлгали туғилар экан.

Кўзга ёш келади. Атаганда кўнгилдан хўнграш келади. Яна-да қайғурдим. Қаттиқ қайғурдим.

Икки шад<sup>1</sup>, инигинам, ўғлонларим, бекларим, будуним, кўз-қоши ёмон, ўзи асов деб қайғурдим-а...”

Саноксиз урушларга кирган, боши борнинг бошини эгдириб, тизи борнинг тизини чўктирган, бўйин элмаган улусларга қийнов солган улуф хоқоннинг бу сўзларини тинглаш қайғули эди. Чақмоқдай иниси Кул

---

<sup>1</sup> Шад – хоқонлар уруғидан, тажриба қозониши учун қўшин бошига келтирилган киши.

Тигиннинг бир сўзини эшитиш, кулимсираб қарашини яна бир кўриш учун бутун борлиғини бергудек эди.

“Кул Тигин учди-ю ўйларим ўзгариб қолди, – деди у. – Элим-улусим ўлиб битаёзган эди. Тўрт бўлунгда<sup>2</sup> кўзи оч, ўйи бузуқ кишилар қутлуғ ер-сувимизга, қаттиқ ўғилларимизга, сулув қизларимизга кўз тикишарди. Эр киши бунга қай юраги ила кўнсин? Билгичлигим учун, ёнимда ботирларим борлиги учун шунча қозондим. Эл туздим, очни тўқ, юпунни бой қилдим. Мен бошига келганимда ер бағирлаб юрган эл, кўкси кабариб, боши булутларга етиб қолди. Оқ йўлбарсни кичқиртирдим, сариқ йўлбарсни сизлатдим. Ёй ила турнанинг кўзидан урдим. Кишиларнинг ерга оққан қизил қони қирмизи ўт бўлиб кўклаб чиқди. Шуларни барини қолдириб, инигинам Кул Тигин уча кетди-я...”

Хоқон ўз ўй-қайғусида, табғач тош ўювчиси Жанг Сангунга Кул Тигин ботирликларини тошга уришни буюрди. Жанг Сангун авроқчи, тили чучук киши эди, ер ўпиб, олдин Билга хоқон қилган ишларни битиш тўғри бўлишини айтди. Билга хоқон дедик: “Сиз Кул Тигиннинг ким эканини билмай қолдингиз. Кул Тигин йўқ эса, ўлган бўлар эдингиз”.

Шундай дея, инисининг ботирликларини тошга ўйдирди. Яна, чўнг бир тошбақа ясаттирди, мангутошни ўшанинг устига кўндирди. Кул Тигин битиктошига борар йўлнинг икки четига юзга яқин балбал тикди, икки кўчқорнинг бошини икки ёнга остирди.

Хоқоннинг ўз инисига интиқишларини кўра-кўра, Билга хоқон ишларини, улус кўрган кунларни мен ўзим ўйиб ёзай дедим. Табғач бу элни эллик йил тутиб турди. Мўйнасини, савсарини, учқур отларини, темирини олиб кетди, идуқ ер-суви, будуни узра ўз йўриғини юрғизди. Билга хоқон дедик, “Устимизда юргувчи улар, ёмон ўй ўйлашди. Қарши бормасак, янада ерга кириб, уруғимиз янада қуригай эди. Йўқса, суйимли иним Кул Тигиндан айри ўлароқ, мен – Тангриқут Билга хоқон, киши ўлимига кўнмаган, ўйи

---

<sup>2</sup> Бўлунг – томон, тараф.

бузук у кишилар устимизга юрмасайди, улусимга тиг кўтартирмаган бўлардим”.

Кул Тигиндан сўнг барча иш Билга хоқоннинг ўлимига қараб борарди. Тарқат буйруқ беклар, хоқоннинг анча йиллик елкадошлари Ачун Кулуг Тириг, Уюқ Тарлақ, Яган Силиг, Кур Шад, ботир Тангриқут, Ишбара ямтар, Булут... бари бирин-кетин кўкка учишди. “Киши ўғли ўлгани туғилгаймиш. Элим-юртим десанг, савашда эр бўлиб ўлки, донғинг юксалсин, доврўгинг ёйилсин!” Бу сўзларни Билга хоқон айтди. Энди эса хотинларига, ўғил-қизларига, улусига қарамас, уззукун ўй сулар, отаси Элтариш хоқонни, онаси Элбилга хотунни, асов иниси Кул Тигинни кўмсарди. Йўқса, ўнгда уйғурлар кучга кира бошлади, Чин билан табғач янгитдан ўйин қуришга киришди. Билгадай хоқон буларни кўриб-билмасмиди, ўйи ўзгармаган, ўзи тушкунликка тушмаган бўлса, барчасининг кулини кўкка совурмасмиди?

У эл бошига келиб ўтирган чоғида бўлса, Кўгман тоғи этакларига қиш эрта келиб, бола ташлаган эди. Туркийлар қор момогулдурак билан ёғса шундай дейишарди. Олис-яқин қишлоқларда улуснинг қолган-қутгани ўлиб-ётиб кун кечирарди. Кичик йишда<sup>3</sup> бор-йўғи эллик чоғли киши бели мункайиб, кўзи мунграйиб юрарди.

## **БИРИНЧИ БЎЛИМ. КИЧИК ЙИШ.**

Кўгман тоғи этакларига қиш бола ташлаган, қор момогулдурак билан ёққан эди.

Ёнма-ён икки қўналғанинг кигиз тўсқичи очилиб, олдин бир эр, сўнг яна бир эр ташга чиқди. Иккиси-да тумоғини бостириб, пўстин кийиб олган экан. Бирининг оти Ишбара ямтар эди, ямтар деб кучи танасига сиғмас алпни айтишади. Ўрта бўйли, тумоғи остидан кокили чиқиб турган кичкинагина йигитча эса Булут эди.

---

<sup>3</sup> *Йиш – кичик водий, қўниш ери.*

– Оғам, яхшимисан? – деди Булут ён ўтовдан чиққан Ишбарага. –  
Ейишга бир ниманг борми?

– Йўқ, – деди Ишбара, тўнғиллаб.

– Ўнгир ёнишига<sup>4</sup> ўра казиб, устини ёлмаганмидинг? Какликка қилтузок  
қўймаганмидинг?

– Қўйган эдим.

– Ўшани кўриб келайлик? Қор қалин тушди, қуш галаси қуйига инган  
чиқар?

Ишбара ямтар ўйланиб қолди. Ортига қайтиб, қўналғага бошини сукиб:

– Эна, мен овлоқни<sup>5</sup> кўриб келай. Бир нима тушган бўлса опкелиб  
пишириб бераман, – деди. Сўнг Булутга қараб:

– Юр-чи, – деди тўнғиллаб.

Икковлон қор кеча-кеча ўнгирга қараб кетишди.

Кўгман тоғидан аччиқ изғирин эсмоқда эди. Сўнгакларни музлатар,  
қулоқ-бурунни чимдир, бармоқ учларинию юзни тўнғитиб қотирар, қорларни  
ўйнатиб, йилтироқ учқунчалар ҳосил қиларди.

– Мол-қўйни еб битирдик, – деди Булут. – Ошлиқ тугаб битди, эт йўқ.  
Жўжиқлар очидан ўлаётир...

– Менда-да шу, энам оч, – деди Ишбара ямтар, тўнғиллаб.

Кейин қошларини чимириб, Булутга қараб аччиқланиб деди:

– Билга хоқон<sup>6</sup> сўзини айтмабмидим? У не дебди? Киши ўғли ўлгани  
туғилармиш, дебди. Шоқол каби писиб ётмай чопайлик, йўқ бўлмайдик  
дебди. Қай бирингиз қулоқ осдингиз! Будун<sup>7</sup> бўшашди, очидан ўлди!

– Тўғри айтасан, – деди Булут, унинг ортидан ҳарсиллаб келаркан. –  
Мен ўзим мунча қийналгунча саваш-сўқишда ўлсам тузук эди.

– Ана, не бўлди? – дер эди. – Эр ўғлинг қул бўлди. Сулув қизинг чўри  
бўлди. Ёв кулди, севинди. Қара, ўтов олдида мол-қўй, така-улоқ кўрингайми?

---

<sup>4</sup> Ёниш – ёнбағир, ёнлама (қадимги туркий сўз)

<sup>5</sup> Овлоқ – ов қилинадиган жой, пистирма.

<sup>6</sup> Билга – билгич, донишманд. хоқон – юртбоши, элбоши. “Хон” шаклида ҳам қўлланилади.

<sup>7</sup> Будун – улус, халқ.

Шундай деб йиғлаб юборди. Кўз ёшлари соч-соқолига томиб, тўнғиб қоларди.

– Сиктама, – деди Ишбара ямтар, ўзининг кўз ёшлари соқолига оқиб тушаётганини сезмай. – Бир йўли топилар, бироқ сиктама.

Бир қанча йўл юриб, тузоқлар қўйилган жойга етиб боришди. Яшил арчалар орасидаги кичик ялангга қараб Булутнинг кўзлари чакнаб кетди.

– Ишбара-а! – деб бақирди хирки овозда. – Тузоққа ов тушипти-ю?!

Ишбара қор кеча-кеча ёвуқ борди. Қараса, ўра ичида бир буғу чиндан кўзлари олайиб ётибди. Чуқурга қоқилган учли ёғочлардан бири нақ юрагига санчилибди, қони оқиб, ўзи музлаб қолибди.

– Тангри ёрлақамиш, – деди Ишбара ямтар, қорни тўзғитиб юмалай-юмалай пастга тушиб, буғуни туёғидан тутиб юқорига, Булутга узатаркан:

– Торт муни, судраб олиб боргаймиз!

Ўлжани юқори олишди. Булут илжаяр, манглайидаги терини арта-арта қуларди. Кун янада юксалди, теварагида оқиш айлана ясади. Шу кез оппоқ дўнғлар орасида бир нима қорни тўзғитиб қоча кетди.

– Товшан<sup>8</sup>! – деб бақирди Булут. – Товшан қуйига тушибди!

– Ҳай ёзуғ, ёй олмабмиз, – ўқинди Ишбара ямтар. Кейин қуёнга қарата қичқирди: – Ҳой, энангни эмгур!

Киши товушини эшитган товшан қулоқларини силкита-силкита, қуйруғини тиккайтириб яна тирақайлаб қочди.

Икковлон буғуни судраб йишга қайтаётганларида Булут, қора кўзларида ўт чакнаб:

– Ишбара, – деди ҳарсиллаб. – Сен улуснинг чўнг ботирисан. Сен не десанг, улуғларимиз не деса бўйин сунгаймиз. Билга хоқон келсин, элни тузатсин, будунни кўтарсин. Йўқса, бу туришда баримиз ўлиб кетамиз.

– Хоқон сенга келмайди, унга ўзинг борасан! – деди Ишбара. – Киши ўғли ер юзига ўлгани келади, дебди. Бу кун ўлмасанг, эрта бир кун барибир тўзиб-чуриб ўласан, дебди.

---

<sup>8</sup> Товшан – қуён.

Буғуни судраб, кўзлари тина-тина, ҳарсиллаб, тўхтаб-тўхтаб боришарди. Қишлоқ<sup>9</sup> кўринди, қўналғилардан оз-моз тутун ўрларди.

Бир оздан сўнг сўл кечув ёнғайида сариқ ёпинчиқли икки отлик кўринаверди.

– Табғачларми? – деди Ишбара, хайрон бўлиб. – Бунақа қор-совукда тулкидай инидан чикмай ўтиришарди-ку? Ёйиққа уларни не чиқарибди?

– Билмасам, – деди Булут, анграйиб.

Қор дўнглари оралаб табғачлар етиб келишди. От устида ўнғайсиз ўтиришар, кичкина тўгарак юзлари қирмизи, какликдай семиз, тўқ эдилар.

– Ия? Ишбара ямтармисан? – дейишарди. – Турк будуннинг юракли алпи овлиқ сургаб юрибдими? Улусингда юмушингга ярайдиган йигитлар қолмадими?

– Не дейсан? – деб сўради Ишбара ямтар, хўмрайиб.

– Модомики доврўинг кетиб, ишинг ўзингга қолибди, ўлжангни менга бер дейман.

– Менга қара, табғач ули, – деди Ишбара ямтар. – Аччиғимни чиқарма, белингни синдириб, отингни тушликка еб қўймай.

Буни эшитган табғач бўзарди. Булут шарақлаб кулиб юборди:

– Ишбара тўғри айтяпти, – деди. – Илон ўзининг эгрилигини билмасдан, туяга бўйнинг қийшиқ дер экан. Кетавер йўлингга, қон тўкилмасин. Бизни чалғитма, йишда чўлиқ-жўжик очидан ўлаётир.

– Сени боланг ўлса, менга нима? – деди табғач, ўзига келиб.

– Ишбара, қўлингга яроқ-тиғинг йўқ экан, бўлмаса ўзим сени ер тишлатардим, – деди кейин, ўзича гердайиб. Унинг кичкина юзига, ингичка билакларига қараб Ишбара илжайди.

– Нега тиржаясан? – деди табғач, ўз уст-бошига қараб. – Сиз, яроқли яроқсизга тиғ кўтармайди демасмидингиз? Биз айтмайликми?

---

<sup>9</sup> Қишлоқ – қишлоғ ери, қишлаш учун тўхталинган жой.

– Қарға ғоз бұламан деб тиришса, бути йиртилибди, – деди Ишбара. – Мени кўятур, сени мана бу Булутча урса белингни синдиргай. Туришингни кара-ю куёндай сакрайсан? Қоч йўлимдан, улусим оч дедим!

– Хе-хе! – деб кулди табғач. – Эллик йилдан бери бизнинг хоқонга карамсан-у, яна тумшуғингни осилтирасан? Тез кунда баринг йўқ бўласан. Бошингга туман черик келади, ўшанда томоғингга ўзим санжақ<sup>10</sup> суқиб, қонингни оқизаман.

– Бизнинг қонимизни оқизиш сенга қолдимиз? – деди Булут, ёйилиб илжайиб. – Улуғларимиз табғачга тегмангиз дейишгани учун тек турганимни била-била сакраяпсан-да, чумуртқа!<sup>11</sup>

– Юр-юр! Барибир кўкламгача очликдан ўлиб кетишади, нима қиласан айтишиб? – деди ёнидаги хўппасемиз шериги, ўша илжайишганича отларини суриб кетишди.

– Еримизда юриб ўзидан кетишини кўр! – деди Ишбара тўнғиллаб, улар ортидан караб.

– Ёмонлик ўзимизда, – деди Булут. – Бу ҳеч кўрилмаган иш, тўрингга чиқиб, ошингни еб, яна устингдан кулишига не дейсан?

Ишбара-ю Булут қовоқ уйиб, йўлларига кетишди.

\* \* \*

Бу икковлоннинг буғу овлаганини улусда барча эшитди. Ишбара кўниққа қайтиб, этни бўлаклашни хотинларга топширди-да, бир оз қор кечиб тентираб юрди, кейин сира ортидан қолмаётган Булутга:

– Улус қозонини опчиқсин. Остига ўт ёқсин, ичига оқ мой солсин! – деди.

Айтилганидек бўлди. Қозонлар осилиб, чақмоқтош билан ўт ёқилди, қор суви эритилди, терига ўраб қўйилган оқ мойлар билан этлар солинди. Қолган-қутган тариқлардан сўк оши қилинди, сўнғак пиширилди.

---

<sup>10</sup> Санжақ – “санчмоқ” сўзидан олинган, санчқи, найза.

<sup>11</sup> Чумуртқа – митти тухум.

Чиқолмаганларга идиш-оёққа солиб ичкарига элиб берилди, кўпчилик ташда, қозон теграида еб олишгач, улуснинг қорни тўйиб, болалар қор ўйнаб қолишди, хотинлар қўналғига киришди. Бир қанча эр Ишбара-ю Булут билан ташқарида, ўйинга алаҳсиган болаларни кузатиб туришарди.

– Шуми йигитлик? – деди Ишбара. – Ҳой сиз! Элтариш хоқоннинг ўғли Билга хоқон сўзи қулоғингизга келмадимми?

– Келди оз-моз!

– Унда хотин-болангизни қўйиб, Билга хоқон сўзига кирсангиз бўлмайдими? Борайлик, не деса уни қилайлик. Қишда тиришиб ўлиб ётмайлик.

– Қайғудамиз, – деди қорачадан келган, қоши устида тиғ изи бор Тўфон деган йигит. – Тегра улусларга сўз йўллайлик. Билганинг қошига элчи юборайлик. Тинглайлик-чи, не дер экан?

Боёғи путурдан кетган улус эрлари ўт атрофида тизилишиб, бири олиб-бири қўйиб “Ҳа, шундай бўлсин. Ўлсак ўлайлик, бироқ ер билан бир бўлмайлик”, дейишарди.

Ишбара тўпдан айрилиб, темир ўчоқ бошида куймаланаётган хотинларга қараб юрди. Қўйнига сўнғак солиб олган эди. Кўзи хотинлар орасида болта билан ўтин ёраётган тўла жуссали, ой юзли бир қизни айириб олди. Ўзича қизариб:

– Кунсулув, – деб чақирди етиб борар-бормас. Кўнгли этни қизга беришни тилаган эди, қараса, хотинлар орасида бундай қилиб бўлмас экан. Шунинг учун Кунсулувни берироққа чорлагиси келди

Қиз Ишбарага ялт этиб қаради. Хотинлар кулиб юборишди.

– Йигит бўлмай ўл, – дейишди. – Ичингга ошлиқ кириб тирилиб, сулувни чақиряпсанми?

– Бор-э, не деяпсан? – деб тўнғиллади Ишбара. – Ов овлаган мен, судраб келган мен, бир парча эт берсам нима қипти?

– Бер, бер, – кулишди яна хотинлар. – Қиз барибирам сенга тегмайди. Турумнингни қара, айикдайсан,



– Айикдай бўлсам нима? Асраб олиб юрарман?

– Асрашинг не, бу шўрлик қорнингни қандай тўйдирсин?

Ишбара уларга бас келолмаслигига кўзи етиб, сўнгалкни “Ма, ол, пишириб ерсан” деб қиз ёнига, ўтинлар устига ташлаган эди, нарироқда ётган икки бўрибосар ўрнидан кўзғалди. Ишбара уларга “Тек ёт” дея тўнғиллаб, ўзи ортига, эрлар қошига қайтди.

Буғу эти билан йишга тириклик кириб келди. “Энди улус бир-икки кун тўқ юради, – деб ўйлади Ишбара. – Тўп бўлиб ўнгирга ёнсак тузук, уч-тўрт кунда бир ов тушиб турса, қишдан эсон чиқиб олармиз?.. Бироқ ўнгирда сув йўқ, қишлагани ярамайди...”

Шу кез унинг ёнига Булут келди.

– Эрта кун чиққанида Ўтукан йишга борайлик, – деди Булут. – Қулок осайлик-чи, Билга не дер экан?

– Ов-чи? – деб сўради Ишбара.

Йигитча Кўгман тоғи устидаги булутларни кўрсатди.

– Булут кечгача етиб келади. Яна қор тушади. Қорда ов бўлармиди?

– Ҳа, гапинг тўғри, – деди Ишбара. – Қор етиб келмасидан овласак тузук. Ўнгирда айиқ кўрувдим, қайдадир ухлаб ётган чиқар. Итлар билан бориб, уйқусида боссак, анча емиш бўлармиди...

Йўқ, булут етиб келиб, яна ёққан қор ов қилишга йўл бермади. Будун тўйиб-тўйиб буғу этини еди, сўнгалларини кемирди, сўнг яна оч қолди.

Бир неча кун ўтгач, оқсоқол Ачун Кулуг Тириг чорлаётганини айтишганида, Ишбара манглайини тириштириб ўй суриб ўтирарди. Ачун Кулуг Тириг улуснинг улуғи, куздан бери қўл-оёғи ишламай бир жойда ётиб қолган киши эди. Ишбара оқсоқол ёнидан янада хўмрайиб чиқди, ёнида ўралашган Булутга қарамай тошга ўтириб, яна узун-узун ўй сурди, Булут унинг сўзлашини кутиб турганини кўриб, тўнғиллади:

– Оқсоқол отларни сўйинг, деяпти...

– Эй воҳ! – Булут бошини ушлаб қолди. – Қандай сўямиз?

– Ота-эна, ўғил-қиз керакми, отми? – деб сўради Ишбара. – Бир-бир сўйиб, урина-сурина қишдан чиқиш керак. Мени отим тўққиз яшар дўнан, ўшани сўйиб, этини тарқатайликми? Бўлак йўли йўқ-ку, – хўрсинди бошини чайқаб.

– Э йўқ, мен сўёлмайман, – деди Булут. – Отни-я? Ишбара, кўй бу ишингни!

– Сен аралашма! – тўнғиллади Ишбара ямтар. – Улус тирик қолсин дейилса, от тугул, сениям сўйиб егизаман!

Ишбара шундай деб алпанг-талпанг одимлар билан уюр сари йўналди.

– Келмайсанми, ҳой? – деди Булутга.

– Йўқ, – деди Булут. – Сен от сўйсанг, мен қараб туролмайман.

Ишбара бир ўзи ўша ёққа кетди.

## СЎЗЧИЛАР

Қаттиқ қиш ўз ёйини олиб теваракка муз ўқларини отган, қордан тўсик ясаб, изғирин черигини ёйган кез, икки тўп отлик Тўққиз ўғуз еридан чиқиб, бир қисми Йарис чўлидан ўтиб Шантунгга, Табғач элига, яна бири ундан-да йироққа – жангжу хоқонига сўз етказиш учун елган эди. Шантунгга, табғачлар қошига йўналган эрнинг оти Тўнгра Сам, жангжу хоқонига йўл солган киши эса Куна Сангун эди...

Тўнгра Сам Тўққиз ўғуз улусининг юракли бекларидан эди. Чопқирлиги шундай эдики, бир отни миниб, иккинчисини эргаштириб чопарди. Бири ҳориса, от устидаёқ бошқасига сакраб ўтиб кетаверар, ҳориган от эса юки озайгани учун совий-совий, кучини тиклаб оларди.

Тўнгра Сам узоқ чопишларда отнинг тўрвасига ем бойлаб қўйишни ўйлаб топди. Қуруқ тариқ берилган от чопқир бўлади, ҳўл ўт, беда еб қорни тўйса чополмайди ё юраги ёрилиб ўлади, дер эдилар.

Тўққиз ўғуз хоқони Ўтукан йишида кўктурклар саноғи оз қолганини, совуқ-ушукда ўлаёзганини, шу турумида йўқ қилинмаса, кун келиб табғачни-ю Ўн ўқни йўқ қилишини ўйлаб, тўғрида табғачга, сўлда жангжуга сўз

юборишни ўйлади. Тўққиз ўғузнинг қўшини тўқис, бари тўқ, яракли<sup>12</sup>, қани ёв, деб турипти. Тўққиз ўғуз-у қитан, қирғиз-у табғач бирлашса, юз минг бўлгай. Юз мингга қарши кўктуркнинг қолган-қутган бир-икки минг оч кишиси не бўпти? Қувиб-ёйиб чопиб, сўнгаклари тоғдай қилиб уйиб келинса, улуслар янада яшнаши тайин.

Тўнгра Сам шу учун Табғач ерлари сари чопмоқда эди.

Ҳа, турк будун ошсиз-тўнсиз қолибди. Агар Тўққиз ўғуз хоқони ўйлагани бўлса, унда бирлашган қўшин Ўтукан йишнинг кулини кўкка совуради, ўғлонларини қул, сулувларини чўри қилади, эрларини, ботирларини тиз чўктиради. Шу билан ер юзида кўктурклар йўқ бўлиб битади.

Тўнгра Сам уч куну уч тун йўл юриб, Табғач элига етиб келди.

Табғач беклари уларни безоғли отларда кутиб олишди. Барини гавдаси кичик, ингичка билакли эрлар экан. Уларга қараб, Тўнгра Самнинг энсаси қотди. Табғачлар Тўнгра Самнинг йирик жуссасига қараб бошларини лиқиллатиб қўйишарди.

– Табғач ерига хуш келдинг, эй туркийнинг алпи!

Тўнгра Сам табғачларнинг чучук сўзли эканини биларди, шу сабаб “Кўп вижирламай, хоқонингга бошла мени”, деди қовоғини уйиб.

Бироқ, табғачлар Тўнгра Самни-ю йўлдошларини безоғлиқ бир уйга олиб киришди, олдига турли ичимликлар, ўтлари мўл емаклар қўйишди. Бир-иккитасини тотиб кўриб, Тўнгра Самнинг юзи буришиб кетди.

– Ҳой табғачнинг боласи! – деди иш-юмуш қилиб юрган ўғлонга. – Бунинг не?

– Мойга бўккан тариқ билан ўт томири! – деб жавоб қилди табғач боласи.

– Ўтни эчки ейди. Эт йўқми, эт? – деб гумбурлади Тўнгра Сам.

---

<sup>12</sup> Яракли – қурол-яроғли.

Тўнгра Сам идиш-оёқни четга сурди-да, тўшакка ёнбошлаб олди. Ташда табғачларнинг “От минувчилар<sup>13</sup> эт сўрашяпти” дегани, кимдир хингирлаб кулгани эшитилди. Анчадан кейин озгина улоқ эти қовуриб киришди.

– Ҳе сенларни қилиғинггаям, ошинггаям, – деб ғўлдиради Тўнгра Сам, барибир емаса бўлмаслигини билиб, юпқани этга булаб уриб олгач, сув ичкиси келди. Турли чечак ислари келиб турган ичкиларга қарамай, сув сўради. Бир чўмич булоқ сувини сипқоргач:

– Ана энди хоқонингга бошла мени, – деди.

\* \* \*

Шу онда яна бир сўзчи – Куна Сангун Жангжу эли сари елдай учиб борарди.

Жангжу – сочини камчига ўхшатиб ўриб юрадиган, от думини хотинлар сочидай ўриб-безайдиган, уришгиси келмайдиган эл эди. Туркийлар жирканадиган неки бор, барини ейишлари билан таниқли эдилар. Эшак, тўнғиздан тортиб илону эчкемаргача егани учун туркийлар уларни ёқтирмас, тўқнаш келинганида шундайин қаттиқлик билан ўлдирар эдиларки, ундай қаттиқлик бировга қилинмасди. Табғач ерлари эски Ўтукан ила туташ бўлгани учун табғачлару жангжулар қийқира-қийқира босиб келиб қолишар, бироқ, эли-хоқони теграсида туркийлар сингари жипслашолмагани учун тирақайлаб қочар, қочиш баробарида йишу қўрғонларни талаб кетишарди.

Табғач Йарис чўлидан сўнгра келадиган ерларда қўним топиб, жангжуларнинг Тан уруғи билан тиллашиб, яшаб қолди. Туркийлар эса Кўгман тоғининг бу ёғидан қўним топишди. Жангжу эрлари уларнинг чайирлигини, қўрқмаслигини, ялтир-юлтир безакларга қарамаслигини билишарди. “Уй қуришмас эмиш” дейишарди улар ҳанг-манг бўлишиб. “Йиғиладиган уйи бормиш, шуни ёйиб, ичида ухлаб кетаверармиш. Турлук олтин-кумуш, барқут-барчинлар билан иши йўқ, ёвуз эл эмиш...”

---

<sup>13</sup> Қадимги чин кишилари туркийларни “От минувчилар” деб аташган.

Туркийлар эса “Жангжу ер-сувни, оғочларни, яратикларни севмайдиган эл экан. Яшил ўлангларнию ер-сувини қолдириб, ўзлари қочиб кетаверишар экан”, деб юришарди.

Куна Сангун жангжу қўрғонига бориб, тонг қолди. Булар тош-тупроқдан дубулғага ўхшатиб чўччайтириб қўналғи куриб, шунда яшашар экан. “Ия, қанақа қилиб кўчишаркан? – деб ўйлади янада оғзи очилиб. – Ўт-сув тугаса, йилқи-қўйни қандай қилиб хайдашади? Бу тош-тупроқ уйларни уловга ортиб бўлмаса?”

Куна Сангунни қирмизи тош ётқизилган йўлакдан етаклаб, қизил оғочлар орасидан олиб ўтиб, бошқаларидан тикроқ бир қўналғига олиб киришди. Бу – хоқон қўналғиси экан. Куна Сангун кирганида ўртада ўт ёнар, чамғачларда бўзаю сув турар, қишда музлаган олмаю қорағатлар териб келинган, олтин идиш-оёқларга тўла солиб қўйилибди.

Қаршисида қисик кўзли, юмалоқ юзли, тўладан келган, ялтир-юлтир кийимларга ўралиб олган кал бир киши ўтирарди.

– Жангжу хоқонига бошингни эг! – деди хоқон ёнида тик турган яна бир жангжу, кўринишидан шадга ўхшаш бирови.

– Ишингни қил! Мен Тўққиз ўғуз сўзчиси Куна Сангун бўламан, ўз хоқонимдан бошқа бировга бўйин эгиш тугул, киприк қоқмайман! – деб тўнғиллади Куна Сангун. Сўнг қаршисидаги ўтирган кишига қараб, тўнглик билан:

– Жангжу хоқон сенмисан? – деб сўради.– Сенга хоқонимдан сўз олиб келдим.

– Не сўз юборди Тўққиз ўғуз хоқони? – деб сўради жангжу хоқон, тумшайиб.

– Хоқоним айтдики, кўктурклар тирила бошлабди, – деди Куна Сангун. – Етти йилдир, бошига очлик келмиш, тўзиб-йўқ бўлади деб эдик. Тўзмамиш, йўқ бўлмамиш. Ўй ўйламиш, шундоқ қолаберсак бўшашиб-кучсизлашамиз, сўнг ўламиз, демиш. Билга деган бирови хоқон ўтирмиш, билмагани йўқмиш.

Кучга кирмасидан бузмасак, бошимизга келгай. Келса, барчамизни эзиб-ёйгай, деб айтди.

– Мен муни сендан олдин ўз шадларим, ябгуларим билан кенгашдим, – деди жангжу хоқони. – Сўзинг чин: туркий будун кучга кирса, бошимизга оғриқ солгай. Унда сен, ўз элингга қайтавер. Жангжу урушга кирмас экан, деб айт. Яна, Ўн ўққа сўзчи юбориб, шундай деб айт. Сиз Ўн ўқ, қирғиз ила, табғач ила кенгашинг, сўзингизни бир қилинг. Биз сизга олтин-кумуш, ярак, йилқи юборайлик. Бирлашиб кўктуркларни йўқ қилинг, йўқ қилолмасангиз, сўнгра биз қўшилалик.

– Ия, сен уришга кирмай бизларни уриштирасанми? – деб сўради Куна Сангун. – Эр кишининг ишими бу? Ё эрдаин уруш, ё пусиб ёт. Бу сўзинг не?

Жангжу хоқони илжайди:

– Бир-икки минг кишига қарши ўзингиз чиқа олмайсизми? Бирлашган кўшинингиз саноғи ўн мингдан ошса керак. Сўзим чин: кўкламда боринг, босиб ёйинг, ер-сувига эга бўлинг. Биз бу ёнда сизга мўл-кўл олтин-кумуш, ағи, туя, от юборайлик. Икки ёндан қозонинг. Ишингиз ўнгидан келмаса-ю энгилсангиз, унда мен ўз кўшим билан борай, ёйиб-янчай.

Куна Сангун бош ирғади.

– Мен бор-йўғи бир сўзчиман, бир нима деёлмайман. Сўзингни хоқонимга етказай. У не деса, ўша бўлсин!

Шу тариқа, Тўққиз ўғуз ўз қондошларига қарши босқин ясамоқ учун табғач, қитан-у Ўн ўқ билан бирлашишга кенгашишди.

Табғачнинг темирчилари, ёйчилари, ўқчилари мўл эди. Улар Тўққиз ўғуз хоқоннинг сўзига кўнақолишди. Туркий будун ўлаёзиди, қулай енгамиз, деб ўйлашди. Яна, бизлар урушга кирмай, урушгандай бўлиб тураверамиз, Ўн ўқ, қирғиз, Тўққиз ўғуз – ўзлари уришаберсин, дейишди.

Шу тариқа, учов элда уруш кенгаши тузилди, кўкламда Ўтуканга юришга келишилди.

## ЎТУКАН ЙИШ

Бир неча кун ёққан қор тингач, кўкка оймомо чикди. У ер юзига ок совуқларни юборди. Оғочлару ўтларни булдуруқлар билан безади, ёв каби билдирмай келиб, сув бетига табғачнинг безаклари каби безаклар чизди, ичидаги суви тўкилмай қолиб кетган идишларни тарс-тарс ёрди, қорни шундай тўнғитдики, оёқ остида кумушдай ғичирлаб сочилар бўлди. Қорақушлар турган ерида тўп-тўп ўлиб тушди. Йишнинг жонлиқлари бир-бирига сукилишиб, дир-дир титраб жон саклашди. Ишбара ўтин ёрай деб болтасини оғочга урса, тарақлаб сапчиб қайтишини кўриб “Шунча йил яшаб ўтин музлаганини кўрмаб эдим” деди анграйиб.

Кўкламойим келгунича тўққизта етти кун бор... Ўйлай-ўйлай, Ишбара билан Булут Ўтукан йишга, Билга хоқон қошига боришга чоғланишди.

Ўтукан йиш буларнинг қўналғасидан ярим кунлик йўлда, Муз тоғига ёвуқ ерларда. Ишбара у йўлни биларди, Булутни ишонтириб, бири ўз отига, бири Ачун Кулуг Тиригнинг бўз отига миниб йўлга чиқишди.

Йўл-йўлакай довон ошиб ўтишганида бир қанча қуш қор устида қорайиб ўлиб ётганини кўришди. Ҳа, совуқ кучайибди, қушлар турган ерида ўлаверибди. “Қуш не, бунақа совуқда киши-да ўлиб, тўп этиб ерга тушади” деб ўйлади Ишбара.

Кун ярмидан ўтганида, олисда Ўтукан йиш кўринди.

Бу – қачонлардир Орол сувининг нарисидаги эллардан ажралиб чиқиб, Чин хоқонларига қарши уришган, ер юзига ёйилиб кетган туркий хоқонликнинг улуғ кўрғонларидан, Олтин йишнинг суянчиғи бўлмиш Элтариш хоқон ер тутган қутлуғ тупроқлардан бири эди. Кейинги эллик йил ичида бу ер-сувларда табғачлар эмин-эркин юрар бўлишди. Турк будун табғачга қарам бўлганидан бери кўрғоннинг доврўғи сўнди. Бумин хоқон бош бўлган кезларда тикланган тўсиқлар нураган, кўрғон қирда ўрнашгани учун ёйиқ кўринарди. Кул тусли булутлар энлаб олган кўкка тутун кўтарилар, бир ёнда анча-мунча қорамол кўринарди, кишилар уларни қор устига ҳайдашибди.

Сургала-сургала ёвуқ бораверишди.

Яйдоқда бир қанча эркак ўтин ёраётган экан. Тизилишиб кетган томлар устида кўк тутун сузарди. Бир қанча бўрибосар биқини ичига кириб, ўтовлар олдида ётар, уч-тўрт хотин тошқозон олдида куймаланиб ошлиқ пиширарди. Уни кўриб Ишбаранинг оғзидан суви келиб, қорнида таталаш туйди. Ўзини зўрлаб қўлга олиб, ўтин ёраётган эрлардан Билга хоқонни сўради. Эрлардан бири – сочи елкасига тушган, узун жуссали, кўк кўзлиси қўли билан кунчиқарни кўрсатгач, ўша ёққа юришди. У ерда узун санжаққа бўри думи осиб қўйилган уйни, ёнбошида эса оқ кигиз ўтовни кўришди.

Ўтов олдида кенг елкали, барс тумоқли, ўзгалардан тикроқ бир киши ёнидагилар билан сўзлашиб турарди.

Билга хоқон шундай экан.

Ўмизи кенг, кўкси қабарик, оқ юзи узунчоқ экан. Ёноғи текис, кўзи қора, қоши ўртача қалин экан. Икки қаншарининг чизиғи чўзилиб жағигача тушган, пешанаси кенг, ўзи узун бўйли, кучли киши экан.

Ёнида чакмоқдай тез, қарчиғайдай ўзғир иниси Кул Тигин экан.

Кўзи бойўғлининг кўзидай, билгич йўриқчиси Тўньюқ экан.

Ишбара-ю Булут қор кеча-кеча Билга хоқонга ёвуқ боришди.

Бир-бирига суянғудай бўлиб келаётган икковлонни кўрган Билга хоқон чағир кўзларини тикиб улардан сўради:

– Кимсиз, қайдан келдингиз?

– Кичик йишдан, – деди Ишбара. – Мен Ишбара ямтар, ёшим икки мучал, қўй йилида туғилдим. Бу эса Булут, ёши бир ярим мучал. Ош-озимиз йўқ, улус ўлаётир. Бувақлар энасини қуриб қолган эмчагини изляпти. Емиш тугаб битди, отларимиз лой ейишяпти...

– У зўрликда отларни сўйдик, – деб қўшимча қилди Булут.

– Йишда ишга ярарли қанча эр бор? – деб сўради Билга хоқон.

– Қирқ-эллик чиқар. Қолгани ёши улуғлар, бола-чақа.

– Ҳа, қиш ёмон келди, – деди Билга, ўйланиб. – Улус оқсоқоли сенмисан?

– Йўқ, унинг оти Ачун Кулуг Тириг. Қимирлолмай ётибди.



Билга билан сўйлашарди-ю, хўв нарида пишаётган эт иси бошини айлантириб, эсини олгудай, бурун катаклари керилиб-керилиб, истаса истамаса у исни чуқур-чуқур симирап эди.

Билга хоқон уларнинг чарчаганини, аланглашларини кўриб:

– Кўникларга ошлик, эт-сув беринг! – деди кейин. – Ичи ошсиз, ўзи кучсиз кишининг қулоғига сўз кирармиди?

Ишбара йирик жуссасига яраша этни ёқтирадиган киши эди. Билга хоқон сўзидан сўнг хотинлар оғоч идишга улоқ эти сола бошлашди. Совуқда ҳовур таратиб, иси бурқираб турар, Ишбара егиси келса-да, ўзини тийиб, қозон бошига юрди. хоқон кўзидан четроқ жойга ўтгач, шундай йиртқичлик билан этга ташландики, хотинларнинг оғзи очилиб қолди. “Бир туя ошлик бўлса-да, очнинг кўзига оз кўринади” дейилганидай, бу икки ботир кўз очиб-юмгунча бир тўп этни паққос туширишди, суякларини мижиб-мижиб кемиришди, ёғланган дудоқларини кафтлари билан артиб, тўнларининг олдини очиб, тўйиб-тўйиб сув ичишди. Боягина совуқда қақшаган танага иссиқ ўтди, нафасдан ҳовур чикди.

Қорни тўйгач, теваракдаги Ўтукан йиш хотинларига қараб “Бўз йигитга бирон тул хотин топилмайдими” деб тегишмоқчи бўлиб турганида узун санжақли, ола тўнли бир эр от чоптириб келиб:

– Сени хоқон чорляпти! – деди.

Ишбара танасига куч қуйилиб келаётганини пайқаб, шу билан бирга димоғи чоғ бўлиб, энди ўктам одимлаб хоқонга борди.

– Мунграйиб келувдинг, кўзингда ўт чақнаб қолибди, – деди Билга хоқон кулиб.

– Ҳа, тузук иш бўлди, – Ишбара-ю Булут мамнун эди. – Айтавер, хоқоним. Энди не десанг де, қошим-кўзим устига.

– Бориб айт, улусинг Ўтукан йишга кўчиб келсин! – деди Билга хоқон. – Мунда бир қанча йилқи, мол-қўй бор, шу билан ўзини тирик тутиб турсин. Яроқ-санжағингиз борми? Кимда не бўлса, ўзи билан олиб келаберсин. Улуг йиғин тузилгайдир.

– Ия, – деди Ишбара илжайиб. – Зўр иш бўляпти-ку?

– Бўлак ерлардан-да киши чорланди, – деди Билга хоқон. – Улусни тўплаб бутлайлик, кўрган кунига қарайлик. Очдан ўлмасин, йўл топайлик.

– Сен не десанг шу, – деди Ишбара ямтар. – Кетаримизда оз-моз ошлик берсанг, бас.

Билга ёнидаги кўзлари чакнаб турган инисига қараб:

– Кул Тигин, бу иш сенга, – деди.

Ишбара билан Булут Кул Тигинга қўшилиб уюр олдидан ўтиб, яйлоққа чиқишди. У ерда бир қанча қорамол бурнидан ховур чика-чика, унда-бунда қакқайган буталарни чимдиб юрган экан. Иккитасини айириб беришгач, Ишбара билан Булут суюна-суюна молларни ҳайдаб, йишга қайтишди.

Ишбаранинг севинчи то йишга келгунча сусаймади. Ўзи тетик, юзи кулар, оғзи илжаяр, тоғ-тошга қараб ҳайқириб қўярди.

Қўналғига яқинлашганларида:

– Ҳой улус! – деб бақирди Ишбара, узоқдан ўтов олдида турганларга қарата. – Кўксингни кўтар, тўшингни қабартир! Бошингга улуғ хоқон келди. Билга хоқон келди!

\* \* \*

Ҳўкиз йили Тангри тоғ этакларига шундай келди. Қиров-булдуруқлар осилиб-осилиб ётди, сувлар тубигача музлади.

Табғач тўла кучга кирган, мучал уч айлангунча бўлмаё сўнгсиз чўлларни, яланг ерларни, тоғу тошларни юрт тутган шу тикбош, ишонувчан, тўғрисўз будун бошига қайғу келтирган эди. Табғачлар кўчиб юришни ёқтиришмас, шу сабабли ўзғирликда туркийларга ета олишмас, табғач кўч-кўронини кўтариб яроғини жамлаб улгургунча улар отларига миниб кўздан ғойиб бўлиб кетишарди. Бир қанча улус кучли у ёғийдан шу тариқа сақланса-да, бора-бора озиб-тўзиб, яланг оёқ, тўнсиз-ошсиз кун кўришарди.

Кишилар йўқсулликда тубанлашиб кетган эдилар! Бировни бировни кўзга илмас, ошлиқ ўйи, кун кечирини қайғуси шу кўйга солиб қўйган, бўлар-

бўлмас қуш эти ё мева учун уришиб-сўқишадиган турумга келган, кон тўқишдан-да тап тортмас, ёвқурлиги, тикбошлиги тугаб битган эди. Йигит-яланг ошлиқ излаб олис элларга кетиб қолишар, табғач ё қитанга ёлланиб, эр отига тўғри келмайдиган юмушларни қилиб юришарди. Йилқи ё мол боқиб, коровуллик қилиб, черикка ёлланиб топганларини ойда-йилда бир эна-отасига юбориб, ўзлари ўша юртларда эсанкираб, ердаин бўлиб яшашарди.

Бўшашган, эзилган улусларнинг кишилари Ўтуканга тўрт ёндан оқиб келарди. Эрлар тўпланишар, кенгашишар, Билга хоқон сўзи айтиладиган йиғинни кутишарди.

Арча-қарағай кесилиб, ўт ёқилди. Ўтин куя-куя, ярим киши бўйи қўр тушди. Келгувчилар Билга хоқон Қапаған хоқонга қандай ўтинганини, қандай қилиб улусларга сўзчи юборганини, Ўтуканга чорлаганини сўзлашарди.

Иш бундай бўлибди: Билга Олтин йишга, Қапаған хоқон қошига борибди. Хоқон қаршисида тиз букиб, ўтинибди.

Шундай дебди:

– Ўн ўқ, қитан, ўғуз — бу учовлон қамаса, қамалда қоламиз. Унда танасининг ичу ташини, ўзини топширган кишидай бўламиз. Юпқа йиғин енгишга қулай эмиш, ингичка йиғин узишга қулай эмиш. Юпқа қалин бўлса, енгадиган баҳодир<sup>14</sup> эмиш. Ингичка йўғон бўлса, узадиган баҳодир эмиш. Кунчиқардан, кунботардан, ўнгдан, сўлдан ёв келса, қўригани икки-уч минг эр бор. Бундан ўзга эр борми?

Хоқон Билганинг сўзини тинглабди.

– Бундан бўлак эр йўқ, – дебди.

– Мен не дердим, кўнглингга қараб йўл тут, – дебди.

Йиғилганлар мана шуларни айтишарди.

– Кўнглига қараб йўл тутса не бўлар экан?

– Ўн ўқ, ўғуз ўз уруғимиз-ку, нега бизга қарши тиғ кўтарармиш?

---

<sup>14</sup> Қадимги “Бағатур” сўзининг ўзгарган шакли. “Ботир” деб ҳам қўлланилади.

– Тўғри айтасан, анча олдин барчамиз бир уруғ эдик. Табғач орани бузиб, улусларни тўзғитиб юборди, кишиларни бир-бирига ёв қилди.

Юзидаги чандиғи, бир оёғи оқсоқланиб юришидан эски ботирлардан экани билиниб турган улуғ ёшли бир киши:

– Кунботарда қитан кучайди, – деди. – Ўртада табғач, ер-суви мўл бўлди. Кези келганида темирни қизигида уриб, сени-да чўккалатиб, ер-сувингни олса, миқ этолмай ишингни-кучингни уларга бериб юраверасан. Ўн ўқ-у қитан табғачга қарши боролмайди, кучи етмайди. Табғач ўйин қилиб устимизга уларни юборади, сўнг келиб баримизни бирдан босади. Билга хоқоннинг сўзи тўқ, илиги бор. Эшитмадингизми, “Тангри сизларга хоқон бердим. Хоқонингни қўйиб бўйнингни эгдинг. Шунинг учун “Ўл” деган чоғи” дебди. “Агар табғачни йўриғидан чиқмасанг, хоқонингга бўйсунмасанг, ўласан-йўқ бўласан. Турк сир ерида, идук сув ерида биронта уруғинг қолмайди” дебди.

– Тўғри айтибди.

– Қодирқон йишда, Сучук кўлида, яна бир қанча ерларда беклар ўз улусини талашга тушган экан. Бошини кўтаргани қўймас, ош-озиғини, мол-кўйини, от айили-ю эгар-жабдуғигача, идиш-аёғию қора қозонигача тортиб олганмиш. Билга хоқон иниси, шадлари билан бориб барини эл олдига олиб чиқиб, таёқ урдирибди, йўқсул молини қайтариб бергиздирибди. “Ўзингизни чопқинда кўрсатасиз, кўрсатолмасангиз ўлдириласиз”, дебди.

– Зўр қилибди, элга ёқадиган иш қилибди! – деди Ишбара. – Мен бўлсам-да шундай қилардим. Эл молига кўз олайтирилурми? Шошма-шошма, иниси киммиш?

– Элтариш хоқоннинг кичик ўғли Кул Тигин-да. Ҳали бир ярим мучалга етиб-етмаган ўсмир, ўн ёшидаёқ эр отини олган.

– Ўн ёшида? Қўйсанг-чи, ўн ёшида не қилиб эр отини олибди?

– Элтариш хоқон ёнида, Кўгман этагида табғач бўлуғи билан сўқишда бир ёвни санчган чоғи эр отини бермишлар экан. Қисқаси, талончи беклар Билга хоқонга бўйин эгишни истамай бош кўтаришибди, шунда Кул Тигин

чақиндай бўлиб улар устига отилибди. Кўз очиб-юмгунча иккитасини йиқитиб, яроғини тортиб олибди. Шундан сўнг беклар Кул Тигиндан кўрқиб, ўзларини ерга ташлаб тиз букишибди.

– Йўксулликда бир-бирини талар элга не дея олардинг... – хўрсинди Ишбара. – Хўш, ўзинг кимсан?

– Отим Эл Бўғу, – деди улуғ ёшли киши. – Хотинларимни, қизларимни, келинларимни қўйиб, Ўтукан йишга келдим. Юзта қўйим бор эди, хайдаб келдим. Ёвга юрмасак хотинларим, қизларим ўлади, дедим. Шунга келдим. Ўзим оқинман, ўқиш-ёзишни биламан, достон-да айтаман. Сиз кимсиз?

– Ия, ўзимизнинг ёзувни биласанми?– Ишбара ямтарнинг кўнгли чоғ бўлиб кетди. – Не улусларни кездим, ўз битигимизни билувчи бирон кимса кўрмадим... Бизлар кичик йишдан келдик, Улусим оч, зўрға куш-куён ер эди. Қишда очидан ўларди. Табғач келиб ҳингир-ҳингир кулиб кетарди. Шунга йиғилиб келдик. Мен Ишбара ямтарман, бу эса Булут.

Ишбаранинг ортида турган Булутнинг ушоқ юзига қараб Эл Бўғу кулиб юборди.

– Ҳой йиллик<sup>15</sup> тулки, кулма! – деди Булут, аччиқланиб. – Анчадан бери тузук бир нима емадик. Тариқни сувда қайнатиб ичдик. Йигит эт емаса не бўлгай? Энди оғзимиз ошга етди, – деди. Сўнг ўйланиб туриб, сўради:

– Қўйларимни хайдаб келдим дедингми? Ия, боя мен еган этлар сен хайдаб келган сурувдан экан-да?

– Қай киши йилқи-ю қўйи билан, қай бири қорамоли билан келаберди, – деди Эл Бўғу сийрак туман аро лой-балчиқ кечиб тўпланаётган будунга боқиб. – Будуннинг қолган-қутгани бир-бир келмоқда. Тўпланиб келса бори икки минг бўлгайдир. Ҳай ёзуғ, – деди кейин. – Доврукли будундан шу қолди. Бари оч, ялангоёқ келмиш. хоқон билга эмиш, ер-сувларимизни табғач босди, уни олмасак, эрта бир кун чиндан ўлгаймиз, йўқ бўлгаймиз демиш.

– Йўқ, ўлсак ўлайлик, бироқ кул бўлмайлик, – деди Ишбара ямтар, қаттиқ қилиб.

---

<sup>15</sup> *Йиллик – улуғ ёшли.*

– Энди кул бўлмайсан, бўлар иш бўлди, – деди Эл Бўғу. – Ё ўласан, ё қоласан.

– Билга ким ўзи? – деб сўради Ишбара.

## БИЛГА ХОҚОННИНГ ЎТМИШИ

– Отаси Элтариш Қутлуғ хоқон, онаси Эл Билга хотун, ўз оти Мўғулан экан, – деди Эл Бўғу.

– Табғач улуснинг ер-сувини тутмиш экан. Қўй-қўзиси, йилқиси, олтин-кумуши мўл, бироқ авроқчи экан. Ўзини яқин тутганга анча кумуш берар, йироқ тутганга оз-моз кумуш бериб, оғдириб-чорлаб олган экан.

Қорувни кичик, билаги кучсиз, тутуми бўш эмиш. Кучсиз киши ўтрикчи<sup>16</sup> бўлади-ку? Табғач шундай экан.

Ёши бирга етар-етмас<sup>17</sup>, отаси Элтариш хоқон Кўк Тангри ёнига кетибди. Ўзича қайғуда кетибди, бир сўз демабди. Шундан сўнг Билга опағаси<sup>18</sup> Қапаған хоқон қўлида ўсибди.

Ўсиб-ўсиб, бир кун қараса, тўрт ёнда сўзини ўтказган табғач ўз будунни эмас экан. Йастиқ-йастиқ олтин-кумуши, ойна-идиши, ипак тўнлари бормиш. Ўлгудай очкўз, кенгашиб, ўзгаларни йўлдан оздириб босай дер эмиш.

Билга ўтириб ўйлабди, туриб ўйлабди. “Ёт будун устимга келиб улусимга буйруқ бериб тургайдир. Будунимга не бўлмиш, қани у?” дебди.

“Бор бўлса, нега туруми бундай? Йўқ бўлса, қани, қайда ўлиги?” дебди.

“Оғам, – дебди иниси, ёвқур Кул Тигин. – Тўрт булунгда<sup>19</sup> ёвдан бошқаси кўринмайди. Табғач, ашина уруғини қуритай дебди. Будуннинг турумига боқсанг-чи?”

Будуннинг туруми не экан?

---

<sup>16</sup> Ўтрикчи – ёлгончи, авроқчи (Самарқанд, Сурхондарё ҳамда қорақалпоқ лаҳжаларида ҳозир ҳам қўлланилади)

<sup>17</sup> “Ёши бирга етар-етмас” – бир мучални шундай дейишган.

<sup>18</sup> Опага – отанинг ога-иниси, “опоқи”, “опоқи” шаклида ҳозир ҳам қўлланилади.

<sup>19</sup> Булунг – томон, тараф.

Тўрт ёндан китан, табғач, қурдан ўраб турган экан. Ўзи Табғачга қарам экан. Анчадан бери қарам экан.

Шунда Билга Қапаған хоқонга арз қилибди.

Шундай дебди:

“Хоқоним! Жангжу будунни қирқ турк ўғлон ер билан битта қилди. Қулликда, ёв этиги ўмизини босиб турганида, хоқонини ер тишлатишига оз қолди. У қирқ йигит кўркмай ёвга ташлансин-у, бизлар ўз ер-сувимизда, очликда, чиғайликда ер бағирлаб ўксиб юраверайликми?”

“Не дейсан?” деб сўрабди хоқон.

“Буйруқ берсанг, будунни тўплай, ёвни уриб-ёяй?”

“Кўнглингга келганини қил”, дебди хоқон.

– Жангжуга бош кўтарган йигитлар ким экан? – сўради Булут.

– Ўшанда кучли шамол эсган эди, – деди Эл Бўғу. – Туркийнинг ашина уруғидан қирқ йигит Чин хоқонини ўлдириш учун тил бириктиришган эди...

\* \* \*

Ҳа, кучли шамол эсарди. Ашина уруғининг Кур Шад деган юракли алпи бошлиқ қирқ йигит Чин хоқони Ли Шу Минни ўлдириш учун пойлаб туришарди.

Кур Шад кўктурклар хоқони Чулукнинг кичик ўғли эди. Чулукни жангжулар оғу бериб ўлдиргач, улус бошига унинг иниси Қора хоқон келди. Қора хоқон бир Чин кўрғони ёнида бузғунга учраб, ёнидаги ботирлари билан тутуқланиб Шантунгга юборилди.

Тутқунлар орасидаги Кур Шаднинг кучли, ёвқур эканини кўрган Чин хоқони уни сарой кўриқчилари орасига олди. Бу чоғда чинлар туркийлар билан қон қориштиришни бошлашган эди. Туркий ўғлонларга чин хотинлар берилган, турк қизлари Чин эрларига хотин қилина бошланган эди. Бунга қарши оёққа турган бир қанча турк улуси қийновга солиниб, ўлдирилди. Шу орада хоқон Тай ўлиб, ўрнига хўппасемиз Ли Шу Мин келди.

Шунда ёвқур Кур Шад теграсидаги туркийларни йиғиб айтдики: “Туркийдан қул бўлмас! Туркий бош эгмас! Жангжу будунга иш-кучимизни<sup>20</sup> нега берайлик?”. Шундай деди. “Бир куни барибир ўласиз. Қулликда эмас, эркинликда ўлинг!”. Қирқ эрга Кур Шад бош бўлиб, ўзларича бирикиб олишди. Кенгашиб, кечалари Шангун йўлларини кезувчи хоқон Ли Шу Минни олиб қочиб, Чин кўшикидаги тутқун туркийларни қутқаришни, босиб олинган ер-сувларини қайтаришни кўзлашди.

Бироқ, босқин кўзланган тунда кучли шамол кўзғалди. Чин хоқони шамолдан қўрқиб, ташга чиқмади. Ўйлаганларини биров билиб қолмаслиги учун Кур Шад ўз йигитлари билан хоқон кўшигини босди. Чопқинда юзлаб жангжу йигити ўлди. хоқонни қўлга туширолмаслигини билган Кур Шад охурдаги қоровулларни ўлдириб, отларни олиб қочди.

Қоча-қоча, Вэй сувига етиб келишди. Шамол янада қутуриб эсар, сағанақ<sup>21</sup> ёмғир қуярди. Ирмоқни кечиб, севимли Ўтукан қўрғонига боришни ўйлашди. Бироқ, сув тўлиб-тошиб ёйилган, ўтиб бўлмас экан. Кур Шад йигитлари билан ортдан келган чин черигига қарши чопқинга кирди. Уч минг чин чериги-ю қирқ туркий эр... Туркийлар ўқлари тугагунча отишди, сўнг тиғларини олиб, юзма-юз урушга ташланишди. Уч минг чин чериги қирқ туркийнинг ёвқурлигидан шошиб қолишган эди. Юзлаб чин эрларини ўлдириб, ўзлари-да ўша сағанақ ёғиш остида ўлиб кетишди...

– Билга хоқон тўғри айтибди, қирқ эр уч мингга қарши ташланса, биз нега ер бағирлаб ётиб-йитиб юрибмиз? – деб сўради Ишбара ямтар.

Эл Бўғу яна бир нималарни айтмоқчи эди, бироқ, тўйқусдан буйруқ бегининг йўғон саси келди:

– Хў-ў улус! Ўтирган бўлсанг тур! Турган бўлсанг юр! Хоқонинг йиғинга чорламоқда!

## ЙИҒИН

<sup>20</sup> “Иш-кучни бермоқ” – бу иборани ҳозир ўғуз туркийлари қўллашади. Алишер Навоий асарларида ҳам учрайди.

<sup>21</sup> Сағанақ – шиддатли ёғин, сел.



Ёвуқ-йирокдан мингдан ошиқ эр тўпланиб келган, бола-чақаси, эналарию ачалари, оталарию дадалари озган-тўзган, неча йиллардир хоқонсиз, ўксиб яшаётган будунни жўштириб, бир неча отлик жарчи теваракни айланиб бақириб, йиғинга чорларди.

Чорловни эшитганлар бирин-кетин тўпланиб келаверишди. Барининг кўзи йилтиллаб, Билга хоқонга кулоқ осиди.

Сўлда, эрлар тўпидан айри бўлиб хотинлар тўпланишди. Оёқ остида бола-чақа ғимирлар, кичикроқлари бармоқларини оғзига солиб, бир кўли билан энасини этагини тутиб, теваракка анграйиб термилишарди.

Билга хоқон устига бўри тамғали совутини кийибди, қир устига санжағини суқибди, туғини илибди.. Ўнгида иниси ботир Кул Тигин, сўлида йўриқчиси Билга Тўнюқуқ, ортида икки шад, кишилар тўпланишини кутиб туришган экан.

– Ҳой будун! Гапимни тугал тингла. Қаттиқ эшит! – деди Билга хоқон.

– Гурлама! Тек туриб кулоқ сол! – деб қичқирди жарчи.

Саслар тина-тина, кўзлари Билга хоқонга термилган, кулоқлар динг эди.

– Сўзимни тингла! Кўрик келди: Тўққуз ўғуз будунни устига бир хоқон бош бўлибди. Жангжуга Куна Сангунни юборибди, табғачга Тўнгра Самни юборибди. Уларга шундай сўз юборибди: бир оз туркий будун тирик юрган эмиш. Хоқони алп экан, йўриқчиси билгич экан. Ўша оз будун тирик юраберса кун келиб сени, табғачни ўлдиражак, олдинда қитанни ўлдиражак, мени-да у ўлдиражак, дебди. Табғач, сен ўнгдан бос! Қитан, сен олдидан ур! Мен сўлдан босай. Туркий улус ерида ўзга эга юрмасин. Уни йўқ қилайлик, дебди.

Будун бир чайқалиб олди. Тўққиз ўғуз, Ўн ўқ, қитан будуннинг зўрлик кунда босқин қилмоқчи экани эр кишига ярашиғлик иш эмас, олчоқлик деб кўриларди.

– Юрагинг титрадимми, будуним? – деб сўради Билга хоқон. – Буни эшитиб тун ухлагим келмади, кундуз ўтиргим келмади! Хоқонимга бош уриб

бордим. Хоқоним сўзимни тинглаб, “Мени нимаям дердим? Кўнглиннга келганини қил”, деди.

– Ана, айтмадимми? – деб шивирлади Эл Бўғу.

– Кўнглиннга не келди? Хоқоним ёнидан айрилдим, йўлда Муз тоғига эмаклаб чиқдим, кўзимнинг ёши соқолимга окди, кўкка тикилиб, Тангримга юкундим.

Тангримга не дедим?

“Эй бир Тангрим! Эй бор Тангрим, бу будун улуғ эди, ўксик бўлди”, дедим.

“Кўкси тоғ, алп эди, боши эгик бўлди”, дедим.

“Тикбошлиги қолмади, очлигидан, йўқсуллигидан бир-бирини еяр турумга келди”, дедим.

“Эрлари бўйинларини эгиб табғачга ошлиқ-емиш сўраб борар бўлдилар, берган оз нарсасига учиб, уни кўкка кўтарар бўлдилар”, дедим.

“Бир-бирини кўтариш ўрнига бир-бирини эзиб-янчар бўлдилар. Буни кўриб, ичим қайғуга, кўзим ёшга тўлди”, дедим.

“Сен бору йўқни билувчи Тангрисан, будуним ўзининг ёмонлигидан, бир-бирини ардоқламаганидан шундай кунга қолди, дедим. Эзгунинг ичи эзгу бўлмай, бузукнинг ичи бузук бўлмай. Бир-бирини кўзга илмай, ёлғиз қорним оч қолмасин деб ёвузлашди, аянч бўлди. Ўзининг билгисизлигидан шундай бўлди”, дедим.

Шуни деганимда Тангрим тоза кўкда чакмоқ чактирди, устимга қор юборди. Қорни кўриб бу тозалик, оқлик дедим, эзгуликка йўйдим.

Ҳой оға-иниларим, ўғлонларим! Эзилган, тўзган улусим, будуним! Ўнгдаги шад ила тўғри беклар, сўлдаги тарқат буйруқ беклар! Бу сўзимни қамуғ эшитинг!

Илгари то кун чиқишгача, ўнгда то кун ўртасигача, ортда кун ботишгача, сўлдан тун ўртасигача, унинг ичидаги будун сенга бўйсунар эди.

Анча будун кўп этмиш эдинг! Ҳой, қора қамуғ будун! Элли будун эдинг, айт, элинг қани?<sup>22</sup>

Эрлар бошларини эгиб, сўроққа не деярини билмай ер чизишди.

– Хоқонли будун эдинг, хоқонинг қани?

– Энди ким билан эл қозонаман, дейсан? Қайси хоқонга ишингни-кучингни берасан?

– Ўлгудай тўғрисан, бўшсан, ишонувчансан. Шунинг учун Табғач кўлида эллик йил қолдинг. Ёғий бўлиб, ҳеч нарса эта-ярата олмай, яна бўйин эгдинг, бироқ бунча ишингни, кучингни беришни истамадинг. Қир-ялангга ёйилдинг, қуш-қуён единг, оздинг-тўздинг.

– Турумингга қарар экансан, ўзингга-ўзинг ачиниб “Ўлайин бундан кўра, уруғимни қуритайин”, дер экансан. Шундай йўқолиб битар экансан.

– Юқорида Кўк Тангриси, Турк сир ери, суви бундай дебди. “Будун йўқ бўлмасин, эл бўлсин!”! Идуқ ер-сувингни ёғий олди, сулув қизинг чўри бўлди, асов ўғлинг қул бўлди. Ҳой юракли будун, ҳой доврүкли будун, айт, ё сўзимда ўтрук борми?

Кишилар “Йўқ! Йўқ!” дея ҳайқириб юборишди. Эрларнинг кўзидан тирқираб ёш оқди. Айтилганларнинг бари тўғри эди. Билга хоқон – ўзғир, алп хоқон кишиларнинг ичини ўйиб, ўтдай ёндирадиган сўзларини сўзлайверди:

– Ҳой будун, тўқмисан, очмисан? Очликда, тўқликда эмассан! Бир тўйсанг очлигингни эсламайсан. Бир очқасанг тўқлигинг эсингга келмайди. Шундайлигинг учун эшитмадинг, хоқонинг сўзини олмадинг. Ер сари бординг, ерлаб ётиб уриндинг, ариқладинг, оздинг-тўздинг. Унда қолганлар тупроқ билан битта бўлиб, ўлиб-йитиб юришди!

Юпун, озган-тўзган, юз-кўзига қараб бўлмайдиган будун етти букилиб борар эди.

– Билиб қўй, ҳой будун! Киши ўғли ўлгани туғилармиш. Бир Тангри яшагай. Бу кун, йўқса эрта барибир ўлажаксан! Шунга дейман: қўрқма!

---

<sup>22</sup> “Давлатли будун эдинг, давлатинг қани” маъносида. Туркийларда эл сўзи давлат маъносида қўлланилган.

Шоқолдайин очликдан ўлма! Силланг қуриб чўзилиб ётма! Ўлсанг бошингни тик тутиб ўл! Қолсанг кўксингни кериб-кериб яша!

– Яша! Яша! – деб ҳайқирди будун.

– Сен ботир ўғли эдинг, алп ўғли эдинг. Ер бағирлаб ётиб-йитиб юрадиган эмас эдинг! Бошинг тим-тик, бўйни букилмас эдинг! Мен айтайин: бундай ётмасдан, устимизга босмасидан ўзимиз босайлик. Ёғий билмай турганида кесиб олайлик.

– Тўғри!

– Босайлик!

– Мундай яшагандан ўлган яхши. Ўлсак, донғимиз билан ўлайлик!

– Ҳой хотинлар! – деб ҳайқирди Билга хоқон, бир ёнда йиғилган хотинларга қараб. – Сенга кўрқоқ эр тузукми ё ботир эр тузукми? Оёқ остингда ошсиз-тўнсиз, итдай мўлтираб ўралашган эр тузукми ё будуним деб қони ерга оққан эр тузукми?

Хотинлар чувиллашди, сочлари оппоқ бир эна:

– Мен ўғилларимни барини алп қилиб тукқанман! Қўрқоқ ўғлон тукқан бўлсам, кўрқоқлигини кўрмасдан ўлиб кетай! – деди қоқсуяк қўлларини нуқиб-нуқиб.

– Яраланса, кўксинг қабариб ярасини боғласанг тузукми ё ошлиқ бер деб мўлтайса тузукми? Ҳой хотинлар, айт: отангни, оға-инингни берасанми? Эрингни, ўғлингни хоқонингга берасанми?

– Ҳой Элтаришнинг ўғли! – деди бояги эна. – Сўзингни тугал қил. Бу хотинлар кўзи-улоқ эмас, арслон туғишган. Сени энанг қандай тукқан бўлса, буларни-да шундай тукқан!

– Унда олға! – деб ҳайқирди Билга хоқон. – Ботир эсанг яроғингни, емишингни ол, ёйингни ўқла! Отингни эгарла! Қорақуш<sup>23</sup> чиққанида сўқишга юрайлик!

– Олға!

– Юрайлик!

---

<sup>23</sup> Қорақуш – Зухро юлдузи

Билга санжақли туғни ердан суғурди, ёнидаги тарқат буйруқ бекка берди. Будун гуриллаб кўзғалиб кетди.

Йишда қора кеча оқаргунгача ғимир-симир тинмади. Ўтлар ёнаверди, темирчилар тин олишмади. Синиқ-чиқиқлар тузатилиб, отлар эгарланиб, аравалар тизилгач, Билга хоқон қор устига чўк тушди, кўлини ёйиб кўкка қараб деди:

– Тангрим, бир сен мангусан! Элларни, улусларни берадиган сенсан, оладиган-да сенсан! Алпларни яратадиган ўзингсан, қут юборадиган, қутлуғ қиладиган-да ўзингсан! Будунимни-улусимни ёрлақа, бошини эгдирма, донғини кўриқла!

Шундан сўнг отига миниб, черикнинг олдига тушди. Ортидан отлиқлар, аравалар кўзғалди.

Хотинлар эрларини ўлимга йўллашарди. Бироқ, ҳеч ердан йиғи-сиғи, оҳ-воҳ чиқмасди.

Кўзғалаётган черик орасидаги Эл Бўғу тўпдан айрилиб хотинлар ёнига келди-да, от устида туриб:

– Ўлсам йиғларсан? – деди юзини тириш босган, мункайган хотинига.

– Бўлар-бўлмас сўзлама! – деди хотини. – Сени ўлгани юбормаяпман, қозонгани юбораяпман. Ўлсанг, ўғил-қизларингни, келинларингни кўзига қандай қарайсан?

Шундай деб, кўзасидаги сувни эрининг изига сепди. Хотинларда шундай удум бор эди: сувдай бориб сувдай келсин дея, кетгувчи изига сув сепишарди.

Қўшин йўлга чиқди. Буни қўшин деб бўлмасди. Ўлим-қолим савашига кетаётган черик озган-тўзган, моли-ю оти ориқ, аянч, бироқ ўзи тетик йўл босарди.

## КЎГМАН ТОҒИ

Кун чикиб қорларни эритган бўлса-да, кеча совуғи теваракни яна музлатиб қўйди. Отлар сирғанмасин дея туёғига тўқуш<sup>24</sup> боғланди.

Ишбара ямтар сўлда, Булут у билан ёнма-ён, Эл Бўғу ортроқда келарди.

Йиш ортда қолди, киш изғирини қорларни тўзғитган яланг чўлдан ўтиб, Кўгман тоғларига етиб келинди. Тўрт бўлунг оппоқ, тоғ этагига ёғин яна-да калин тушибди. Кўгман тоғларига анчадан бери қўшин тугул, киши оёғи етмаган эди, очик жойларга каклик тиғиз тушган, эрлар йўл-йўлакай ёй отиб овлаб боришарди. Довон ошилганидан сўнг музлару қорлар орасида мовий яркираб чўккилар кўринди.

– Ишбара, – деди Булут, қокилиб-сукилиб ёнида бораркан. – Ўғуз, Ўн ўқ, қитан<sup>25</sup> бизга қондош эмасмиди? Нечук ўз қардошига тиғ кўтаришни кўзлабди?

– Уни билмадим, – деди Ишбара. – Ана, Билгадан сўра. Мени билганим табғач, ана ўша бизга эскидан ёв. Ерларни босган, тузугини ўтказган, қиз-ўғилларни олиб кетган ўшалар.

– Табғач уларни қайраган бўлмасин? – деди Булут. – Кучсизлиги учун тулкидай аврайди, демаганмидинг?

– Табғач кучсиз эмас. Туман-туман қўшини, темир араваси, манжанақлари, олисга отар ёйлари бор. Уни кучсизлиги ўйида. Ўйи бўш, ўзи тубан, олчоқ.

– Не бўлсаям бизни ўлдириб йўқ қилишмоқчи, – деди кейин, тўнғиллаб. – Ўй сураверсанг бошинг ишламай қолади. Ўйлашга Билга бор, ўша ўйласин. Сен ўз ишингни қил.

Булут олдда бораётган Билга хоқонга қараб қўйди. “Нени ўйлади экан?” деди ўзича. “Не бўлса-да арслон юракли экан, хоқон ўғлиман деб тўқликда юрса бўларди, бироқ оч будун устига келиб ўтирганини қара-я... Будун не, ўлса ўлиб кетаверарди-да, бу бўлмаса, яна қанча улус бор?”

---

<sup>24</sup> Тўқуш – латта, мато.

<sup>25</sup> Қитан - туркий ва исломий манбаларда қитой, хитой, қорахитой деб аталган. Уч катта уругдан иборат: канжигали, қўштамгали ва ўтарчи. Баъзи элатлари Самарқанд ва Жиззахда сақланиб қолган.

Шу йўсинда кетиб бораверишди.

Кун қуйига юмалаганида кўркли бир кўл олдидан чиқиб қолишди. Теграсидаги қор уюмлари, ора-сира яшил арча оғочлари қуршовида ойнадай жимирлаб турарди. Ишбара ямтар кўл чиройига анграйиб турар экан, кўзи олис музлоклар оралаб шу ёққа келаётган кичик қораларни илғади. Қоралар сийрак туз-туман орасида ғира-шира кўринарди. Ғимир-ғимир қилиб шу ёнга юрмоқда, ёйилиш ўрнига орт-ортига тизилиб келарди.

– Ҳой улус, тўхта! – деб бақирди Ишбара, ортига қараб. – Ёйингни ол, қилич-санчқингни чиқар! Ёв келмоқда.

– Ёв келмоқда? Бизни юришимизни қайдан билақолибди?

– Черик! Ёйил!

Олддаги черик икки ёнга айрилди, ўртага икки шад бош бўлиб отликлар жамланишди. Мудраётган қонлар кўпирди, титраб-қақшаб келаётган эрлар бирданига совуқни сезмай қолишди.

Ёв кўринди!

Бу сўз йилдиримдай бўлиб аскарларга етиб боргач, Ишбара яна ғимирлоқ қўшинга тикилиб туриб, сўнг:

– Вой ўзимни баҳодирларим! Эзгу иш бўлди-ку? Ошлиқ ўз туёғи билан келмоқда! – деб бақириб, отининг туёғи қорга бота-бота Билга хоқон ёнига елиб борди. Билга ўша ёққа қараб турарди. Бир тўхтама келиб:

– Ишбаранинг сўзи тўғри, Кўк Тангри қаршимизга ўлжа юборди! – деди оғзидан ҳовури чиқиб. – У ёв эмас, ўрмон буғуси!

Қор узра тизилиб келаётган сон-саноғи йўқ черик қўшин эмас, ғовлоқ мугузли ўрмон буғулари экан!

– Хоқоним, овлайлик! – деди Ишбара, кўзи ўртилиб термилиб. – Мунча этни Тангри ўзимизга юборибди. Тўппа-тўғри устимизга келмоқда!

– Тураверсанг келмагайдир, – деди Билга хоқон. – Ўрмон кийигини тутуми шу, ортига қайтмас, қочса икки ёнга қочар. Иккига айрилиб, ўртани бўш қўйинг. Отлар ўрнида қолсин, ўлжа киши исини сезмасин, от исини сезсин!

– Совуқда ис узокқа кетмас? – деди Ишбара ямтар тўнғиллаб, сўнг Булут билан бирга ёнбошни эгаллади. Улар буғу йўлидан юксакда, тошлар орасида экани ўнг келди. Буғу суруви анча қуйидан, бироқ ўқ етар ердан ўтар эди.

“Ур!” деган буйруқ келгани он узун-қисқа, патлию патсиз ўқлар визиллаб учди. Ўқчилар ёйларини бўшатиб улгуришмасди. Ғовлоқ мугузли, кўркли яратиклар мункиб-мункиб, қор устида типирчилаб қолишарди. Ўлжани кўриб суюнган эрлар аямай ўқ узишарди. Ишбара узун ёйини олган эди, суюнганидан шундай урдик, ўқи ўнгроқда келаётган буғунинг бўғзидан кириб ўмизидан чиқди. Булут кичик ёйи билан ўзича бир нималар деб чинқира-чинқира ўқ узар, ўқлари етиб бормай, қор устига тушиб қоларди.

Шундан кейин икки шад билан бир қанча эр энгагидан тўсиб чиққани он, тўда тўйқусдан қуйига – кўлга эниб кетди. У ёққа инишни имкони йўқ – тошу чўнқир мўл, отда тушиб бўлмас, яёв қувиб етиб бўлмасди.

– Бас, етар! – деди Билга хоқон, қониқиб. – Ўлжани йиғинг!

Черик ёйила-ёйила, қоқилиб-суқилиб қуйига иниб, қорда чўзилиб ётган ярали кийиклар устига чопиб борарди. Яна бир оз ўтгач, ўлжа мўл-кўл бўлгани билинди. Буғу таналарини ташиб келишди, ялангга қирдай қилиб уйиб қўйишди. Совуқда юнги тиккайиб, қуриган оғочдай бўлиб музлаб қолди.

– Урушга чиқдикми, овгами? – деди ханг-манг бўлиб Ишбара.

Билганинг буйруғи келди:

– Тутун чиқармасдан ўт ёқингиз!

Бу шундай эди: ерга ўра қазиб, ўтин қаланди, чакмоқтош билан ўт ёқиб, буғу этларини устма-уст бостириб, устига арча ташлаб, тош-тупроқ билан кўмиб қўйилди. Барча тетик, ғўнғир-ғўнғир сўзлашишарди. Эл Бўғу эса устидан ҳовур чиқиб турган дўнг олдида муштини жағига тираб, эт пишишини кутиб ўтирарди<sup>26</sup>.

---

<sup>26</sup> *Эт пиширининг бу усули ҳозир ҳам Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё қишлоқларида сақланиб қолган.*



Кўр ўз-ўзидан қизий-қизий, эт пишди. Ўралар очилди, пишган этлар черикка тарқатилди. Қорни тўйиб, кучи ошган черикка Билга хоқон қолган этларни белгилаб, музга кўмишни буюрди. Устига от қилларинию гўнглари ташлаб қўйишди. От гўнги исига шоқолу айиқ келмас экан.

Кеча шундай ўтди. Буғу ёғига тўйинган кўрлар чиқариб олинди, устига яна арча ўтини ташланди. Кеча бўлгани учун тутун кўринмас эди. Сўнг кўк юлдузларга тўлиб кетди, улар шу қадар ёвуқ эди-ки, қўл чузиб тутиб олса бўладигандай. Кўр дўнг қилиб уйилди, ўша ўт теграсида отлар билан ухлашди.

### **ИНИГАЧ КЎЛ ЁҚАСИДА САВАШ**

Кеча ўтиб, кун кўрингач, қор шундай ёғдики, санжақ ботар бўлди. Эрлар олдга ўтиб, йўл очишга уринишарди. Шу тариқа имиллай-имиллай, изғирин уриб турган жойда тор ўтув ерига етиб келишди.

Қор тушгача ёғди. Сўнг тиниб, кўк янгитдан очила борди.

Ўтув ери шунчаки, бир отлиқ зўрға сиғаркан. Икки ёнида тик қоялар кўккача юксалган экан.

Билга хоқон тошларни паналай-паналай, Инигач кўлига тушишни буюрди. Тўққиз ўғуз ери кўлнинг у ёғида экан.

Кўгман тоғининг у ёғига ўтиб бўлишгач, Билга хоқон оқ от минган оқ пўстинли кишилардан кўзчи юборди. Кўзчилар анчадан сўнг қайтиб келиб, Тўққиз ўғуз ҳеч нимани билмай ўтирганини айтишди.

Юқоридан тушаётганлари учун Тўққиз ўғуз кўналғаси олисдан кўриниб турарди. Чериги кўринмасди. Ўғузлар босқин ёки чопқин бўлса тўрт булунгга жарчи ёйиб, теварак-атрофда кун кечираётган улусини чорлаб келар, черигини шундай тўпларди. Тўққиз ўғуз Кўгман тоғидан тушиб келаётган эрларни кўриб олдинига не бўлаётганини англамади, кейин шоша-пиша улусини тўплашга тушди.

Анча тушилди. Бу орада Тўққиз ўғуз бир қанча черик тўплаб улгурди.

Билга хоқон қўшинни тўхтатиб, кўзларини ўша ёққа тикиб ўйланди. Анча ўйланди. Сўнг йўриқчиси Тўнюқуқ билан кенгашди:

– Тўққиз ўғуз ўз қардошимиз, қонимиз бир. Туйқусдан боссак-чопсак, эр кишини иши бўлмас?

– Сўзчи юборайлик, сўзини олайлик, – деди Билга Тўнюқуқ.

– Мен бораман! – деди кўксини кериб Ишбара ямтар.

– Мен борай? – деб унинг ёнига суқилди Булут.

Билга уларга қараб, бош чайқади:

– Йўқ, Эл Бўғу билан ёши улуғ бир-икки киши борсин.

– Довруқли алплардан борақолсин?

– Тўққиз ўғузнинг тутуми белгили эмас, – деди Билга. – Қизғинлик устида бир нима бўлса, алпимиздан айриламиз. Билга Тўнюқуқ билан Яган Силиг бек, Булутча борсин. Айтингки, элимиз эдинг. Табғач ила кенгашганингни, бизга тиш қайраганингни билиб келдик. Табғач сени тиз чўктиради, ортингдан келиб кўйдайд бўғизлайди. Улар сену менинг ўғил-қизларимизни олиб кетишди. Мен бўйин эгмадим, сен эса олтин-кумушларига учдинг, жўжиқларинг қони ерга сингиб, қотди. Эсингни йиғ, йиғил, сўзимизга кир, деб айтасиз.

Эл Бўғу бош ирғади. Булутча ўзида йўқ севиначди. Улус туғини у кўтариб олди, шундай қилиб, уч элчи қуйига иниб кетишди.

Билга хоқон қони жўшиб, бир қоятош устига чиқар, бир энишга борар, қайтиб яна ненидир чамаларди. Чамалаб бўлгач, икки шаднинг бирига:

– Кур Шад иним, черикни айир, – деди қатъий қилиб, бир тўхтамга келиб. – Тўртдан учи қуйига инсин, тўртдан бири ортдан хўв тошлар ортига ўтсин. Ўша ерда мендан белги кутишсин. Тек туришсин, ун чиқаришмасин.

– Сен не десанг шу, оғам, – деди ғайратли Кур Шад. Иягида чуқурчаси бор, жағлари қимтилган, ёноқлари совуқда қизарган бу юракли киши ўша ондаёқ тўплар ёнига чопа кетди, тарқат буйруқ беклар билан неларнидир сўзлашиб, черикни Билга буйруғига кўра айирди-да, айтилган ёққа бошлади.

Анча ўтгач, сўзчилар қайтишди. Тўнюқуқ хўмрайган, тўнг эди.

– Не дейишди? – деб сўради Билга хоқон, не иш бўлганини чамалаб турган бўлса-да.

– Кулишди, – деди Билга Тўнюқук. – Ўлаётган арслон сичқон инини кўзлар, дейишди. Будунингиз кучсизланиб ўлмоқда. Кунимиз Билга билан Тўнюқукка қолдими, дейишди. Ўнг Ўқ-у табғач билан келишиб, сўзимизга тамғамизни урдик, қайтсак доврўғимиз қолмайди. Сизга тегинмаймиз, қайтиб кетаверинг, бироқ кўкламда барибир устингизга босамиз, дейишди.

– Не ёзиқ, – бош чайқади Билга хоқон. – Арслон ўқирса от туёғи майишади, демадингизми? Бу бўлимлининг сўзи эмас. Энди иш бузилибди, урамиз! Эл Бўғу, кўрдингми, кўлга қуйиладиган сув ўз йўлини ўзгартирибди. Усти музлаб, қор остида билинмай қолибди...

– Не демоқчи эканингни англадим, хоқоним!

– Кул Тигин!

– Шу ердаман, оғам!

– Черикни ол, қуйига қараб инавер. Қаршисига чиқасан, ёйингни шай тутасан, бироқ чопқинга кирмай турасан!

Сўнг қирмизи яловни кўрсатиб деди:

– Қирмизи ялов кўтарилса урасан, унгача битта ўқ чиқармай тек турабергайсан.

– Ишбара!

– Шу ердаман!

– Қоялар ортига бор, тошларни юмалатишга шай қилиб тур. Орада, товуш етгулик ерда жарчи турсин. Мен “Ур” деганимда жарчилар бир-бирига саслансин, кўк яловни силкитишсин. Шунда қуйига тош юмалатасан. Англадингми?

– Англадим, хоқоним, – деди Ишбара.

– Уюқ Тарлақ, Яган Силиг!

– Буюр, хоқоним!

– Сиз ёнимда қолинг.

Тўққиз ўғуз кўзчилари черик қуйига иниб келаётганини кўришиб, уруш бўлишини билишиб, йиғилиб туришган эди, шу ёққа қараб юра бошлашди.

– Тегма! Ёвуқ келаберсин!

Ёв етиб келгунча анча ўтар эди. Тўққиз ўғуз чериги узун мугузли қорамолларга миниб олибди.

– Ия, от ўрнига қорамол миниб олишибдими? – деб сўради Булутча ханг-манг бўлиб.

Билга Тўнюққунг унга ёш болага қарагандай қараб:

– Тўққиз ўғуз эски, ёвқур черик. Билмасмидинг, урушга кирган мугузли қорамол отнинг кўксини ёргай, – деди.

Ёғий келиб ёйила бошласа-да, Билга хоқон тек эди. Алплар қанчалар босамиз дейишмасин “Тур! Тур!” деб турарди. Тизилиб келаётган ёғий бараварига босқинга ўтса-да, Билга хоқон буйруқ бермади. Ўнгир тубига етиб келишгачгина “Тошни юмалат!” деб бақирди.

Ўзи тугал, ўйи теран Билга хоқон эрларни асради, ўлмасин деди.

Хўкизтошни тошни елкаси билан итариб, пастга юмалатишга уринаркан:

– Ҳой, кўмак бермайсанми, юмалат дедим!

Эрлар ўша он Билга хоқоннинг ўйини тушуниб, бор кучи билан тош юмалатишга киришиб кетишди. Қуйига йўналган тошлар ўзи билан бошқаларини жойидан кўзгатиб, қор сачратиб оқарди. Унга шувиллаб оққан қор уюмлари кўшилди.

Икки шаднинг бири – Кур Шад энгак<sup>27</sup> бошида, бошқаси – Тангриқут, қуйисида эди. Бу икки эр болалигидан бирга ўсган, Тангриқут жўшқин, илдам эса, Кур Шад ўйли, бир ишни бошлашдан олдин анча ўй ўйлайдиган ўғлон эди.

Гулдурас орасида киши саси эшитилмай қолди. Билга қўлини силкитиб “Ортга” ишорасини бергачгина Кур Шад иш битганини англаб, бўлукни

---

<sup>27</sup> Қўшин булуклари киши танасига кўра номланган. Қўшин илгори – манглай, орт бўлук – энгак, икки ёндаги бўлуклар ўнг қўл, сўл қўл дейилган.

ортга қайирди. Кўз очиб юмгунча бўлук кўчкдан қутулиб қолди, Тўққиз ўғуз эрларининг анчаси кўчки остида тугал қолди.

Шунда яна бир иш юз берди. Қорамоллару ёв чериги ўз-ўзидан қорга ботиб кета бошлади. Инигач кўлга қуйиладиган сув усти музлаб, қор остида қолгани учун билинмай турган экан-да. Анча чериги чиқолмай типирчилар экан, ортдагиси олдиндагилар устига мингашиб айқаш-уйқаш бўлиб қолишганида, Билга хоқоннинг момогулдуракдай овози янгради:

– Ур!

– Ур!

Черик селдай бўлиб ёв устига оқди.

Қаршисида булутдай ёпирилиб келаётганларни кўриб Тўққиз ўғузнинг бир қисми ортга қоча бошлаганида туркий эрлар улар устига етиб келди. Теваракни савашу сўқиш саслари тутиб кетди. Бақириқ-чақириқлар, яроғ қарсиллаши, от кишнаши, қорамолларнинг бўқириши асносида ер қизил қонга бўялмоқда эди. Ишбара ямтар узун санжағини олиб от устида бировини йиқитди, бирининг отининг қорнига санчди. Не бўлаётганини англамаган Тўққиз ўғуз ёнга бурилди, сувга тушди. хоқони, ябғуси, ядғуси ўша ерда ўлди. Қочаётган йўлида яна ўлди.

Чопқин тугаб бўлган, Тўққиз ўғузнинг бир озгинаси қуршовда анграйиб, бош чайқаб туришарди.

– Ия! – деди ҳанг-манг бўлиб Ишбара. – Уруш битдимиди?

– Битди чоғи, – деди Эл Бўғу, ундан-да лол бўлиб.

Билга хоқон “Тур!” деб яна ҳайқирди. Қўшин тек турди.

– Қамуғ тутқун тут! Ўқ-ярақ тўпла! – деган буйруқ бўлди.

Билга хоқон шундай қозонди, Тўққиз ўғузни янчди. Икки шади, ябғуси<sup>28</sup> ўлигини қолдириб, ўзи кўкка учди.

Билга Тўққиз ўғуз оқсоқолларини чорлашни буюргач, бир қанча эр йиш ичига ёйилди-да, мункиллаган улуғ ёшли кишиларни олиб келишди. Билга уларни ланғиллаган қўр олдида қарши олди.

---

<sup>28</sup> Ябғу – лашкарбоши.

– Мен Элтариш хоқон ўғли Билга хоқонман, – деди уларга. – Хоқонимдан кўрик келди, Тўққиз ўғуз, Ўн ўқ, қирғиз бирлашиб, бизни янчмоқ бўлибсиз. Муни эшитиб, юра-юра устингизга келдим. Келмасам, кўкламда босгулик қилар эдингиз.

– Тўғри сўзладинг, Элтаришнинг ўғли, – дейишди оқсоқоллар. – Сўзни бўларини айтамыз, сен келмасанг, кўкламда босар эдик.

– Мен ўзим уришгим келиб, қорда бота-бота қон тўкишни истаб келмадим, – деди Билга хоқон. – Табғач сизни устимга юбориб, ё сиздан, ё мандан қутулишни кўзлабди. Қирғиз уруғ ишонувчан, тўғри улус, уни-да устимга юбормоқ истабди. Сўнг уни сизга, сизни унга қайраб иккингизни йўқ қилмоқ истабди.

Оқсоқоллар сўз қотишмади.

– Турумнингизни ўзингиз билмайсиз. Елдай енгил, бўлар-бўлмасга бир бирингизга тиғ тортасиз. Тўққиз ўғуз қурданга черик солибди. Қитан басмилга тиғ кўтарибди... Ўйлаб кўрмайсизми, сизни бу турумга солган қурданмиди ё басмилмиди? Нега сизни мундай ўйинларга солиб, ўзи илжайиб қараб турган табғачга бир не демайсиз? Ер-сувингизга келиб истаганини қилатурган табғачга сўз қотмайсиз? Чериги, оти, ёйи мўл деб кўрқасизми? Ёт бир ёнда қолиб, ўз қондошингизга тиғ урасизми?

– Қаранг, менинг будуним оч, ўлиб-битаётган эди, – деди Билга. – Бироқ, сизни тўқлигингизда урдик. Оз черик билан енгдик, билингки, Тангрининг дегани шу эмиш. Сўзим шу: эрларингизга тегинмагаймиз. Истасам, барчангизни ёяр эдим. Бироқ, учган учди, қолган қолди. Сизга киши юборгайман, қилар ишимизни кенгашайлик. Табғачни тиғини кесмайдиган қилиб, ўзини ер тишлатайлик. Муни Ўн ўқ-у Қитан билан, сиз билан бирга қилайлик. Бораверинг, Тангри ёрлақасин!

– Сени-да Тангри ёрлақасин! – дейишди оқсоқоллар. – Ўйинг шундай бўлса, унда йигитларимизга, эрларимизга тегма. Уларни бўшатиб, қўйиб юбор, қонини оқизма. Шундай қилсанг, кўкламда барчамиз ёнингга кирамиз.

– Сиз айтгандай бўлсин, – деди Билга. – Табғач ила, жангжу ила кенгашгани учун хоқонингизни, ядғусини, сўзчиси Тўнгра Самни олиб кетмоқчи эдим. Қилмиши сўнгида барчаси қорга ботиб ўлди. Ўлгани яхши бўлди, йўқса элини сотгани учун яна ўлдирардим. Энди бораверинг, бироқ, сўзимни қаттиқ тутинг!

Оқсоқоллар йигитлар етовида қайтиб кетишди. Тўққиз ўғузнинг бўйин эгишни истамаган йигитлари, тиз буккан-букмаган, тушовлаб қўйилган эрлари бойлоқдан бўшатилиб, ўз қўналғасига жўнатиб юборилди.

Бу орада кўчки остида қолган қорамоллар чиқариб сўйилди.

Будун суюнарди. Икки шад, ябғулару ядғулар қорамолларни ҳайдаб келишарди. Музлоққа келинганида, кеча кўмилган этларни чиқариб кўликларга<sup>29</sup> ортишган эди, улар туёқлари майишиб-майишиб, юролма қолишди.

– Хоқоним, мунча этни не қилайлик?

Билга хоқон кулиб айтдики:

– Юклаб бўлмаса, қорнимизда олиб кетгаймиз.

Ўт ёқиб, эт пиширилди, черик у этни тўйиб-тўйиб еди. Ишбарани кўрсангиз! Тун янада совиган, кўкда юлдузлар тўнғиб қолгандай кўринарди. Ирмоқ суви музлаган қўй терисидай бўлиб қолибди. Ишбара ямтар суюниб, ичига ёғ киргани учун тўнини олдини очиб, шишган қорнини очиб юрганига яна кулишди.

Келишда ўзлари очган йўл ўшандай турар, қор ёғмагани учун юриш қулай эди. Беклар янада илгари юришни иташарди, бироқ Билга хоқон кўнмади. “Эрлари тиз букди, Тўққиз ўғузда хотинлар, болалар, ача-дадалар қолди, – деди. – Турк будун ёвқур, бироқ, кучсизлар устига не дея босасан? Кўрдингиз, тутукдагиларни бола-чақаси музлаб очдан ўлмасин деб қайтариб жўнатиб юбордик. Ўзимиз Ўтукан йишга қайтаберайлик”, деди.

Бу будун хоқон не деса, кулоқ қоқмай бўйсунарди. Шунинг учун туркийларнинг донғи тўрт булунгга кетган эди. Яна шундай бўлди.

---

<sup>29</sup> Кўлик – юк улови. Баъзи шеваларда бугун ҳам қўлланилади.

## ЙИШГА ҚАЙТИШ

Ёв миниб келган қорамоллар Ўтуканга ҳайдаб келинди. Ер қазиб ясалган ўчоқларда энди мўл ошлиқ пишарди. Болакайлар суяк мижиб юришарди. Йишнинг итлари-да тирилиб қолди: биқини ичига кириб кетган кучуқлар қорни қаппайиб, лапанглаб зўрға юрди.

Ишбара ямтар бўлиб ўтган воқеаларни ўзича ўйлагани сайин кўз ўнгидан чопқин кўринишлари кетмас, қони қизирди. Бир у эмас, бошқалар-да чопишни, кул қилиб олиб кетилган ўғлонлари-ю қизларининг, ўлдирилган қардошларининг қони ерда қолмаслигини, ўч олинисини иташарди.

Кўк Тангри будуннинг йўқ бўлишини истамади. Уни ер юзида қолдирди. Йўқса, ё очликда, ё босқинда тугаб-битар эди. Оз черик кўпни енггани шуни билдирмоқда. Қолаверса, кучсиз эди, енгмоққа қайдан куч топсин?

Будун тирилибди, деган сўзни эшитиб кунчиқару кунботарга тарқалиб кетган улуслар кела бошлашди. Уларнинг баъзилари сариқ сочли, кўк ё яшил кўзли, баъзилари қорача, суяги йўғон, яна бирлари ёйиқ кишилари бўлиб, қийиқ кўзли, учқур эрлар эдилар.

Йиш кенгайиб, минг томли бўлди. Будун айтар эдики, “Эт мўл, ерсувинг бўлиқ. Яна не керак?” Билга хоқон хотинлар пўстак ёйсин, кигиз тўқисин деб буюрди. Кучга кириб бетлари қизариб қолган эрлар ов қилишсин. Темирчилар мўл-кўл ёй, ўқ, болта, қилич-қалқон яшашсин, деди.

\* \* \*

Туркий будун бир-биридан айрилиб, ёвузлашиб, аянчлашиб, очлигу чиғайлик орасида тирик қолмоққа уринар экан, ўз улуси – Тўққиз ўғуз, Ўн ўқ, қитан, қирғиз унинг устига черик юбориб, босиб олишни кўзлагани чин эди.



Булардан энг кучлиси Ўн ўқ уруғи эди. Минглаб қорамоли, йилқиси, кўйи бор, будуни очлик нелигини билмас, қирғиз уруғининг эса саноғи оз, ўзи бирикмаган эди. Шунинг учун Ўн ўқ не деса шу бўларди.

Қитан, татаби, басмил-да Тан хоқонининг аврашига учиб, туркийларнинг қолган-қутганини тўла йўқ қилишни кутган экан.

Билга хоқон Кул Тигин билан бирга юра-юра, савашда ўлганларнинг хотину бола-чақасига от, мол-қўй бердирди. Яраланганлар олдига ўзи бориб сўрашди. Ярадорлар уни кўришганида ётган еридан туришга уринишарди. Ишбара уларнинг тетиклигидан суюнди. Эрларнинг кўкси кабариб қолди, хотинлару кизлар эрларию оғаларининг баҳодирлигини сўзлаб, мақтаниб юрар бўлишди.

Шундан сўнг “Йилқингизга қаранг, тин олинг. Билга хоқон бир нима демагунча еб-ичиб ётаверинг”, деган буйруқ келди.

– Еб-ичиб, тек ётаберар эканмизми? – деб суюнди Ишбара ямтар. – Иста, кўзи эти е. Иста, мол эти е. У кўнглингга ёқмаса, ёйингни ол, отингга мин, тоғ қуйисига бориб қуш овла. Оғилда улоқ туғилса, яйловда ўти унади деганлари шу эмиш! Яшаш яхши бўлиб қолди-ю? – деб илжайди Булутчага. Сўнг “Кунсулувни олдига борсаммикин” деб, йиш оралаб тентираб кетди.

## **ИШБАРА ЯМТАРНИНГ ЎТМИШИ**

Ишбара Муз тоғи этакларида кўкка учган ботир Алп Қора Бўғунинг ўғли эди.

Қора Бўғу узун бўйли, кўнгли қаттиқ киши эди. Ишбарани суяги отасига тортди. Ўн иккисида унга тенглашиб, ёнида юрар бўлди.

Қора Бўғу “Той от бўлса, от тин олур, ўғил эр етилса, отаси тин олур” деб, ўғлига бори билганларини ўргатди. Ёйни турган ериндан тўғрига отишни барча қила олади, деди. Сен ёнлама-ю орқамани ўрган. Ёнлама уриш шуки, чопа турган отда ярим ўгирилиб, орқамада эса тўла ўгирилиб ургайсан.

От минганигда ёйни елкангга ос, деди. Ёйни ўнг қўлда тут. Керак бўлмаса бир айлантириб елкангга осиб кетаверасан, ёйни сира сўлда тутма. Урушга кирганигда ўқдонни ё ўнг биқинингга, ё эгарга ос. Елкангга бўлса, энкайиб от чоптирганигда олишга қийналасан.

Тиғни чап биқинингга ос. Шунда ўнг қўлинг елкангдаги ёйниям, биқинингдаги тиғниям бирдай олади. Билмас киши ўнг биқинига осади, ололмайд қийналади. Санжақни отни ўнг ёнига терс ос, чопқин чоғида ўнглаб олгайсан.

Тиғ уришда отга кулоқ сол, деди. От олд туёғини кўтариб ирғишлаганида урсанг, сенинг кучинг билан отнинг кучи бирлашади, уришинг кучли бўлади. Урушга яхши от танла, яхши от шуки, сен-ла бирга уришсин. У сени сезгай, сен уни сезгайсан, бир бўлгайсан. Булар – бизнинг улуснинг эски ишларидан, туркий эр борки, буларни билиб ўсади. Шуни ўргансанг, чин эр етилгайсан, деди.

Яна дедики, чопқинда патли ўқ олма. Патли ўқ овга яхши. Уришга патли ўқ ишлатмайсан, думсиз, тўғри ўқ билан урасан.

Тўғри учли ўқ темир совутга яхши, деди. Яна-да яхшиси уч қиррали ўқ, деди. Сўқишда япасқи ўқ ишлатмайсан, чунки йўлидан оғиб кетади. Япасқи ўқни ёв ёвуқ келганида ургаёсан.

Ёйда ўқ турадиган жойини белгилаб ол, ўйик белги қўй. Сал тойса, ўқинг нишонга бормайди, ё сўлга, ё ўнгга кетади.

Савашга кирсанг устингга ички совут кий, елка ё қўлингга ўқ тегса тегаверсин, ўлмаёсан. Совут устидан молтери пўстин кий. Кичик ёй ўқи молтери пўстинга келиб урилса санчилик қолади, уни олиб, ёвнинг ўзига қарата отаверасан. Қаршингдаги ким эканига қара, барча ёв бир эмас. Табғач етиб келмасиданоқ сурон кўтаради. Табғач билан урушсанг, устингга совут киймасанг-да бўлади. Унинг ёйи икки тур. Бири оғир ёй, узоққа кучли отади, келишида чийиллаб келади, совутингни тешади. Чийиллашидан билиб, ўзингни олиб қочасан. Кичик ёйи қаттиқ келмайди, пўстиндан ўтмайди.

Булар Ишбара ўсмирлигида эшитган ўғитлар эди. Доврукли Қора Бўғу кўп нарсани биларди. Ўғлига турли ишлар билан бирга, ўк уриб ўт ёқишни ўргатди.

Бу шундай эди. Ўқнинг темир учи тошга тегса учкун чикаради. Тутантириқни тош ёнига қўйиб, суйри ўқни тошга қиялатиб урасан, деди. Ўқ тошга тегиб, чарсиллаб сийрилиб ўтади. Шунда учкун чиқади, ўша он ўт олади. Ишбара бу ўйинниям ўрганиб олди.

Қора Бўғу табғач билан сўқишда ўлди. Ўлса, “учди” дер эдилар. “Табғач босди” дейилганида уруғ эрларининг бари отларига миниб қўйига, кўкалам яйловга от суришди. Ишбара қанча эргашмасин, Қора Буға уни олиб кетмади. Ачаларингни, дадаларингни ёнида қол, деди. Табғач устун келса, йишга кириб келади, ўшанда уришгайсан, деди. Кун чиқиб ботгач, сўз келди: табғач енгилиб қочибди, бироқ, Қора Бўғу ўлибди.

Хотинлар, ўғиллар, қизлар Қора Бўғу устида сикташди. Қора Бўғуни севикли Ўзман оти билан бирга кўмишди. Кўмилган ерига тош қалаб, қора мангутошни балбал<sup>30</sup> тикиб қўйишди.

\* \* \*

Ишбара шуларни эслади. Бу улус “Бўғу” деб ёши улуғни айтарди. Уруғни улуғи Қора Бўғу эди. Ўрнига Ишбара қолди.

Бир ота-онадан суриб келаётган қондош уруғ бўлади. Уни теграсида улуғларни қай бир боғламида чатишганлар улус бўлади. Тили, иши, Тангриси бир эса, эл бўлади, эл тузади.

Табғач эл бўлмас экан-да? Қони қўшилмас экан-да?

Инигач кўлдан қайтилгач, Ишбара зерикарди. Бир-икки киши билан бўлар-бўлмас нарсаларни сўзлашди, бир оти учта бўлган эди, ўндан ошиқ қорамоли бор эди, уларни бориб кўрди, сўнг юра-юра, Кунсулув қошига йўналди.

---

<sup>30</sup> Балбал – мазор устига ўрнатиладиган тош белги. Қилган урушлари, ўлдирган ёвлари ёзиб қўйилади.

Кунсулув оқ чўзинчоқ юзли, кўзлари қорағатдай, тўлғиш қизгина эди. Ишбара ўзига кўз тикканини билса-да, сездирақолмасди.

Ишбара етиб келганида қиз ташқарида, келида тариқ туяётган экан.

– Ҳой кўркли қиз, – деди Ишбара. – Кели туйиш сенга қолдимми? Мана, мен борман. Кел, кўмак берай.

– Ия? – деди Кунсулув, кўзларини пирпиратиб. – Менга ёқай деб хотин ишини қиласанми?

– Эр-хотин иши бўлак бўлар эканми? – деди Ишбара.

– Унда кулча-да ёпарсан?

– Сен айтсанг ёпавераман, – деган эди, Кунсулув Ишбаранинг тандир ёнида куймаланганича кулча ёпаётганини кўз ўнгига келтириб, шарақлаб кулиб юборди.

Буни кўрган Ишбара:

– Нега куласан? – деб сўради.

– Сўзингга-да, – деди Кунсулув. – Ма, ол унда.

Ишбара қиздан келисопни олиб, “Ҳаҳ” деб бир урган эди, кели қарс этиб иккига бўлиниб кетди.

“Ия” деб не қиларини билмай турганида, Кунсулув:

– Йигит бўлмай ўл! Энди муни тузат! – деди хўмрайиб. – Бу сенга саваш-сўқишмиди, уриб синдирасан?

– Бўпти-бўпти, – деди Ишбара, ўзидан аччиқланиб. – Сен сочилган тариқни тўплайвер, мен келингни темирчи Утушга обориб, белбоғ ясаиб келаман.

Шундай деб синиқ келини қўлтиқлаб, темирчига жўнади.

Темирчи Утуш ўқ-ёй, санчқи-қилич ясар эди. Бир қанча ўғлонларни ёнига олибди, ёнартошлар устида темирини эритиб, қарсиллатиб урмоқда экан. Узоқдан ёғоч келини қўлтиқлаб келаётган Ишбарани кўриб кўзидан ёш чиққудай кулди, не бўлганини сўраган эди, Ишбара:

– Энангди эмгур кизга кўмак бераман десам, иккига бўлиниб кетди, – деди тўнғиллаб. – Бирлаштириб, темир белбоғ бойлагин деб олиб келдим.

– Ишбара ямтарни келида не иши бор экан? – кемшик тишларини кўрсатиб яна кулди Утуш. – Ишим кўп, Билга хоқон товушли ўқ яшашни буюрди.

– Товушли ўқ? – Ишбара ямтар унинг не эканини англаёлмай, яна сўради: – Товуш чиқарар эканми? Қанақа эмиш?

Темирчи Утуш кираверишда териб кўйилган ўқлардан бирини узатди. Ишбара уни айлантриб кўрди: бир кулочдан зиёдроқ ўқ учуда икки ёни тешик узунчоқ бир нима турарди.

– Муни отсанг, қаттиқ сас чиқариб учади, – деб тушунтирди. – Ўлдирмайди-ю, бироқ чийиллайди.

– Уни нима кераги бормиш?... Бўпти-бўпти, битта келига белбоғ ясаёлмасмидинг? Ишингни қилавер, бироқ менинг ишимниям битир. Эрта кун келгайман...

Темирчини кўндириб, “Қайтишда Кунсулуннинг олдида бормайин, яна бир нима деб аччиғимни чиқармасин” дея, йиш ўртасидан йўл солди. Юра-юра Билга хоқон кўналғисига келиб қолди.

Билга хоқон ташда, узун тош ёнида у ёқдан-бу ёққа юриб турган экан.

– Хоқоним, – деди Ишбара. – Яна неларни ўйлаяпсан?

Билга Ишбарага ялт этиб қаради.

– Айтайми? – деди кўзидан учқуни сачраб. – Табғачдан тил тутиб келтирдилар. Ўзаро кенгашишибди. Туркийнинг тутуми, чопқини биздан ўзгача, дейишибди. Уларни ерларида юксак тоғлар, ўтиш қийин тор ўнгирлар, қоялар остида ўлимчил йўллари бор. Табғач отлиқлари у йўллардан ўтиши гумон. Туркийлар шувиллаб ўтиб кетаберадилар.

Улар от миниб кетатуриб ёйдан ўқ уза оладилар, бизнинг отлиқлар ундай қила олмаслар, дейишибди. Улар биздан фарқ қилиб ёмғиру қорга,

очлигу сувсизликка чидайверишади, бундай тутум уларга эскидан қолган, қондан ўтган, дейишибди.

Қўшин ёйлари ўқларни жуда олисга отади, бироқ у ўқлар оғир, бошқа ёққа ташиш, отиш қийин. Туркийлар бизчалик узоққа ўқ ота олмайдилар. Бизнинг яёв ёйчимиз нишонга тўғри уради, уларда эса яёв черикнинг ўзи йўқ. Демак, уларни авраб, тоғу тошга ё ўрмонга опкириб уриш керак... Шундай дебди.

– Тан бериб, эзгу сўз айтишибди-да? – деди Ишбара. – Бироқ, тўғри айтишибди.

– Табғач ўйидан қайтмаганини шундан биласан, – деди Билга хоқон. – Турк будун ер юзига ўрнашганидан бери денгизга етмаган эди. Ўйим шуки, хоқонимга арз қилай. Шантунгни босайлик.

– Шантунгни нега босайлик? – деди Ишбара ҳанг-манг бўлиб.

– Кунчиқарда туркий будунни босиб, неча юз боласини олиб кетишмадими? – деди Билга хоқон. – Қони ерда қолсинми?

– Туркий қони сира ерда қолган эмас, – деди Ишбара. – Энди қолармиди?

– Табғач дептики, туркий будунга бузғун қилайлик, бузайлик. Устига черик тортмасак, кучга кириб, бизни йўқ қилади, депти. Хоқони алп экан, кенгашчиси билга экан, қачонки ўч олишни тиласа, барчамизни ўлдирур, депти. Ёпирилиб босайлик, йўқ қилайлик. Уларни Кўгман тоғидан ошиб ўтиб босайлик, дебди.

– Ўзи, табғач ким? – деб сўради Ишбара. – Ер юзида биз бормиз, десанг англайман. Ўн ўқни, қирғизни-ю қитанни англайман. Ер юзида табғач деган будун қайдан яралиб қолди?

Шунда Билга хоқон табғач ўтмишини сўйлаб берди.

## ТАБҒАЧНИНГ ЎТМИШИ

Чин кишиси авроқчи, озиқчи<sup>31</sup> экан. Туркийларга ялтир-юлтир нарсалар, ипак матолар бериб, қутқу билан ўзига қаратди. Довюррак туркийларнинг бир бўлагига у ишлар ёқиб тушди. Чин қизларига уйланишди, уларнинг инжа гавдаси, чучук сўзлари бошини айлантирди, майин тўшак-болишлар устида ёта-ёта билаклари кучсизлашиб, барчину бахмалларга<sup>32</sup> ўраниб юрадиган бўлиб қолишди.

Чин будун дебдики, бизнинг ўйимиз кучли, барча авроқни биламиз. Турк будун йигитлари ёвқур, қизлари этли, қорувли. Чин будун билан турк будунни қориштирсак, ўйи ўзғир, ўзи ботир будун яралгай. У бизнинг кулимиз, кўриқчимиз бўлгай.

Табғач шундай яралибди.

Кўрсанг, шошиб қолар экансан. Юз-қўли, гавдаси, туруми ўзимиздай, бироқ табғач тилида жавур-жавур сўзлашармиш. Томирида туркий қон оқсада, ўзини чин ё жангжу деб ўйлармиш. Шундай ўйлагани учун туркий улусларни кўзга илмасмиш, ўзича кеккайиб-ғўддайиб юрармиш. Турк идук ер-сувини ўз еридай кезар, сўзини ўтказар, ўлпонини олар, туркийлар устидан ҳингир-ҳингир кулар эмиш.

Аслида, Тангри тоғ этакларида отда елдай еладиган ёвқур элатлар босқинидан кўрққан Чин хоқони атай шундай кўрик берган, туркийларни оғдириб, шу йўл билан бўшаштиришни ўйлаган экан.

– Ия, ёв деб билганимиз табғач ўзимизнинг эрларми? – деди ҳанг-манг бўлиб Ишбара. – Вой энангни эмгурлар! Чин бағрига кириб, энди ўзимизга тиг кўтармоқдами?

– Табғач жангжу билан қоришиб кетди, – деди Билга хоқон. – Мен хоқонимга бориб айтай. Хоқоним буйруқ берса, табғачни босайлик.

– Мен-чи, борсам бўладими?

---

<sup>31</sup> Озиқчи – йўлдан оздирувчи.

<sup>32</sup> Ипак мато номлари.

– Йўқ, ўзим Тўнюк, Кул Тигин, Кур Шад-у Тангрикут билан кетаман,  
– деди Билга хоқон. – Бекларни чорлай, буйруқчиларни чорлай, ябғулар  
билан кенгашай. Сен боравер, керак бўлсанг киши йўллағум, етиб келгайсан.  
– Не десанг шу, хоқоним.

\* \* \*

Ишбара Билга хоқон ёнидан гўлдирай-гўлдирай қайтарди. Вой энангди  
эмгурлар! Ўзимизни будунни боласи-я? Чинга юкуниб, конингни айнитиб,  
энди ўзимизга қарши тиғ кўтармоқдамисан?

Ичидан хайфи келарди. Будунингни сотибсан-да, дер эди хаёлан  
табғачга қарата. Ота уруғингга қўл кўтардингми?

Шу тариқа келар экан, Кунсулув аллақачон кетиб қолганини кўрди.  
Нарида ўт теграсида Эл Бўғу бир қанча чўлиқ-жўжиқ билан гўнғирлашиб  
ўтирган экан. Ишбара улар тўпига бориб қўшилди.

Эл Бўғу қўлига дўмбирасини олган экан. Тиринг-тиринг қилиб туриб,  
хирқи овозда “Алпомиш”ни куйлаб юборди.

Ишбара дўмбира саси қалқиниб-ёйилишини тинглар экан, у куй отлар  
чопишию туёқ дупурига, ела кетаётган арғумоқларнинг устида ела кетаётган  
отлиқнинг силкинишларига мос эканини пайқаб, “Ия! Олдин билмаганимни  
қара!” деб тураверди.

Анчадан сўнг, эсини таниганидан бери биладиган бу дostonнинг  
сўзларига кулоқ оса-оса изига қайтди. Юрт оқинларию бахшиларининг  
теваракка қараб қўшиқ тўқиб кетаверадиган туруми борийди. Шу учун  
қўшиқларда тоғлару чўллар тилга олинар, оқинлар туманли тоғларга қараб  
алплару ботирларни алқаган дostonларини айтаверишарди. Қизалу хотинлар,  
келинлар эса чанқовуз чалишарди. Кўкка қадар юксалган, устини туман  
босган чўққига, ўглаб юрган қўй-қўзига, ўт-ўлани елларда чайқалган  
ялангларга қараб дoston айтадиган кишини кўз олдингга келтирсанг, ичингда  
бир нима чирсиллаб ёна бошлайди-я! Яна, ҳар улус ўзига бир дoston тўқиб



олгани-чи? Туркий тўпланса “Алпомиш”ини айтади, ўғуз бир бўлса “Дада Кўрқут”ини, қирғиз ўтов тикса, “Манас”ини айтаверади...

“Билга хоқон чин сўзлади. Ишонувчан, тўппа-тўғри, эси кириб-чикиб турадиган элмиз-да” деб ўйлади Ишбара.

Қўналғига кирса, энаси пўстак устида Ишбаранинг кўйлагига ўтук<sup>33</sup> босаётган экан.

– Эна, – деди гумбурлаб. – Бир нима еймизми? Қорнинг очми?

– Ўзинг очсан чоғи? – деди эна. – Хотинлар кулбости ёпибди, еб оласанми?

Кулбости деб мол ичагига тиқилган этни айтишарди. Мол ичагига тиқилган эт кўр ичига кўйилса, ейишли бўлиб пишарди.

– Тўйдирса-да ёғ тузук, куйдирса-да кун тузук, – деб, Ишбара энасининг елкасидан кучиб олди. – Айланайин ўзимди энамдан! Боласи хўкиздай бўлсаям бир нима егин деб пилдираб юрадиган энагинам мени!

– Қоч, Ишбара ўлгур, ўлдириб қўясан! – деб койиди уни эна, сўнг ип-ўрмоғини кўйиб, хотинлар тўпига кетди.

Бир оздан сўнг бир бўлак матога ўралган иссиқ кулбостини келтириб, олдига бир чўмич сув қўйди. Ўғлининг келбатига қараб:

– Аллақачон бошингни икки, оёғингни тўрт қилиш керак эди, – деди. – Отанг, оғанг ўлиб бир сен қолдинг. Сендан тирноқ қолмаса, уруғимиз йўқолиб кетади.

– Эна! – деди Ишбара, пўстакка узала тушиб ётиб олиб. – Бу қиш ўтсин, келаси ёзда тўй қиласан. Ўзим роса ўйнаб бераман сенга.

– Тур, ундан кўра ирмоқдан сув ташиб кел! – деб койиди уни энаси. – Яна танбаллигинг тутдими?

Чиндан, Ишбаранинг бир танбаллиги тутса, ҳеч нима қилмай ётиб олишини эна яхши биларди.

---

<sup>33</sup> Ўтук – дазмол.

– Танбалга булут юк эмиш! – деди Ишбара, илжайиб. – Энажон, иш буюрмай туракол. Бир оз ётай, кейин сув тугул, ирмоқ десанг-да буриб келаман.

Бироқ кўп ёта олмади, ялангда Эл Бўғу билан Учун Кулуг Тириг кўринди. Учун Кулуг Тириг тузалиб кучга кириб, юра бошлаган, туси ўзига келмаган бўлса-да, тетик эди.

– Учун Тириг, тирилиб юриб колибсан-ку? – деди эна, уларга-да сув тутиб. – Болалигингда бўшангроқ эдинг, эндиям ўша-ўшамисан?

– Сен эса кучли, қорувли қиз эдинг, – деди Учун Кулуг Тириг. – Менга тегасанми деганимда урганинг эсингдами?

Эна юзининг ажинлари ёйилиб жилмайди:

– Эсимда бўлмасинми? Ёнимда тўшимча келмайдиган бир ўсмир мўлтайиб “менга тегакол” деб турувди-да. Аччиғим чиқиб бир урсам, учиб кетувдинг.

– Кўнглинг узилмасин, – деди кейин. – Анча йил ўтди, сену мен яшаб қолавердик.

Ачун Кулуг Тириг мириқиб узоқ кулди.

– Ишбарани берсанг, йилқига қараб келсак, – деди кейин.

– Бораверсин, ана, ётибди талтайиб. Эр киши мени ёнимда нима қиларди?

Ишбара пўстинини кийиб, улар олдига тушди. Учовлон ёйлоққа қараб кетишди.

Ёйлоқда куни кеча кишилар қор устини очишган, отар қор остидаги бултурги йўнғичқаларни чимдиб юрарди.

– Сувсаб муз еб қўймасин, ичаги тешилади, – деди Эл Бўғу. – Жилға музини тешиб сувлоқ қилинг.

– Қилдик, – деди подачи. – Нақ бир қарич музлабди, чўкич билан ура-ура синдирдик.

– Бу совуқда бўри-шоқол ёниб келмадими? – деб сўради Ишбара.

– Бир бошқачаси келди. Кўзи ўтдай ёнармиш. Бироқ кўппакларимиздан кўрқиб, ғингшиб-ғингшиб қайтиб кетди.

– Будун тўйди, – деб илжайди Эл Бўғу. – Билга хоқон ўлжани барчага тенг бўлиб бергани янада яхши бўлди, истаса сўяди, истаса сутини ичади. Булар кўкламга чиқиб олса, яна ортади, сурув-сурув бўлади.

\* \* \*

Кун етти кез чиқиб-ботди. Еттинчи кун Билга хоқон Тўнюқуқ билан Олтин йишдан қайтиб келди. Ўзи, иниси, икки шади сўник эди. Қайтиб келди-ю тин олмади. Ўтовлар орасини яёв кезаверди. Ўр-қирларни кезди, кейин бўз отига миниб, яна кезди. Иниси Кул Тигин, йўриқчиси Тўнюқуқ, учовлон қирга чиқишди, ўша ерда отларининг думи ҳилпираб анча туришди. Неларни сўзлашишди, биров билмади.

Бу юксақдан йиш очиқ-ойдин кўриниб турарди. Будун ўз ишини қилиб юрарди. Темирчи Утуш кун-тун тиним билмасди, ўша ёқдан кўк тутун ўрлар, болға жаранги эшитиларди. Ялангда бир тўп отлиқ кўринди, у – Ишбара улусининг йигитлари эди. Тоғ-тошда емиш қолмагани учун каклик тўпи калин тушган, тузоқ кўйиб, ўқ билан ура келишарди.

– Кул Тигин иним, – деди Билга. – Қара, будун тўйди. Тўйгани учун мол этини емай кўйди. Кўнгли каклик тусади. Бу яхши бўлди.

Билга хоқон инисига яна:

– Сен эрларни тўпла, – деди. – Ўйлаганимизни айтайлик, талашиб-тортишайлик. Будун қорни тўйганига суюниб юравермасин. Бошига не келмоқда эканини айтайлик.

– Йиғинга тўплансинми?

– Йўқ, қурултойга чорла, – деди Билга хоқон.

Иниси Кул Тигин оғаси не деса шуни қиларди. Ўл деса ўларди, қол деса қоларди. Эндиям шундай қилди. Қирдан қуйига қараб от чоптирди. Уйлар орасидан бақира-бақира ўтди:

– Ҳой будун, йиғил! Қурултой бўлади!

Қурултой будуннинг чўнг йиғини эди. Қурултойга ача-ю оталар, дадалар, бўз йигитчалару бўй етиб-етмаган қизлар, боши очиғу ёпик хотинлар қўшиларди. Шу учун кимки бор, бари ялангга, хоқони қошига тўпланиб келаверди.

Бир ён бўзқир эди, усти қор, ер музлаган, кўк тоза эди.

Бир ён Кўгман тоғи эди, қорли-туманли боши булут орасида эди.

Билга хоқон будун йиғилишини кўрди. Тўрт ён кишига тўлди.

Билга отидан тушди. Эгаси тушганини билган от депсиниб, типирчилади. Билга уни ёлини силаб-силаб, бўйнига юганини ташлаган эди, от нари кетди.

Хоқон тўрга чиқди.

– Иним Кул Тигин! Ёнимга кел! – деди.

– Ёнимда тур! – деди.

– Билга Тўнюқуқ, сен-да кел! Алпларим, шадларим, сиз-да келинг! – деди.

Қуйидаги Тўнюқуқ, икки шад Билга ёнига бориб туришди.

– Будуним! – деди Билга хоқон.

– Бугун Олтин йишдан қайтдим. хоқоним билан тиззамни тиззасига тираб ўтириб сўзлашдим. Хоқоним айтдики, биз чопқиндан қайтганимиздан сўнг кўрикчи келмиш! Сўзи шундай экан: ўнгдан Ўтуқан йишга кўшин тортайлик, кўшин тортмасак, у бизни йўқ қилади, дебди.

Оломон гувлади.

– Хоқони алп экан, йўриқчиси билга экан, бизни ўлдирадиган кўринади, депти. Тургаш хоқони йўлга чиқибди, деди!

Олмон яна гурлади

– Ўн ўқни бари чиқибди, – деди. – Қитандан-да бир оз бор эмиш. У гапни эшитиб, хоқоним мен уйга тушайин, деди. Хотини ўлган эди. Унинг йўғини<sup>34</sup> ўтказайин, йўқлайин деди.

Хоқоним ўликни йўғини қилар экан, мен сенга қайтабердим.

---

<sup>34</sup> Йўғини қилмоқ – урфини қилмоқ.

Ҳой будун, сенга айтай дедим.

Ҳоқоним “Уларни устига қўшин билан бор”, деди. Инал шад, Кур Шад борсин деди. Менга айтди: бу черикни олиб бор, деди.

“Ҳоқоним, мен нима қилай” дедим.

“Айтганимдай қил”, деди!

“Ёв келадиган бўлса, юракли йигитларни йиғ, ёй, санч, ур, ўлдир! Келмайдиган бўлса, тилидан тутиб билги олиб тур”, деди.

– Ҳой будун! Йилкинг-молинг кўпайди. Қорнинг тўйди, кўзинг йилтиради. Ёв буни билиб яна дебди: уни босайин. Кучи қолмай ўлаётган эди. Ўлаётган чоғи ўғил-қизларини олиб кетган эдим. Энди тирилиб, боласини сўрамасин? Жўжиғини деб баримизни ўлдирмасин? Кучи янада ортмасидан ўлдирайлик, ўзимиз тирик қолайлик, дебди.

Тузук десанг, мен Инал Шадни олай, иним Кул Тигин билан, шадларим Кур Шад, Тангрикут билан бориб, ёвни босай.

Будун селдай тўлқин урди. Қурултойда буйруқчи беклардан Мейли Чур бор эди, у шундай деди:

– Ҳоқоним, бу совуқда эрларни қийнама! Бир оз кутсанг кўклам келади. Ёвни кўкламда бос!

Билга деди:

– Қанақа эрсан? Ёв қиз-ўғлонларингни, яда тошингни олиб кетди, сен ўтираверасанми? Кўкламда кучинг ортадимми, ўзинг кучга кирасанми? Қорда чопишгинг келмай, танбал-танбал ётасанми? Донғинг қайда, доврўгинг қайда? Бошингни солинтириб, кўзингни қаттиқ тошга тикиб ўйла: у ўғлонларинг чин қизларига уйланди. У қизларинг жангжудан бола туғди. Қонинг бузилди, у болалар чолиш<sup>35</sup> бўлди. Чолиш бўлиб, отда қаттиқ ўтирди, ёйни қаттиқ тортди. Ўзингдан чиқиб, ўзингни урди.

Будун яна гувлади.

– Табғачнинг авроқчилигини олди, сенинг ботирлигингни олди. Икков бир бўлди. Келса, сени ерга тириклай тикади.

---

<sup>35</sup> Чолиш – қони қоришган уруғ, айрим шеваларимизда ҳозир ҳам қўлланилади.

– Мейли Чур, сасингни чиқарма! – деб бақирди будун. – Билга, сен нима десанг шу!

– Ундай бўлса, сенга айтаман! Баринг ўзингни менга бер! – деди Билга хоқон. – Босайлик! Кўк Тангри ёрлақасин!

Шундай қилиб, кўклам келмасидан улус эрлари отланишиб, яна ўлим-қолим чопқинига жўнашди.

## МЕЙЛИ ЧУР

Мейли Чур қисқа бўйли, қалин қошлари туташ, кўзи ичига чуқур ботган тўнгроқ киши эди.

Ясама виқор билан атай ювош одим отиб, икки тизи букилиб-букилиб юрадиган бу киши болалигидаёқ хоқон бўлгиси келарди. Кичик ёшли болакайларнинг ўзаро ўйинларида мол думидан туғ қилиб, устига отасининг эски пўстинини ташлаб ўзича буйруқлар берарди. Хивчинлардан от, толдан ёй ясашиб, ўзларича ёвга қарши урушга жўнашарди. Улғайгач, у қутлуғ ўйига етиб бўлмаслигини билди: ҳар ким хоқон бўлолмас экан, улуғ ёшли кишилар унга хоқонлик отадан болага ўтиб келадиган иш эканини айтиб беришди.

Хоқон бўлмаса, хоқон ёнида юриш керак!

Менги Чур эсини таниган кезларда улус анчайин озиб-тўзган, ер бағирлаб бўлган эди. У ўлпон йиғишга ёки буйруққа келган табғачларнинг туриш-турмушига, бойлигига қаттиқ кўз тикарди. Ўз элига яширинча қараб “Шуям эл бўлибдимми?” дерди. Ўлгудай қўпол, бақириб-чақиритишни севадиган, кўрс эл қайда-ю чучук сўзли, юмшоқ қилиқли табғач қайда? Бу эл ўзлари алқашганчалик кучли бўлса, табғач келиб белини синдириб, устига ўтириб олармиди? Мейли Чур юрагининг туб-тубида ўзининг турумини, қора қошию қора кўзини хушламаган кезлари-да бўлди. Нега мен табғачга ўхшамайман? Нега улардай тўкин яшамайман? Ўзича уларнинг тилини ўрганиб олиб, жавур-жувур сўзлашишни-да истарди.

Шундай қилиб, унинг қонида яна хоқонлик истаги бўй кўрсатди, бироқ, табғач туркийлар тутумини яхши билади, томирида хоқон қони оқмаган кишини эл бошига келтиришга кўрқади. Балки, иши юришиб, улар қўллаб қувватлашса, келажак кунларда ўйи кучсиз, ўзи ўйсиз бирини хоқон сайлаб, Мейли Чурни билга этиб тайинласа бўлар?

Чериги сон-саноксиз, ўзи бой табғач элни шунча йил тутиб турди. Будун унга қарши бош кўтарса, туркий уруғнинг қолган-қутгани кирилиб кетса не бўлмай? Қайтанга уларга яхши сўзларни айтиб, айтганини қилиб юраверса тузук эмасми? Йилда бир-икки кез ўлпон тилармиш, олса бир неча йилки, кўй-кўзи олади-да. Олавермайдими, эл йигитларини ўлим-қолим урушига юборишни не кераги бор?

Мейли Чур бир қанча йил бурун табғач ўз қизларини туркийларга тортинмай беришини эшитганидан бери қулай чоғ топиб биронта табғач қизига уйланиб олишни кўзлаб юрарди. Табғач қизлари новдадай ингичка, юзи қонсиз, бироқ эрига қулоқ қоқмай бўйсунармиш. Тинмасдан бир нималарни пишириб олдиға кўярмиш, ўзи эса оёқ остиға мушукчадай ўтириб олармиш, не деса қилармиш, бошиға кўтарармиш. Ўз улусининг қизлари эса ундай чучук сўзларни билишмайди, бир нима десанг, устингга бургутдай ташланади. Тутуминг тўғри бўлса тузук, тўғри бўлмасанг, оға-иниларию қариндош-уруғи қаршингга булутдай тўпланиб келади. Табғач эса куёвини ардоқлайдиган эл эмиш. Топган-тутганини олдиға тўкармиш.

Шу тариқа Мейли Чурнинг ўйи ўзгариб, энди ҳеч кимга сездирмай табғачга куёв бўлишни ўйлаб юрарди. Бироқ бу ишни қандай бажаришни билмасди. Кўклам келганида элдан айрилиб, Шантунгга жўнаб қолгани тузук бўлармиди? Туркийларнинг буйруқ беклариданман деса, табғач илжайиб кутиб олар? Бу ўйи ўзига шунчалик яхши кўринардикки, табғачлар уни ардоқлаб безакли уйларига олиб киришгани, бир қанча чўриларни ҳадя қилишгани кўз ўнгида гавдаланиб, энтикиб тамшаниб кўярди. Улуснинг шу каттиқ кунларида табғачга куёв бўлиш кўзини қамаштирарди.

“Туркий эр қони бузук табғачга куёв бўлса ярашиқлими? – дер эди онгининг бир четидан қаттиқ бир товуш. – Қорним қаппайиб тўйсин, ўзим юмшоқ болишларда мириқиб ётай деб улусингни сотиб кетасанми?”

“Киши ўғли ер юзига не учун келади? – деб унга қарши чиқарди Мейли Чур. – Қаттиқ кунларда сулайиб, кўзи мунграйиб очидан ўлганими?”

“Бўлар-бўлмас сўз сўзлама! Донғинг қайда, доврўғинг қайда?”

Билга хоқон элни кўтарганида у ич-ичидан қизиби, тишларини ёғирлатиб, у ёқдан-бу ёққа питирлади. Не қилсин? Будун ўзга уруғлар билан бирлашиб табғачга қарши оёқланмоқчи. Шу аснода Мейли ўз элидан-да кўрқа бошлади: ана, очликда сулайиб ўлгандан кўра урушда ўлган яхши, деб кўзғалиб кетиб боришини кўр!

Билганинг айтганлари Мейли Чурнинг ўйларини бузиб юборди.

Ҳа, Билга хоқон унинг ўйини бузди: тиғ кўтариб келган кишига табғач эли нечук қиз берсин, нечук ўзига куёв қилсин?

Мейли Чур кўрқоқ киши эди, буни кечалари алвастидан кўрқишидан билса бўлади. Алвасти – сочи сичқон думидай, оғзи кемшик, ияги олдинга чиққан, ўзи букчайган хотин, қаршингдан чиқса оғиз-бурнингни қийшайтириб, ўзингни оздиради дер эдилар. Туркий улус ўзи ўйлаб яратиб олган сув эгалари, ер эгалари орасида у энг кўрқадигани шу эди. Яна элнинг аччиғи чиқишидан-да кўрқарди, бу эл бир аччиғи чиқса отасини-да танимамай қолади, ахир! Шунинг учун ўзича тўнғиллаб, узун санжағини олиб, истар-истамас Билга кўшинига кўшилиб олди. Қозониш-қозонмаслигини ким билар экан? Иш терсига кетиб енгилса-чи? Унда кўшин орасидан қочиби, табғачларга кўшила олармикин? “Не бўлса бўлди, – деб борарди у черик аро. – Ё ўламан, ё қоламан. Бу ёғи менинг ишим эмас чоғи. Кўк Тангри не деса, ўша бўлақолсин”.

## ЎН ЎҚҚА ЮРИШ



Уч уч кун йўл босилди. Кеча юрилиб, кундуз қўнилар эди. Эрлар отнинг бир ёнига ўзининг емишини осди, бошқа ёнига отининг емишини осди. Уч кеча-кундуздан сўнг Кўгман чиқарига етиб борди.

Кўгман йўли битта экан.

Қор яна-да қалин, шамол этни жунжиқтириб эсар, бултурги ўт-ўлан совуқда илвираб, юпқа муз орасидан кўриниб турарди. Кўгман тоғини ошиб ўтайлик дейилди. Кўгман тоғи улуғ, туман орасида кўзга кўринмай кетган, совуқ жимжитлик аро сассиз-унсиз юксалган, черик тоғ этагида тўхтаб қолди.

Ишбара ямтар отига қамчи уриб, Билга хоқонга ёнашиб борди. Хоқоннинг қошлари чимирилган, манглайига тугун тушиб, аччиқланиб турган экан.

– Қор мўл тушибди, бу йўл билан юриш ярамайди, – деди. – Ерчи суриштиринг дедик. Ерчи келди.

– Ким эмиш?

– Чўллик Аз уруғидан бир йигит эмиш. Аз ерини яхши билармиш. Дедики, Оқ Тармал суви бўйлаб боринг. Ўзи йўл бошлайдиган бўлди.

Ишбара индамади. Билга хоқон бир туман орасидаги тоғу тошга, бир улусга қараб, ўйланиб:

– Эрлар олдинга ўтсин, қор тепиб йўл очсин, – деди. – Отларни сургаб довон ошайлик.

Шундай қилинди. Бир тўп эр олдинга тушиб, қор тепиб кетаберди. Бошқалари отини жиловидан тортиб судради. Отларнинг туёғи қорга ботиб-ботиб, юришга қийналарди. Чопишга яралган юришга ярамас экан-да? Юришга яралган чопишга ярамас экан-да?

Теваракни туман босди. Черик шошиб қолди, бир ерда тўхтади.

Шунда ерчи айтдики, Оқ Тармал сувининг тор жойи бор. Ўша кечувдан ўтилиб, ўнгир ёқалаб ярим кун юрилса, ўтув ерига чиқилади, деди.

Билга кечувни кўргани кетди. Ерчи тўғри айтган чоғи, Оқ Тармалнинг икки ёни музлаган, ўртасида сув оқар, ховур кўтариларди.

Черик шу кечувдан ўтди.

Ўтилгач, ўт ёқилди, теграсига киши йиғилди. Отлар кўрга яқин қўйилди. Кеча сим-сиёҳида юнги йилтираб, узоқ кетса совқотишини, яқин борса қизиб кетишини билиб, пишқира-пишқира тураберди.

Черик пўстинини қорга тўшаб, отлар орасида мудради.

Билга хоқон айланиб, йўлни чамалаб кўрди. Чекинжа<sup>36</sup> йўқ, кўк топ-тоза, юлдуз милтирарди. Бу сассизликда тоғдан бирор йиртқич тушиб келмасин, деди. Тўна-ю<sup>37</sup> айиқ куйиқ исига келмайди. Билга кўрни олиб теграга септирди. Сўнг “ётаберинг” деди.

– Қорни ўйиб, товшанга ўхшаб ичига кириб ётинг, – деди. – Ел урмасин. Қор ичи илиқ бўлур.

Шундай қилинди.

Ишбара бир оз мудрагач уйғониб, қаердалигини англамай ётди. Устию ости оппоқ эди. “Барчани қор босиб қолдимми?” деб ўйлади. Кейин кеча қор ичига кириб олгани эсига келди. Икки ёнида икки оти, устини қор босиб қолибди. Кечаси билан ёғиб, теваракни бирдай оппоқ қилиб қўйибди. Қараган кўзга қўшин ётгани билинмайди. Кунга қаради, кун ўтов тикибди. Кун ўтов тикса, совуқ қаттиқ бўлади, кун илимайди.

Яна ўт ёқилди. Қўшин исиниб қорнини тўйдиргач, отини етаклаб, қор дўнглари оралаб оғочларга таяниб юқори чиқди. Олддаги йигитлар илгарилаб, ўтлари бор довондан ошилди. Довондан қуйига эниш яна-да зўр бўлди. Бир қанча от, йигит жарга учди. Ёнлама йўллардан юрилди, бир ерга борилганида қарашса, тўғрида-ю ўнг-у сўлда тик қоялар, ўтарга йўл йўқ!

Уч минг черик не қиларини билмай турди.

Билга Чўллик Аз уруғидан келган ерчини чорлатди.

Ерчи эгилиб-букилмасдан, ғўдайиб келди.

---

<sup>36</sup> Чекинжа – хавф-хатар.

<sup>37</sup> Тўна, тўнга – йўлбарс.

– Мени отам-энам Аз будун кишиси, – деди ерчи. – Сен улусим устига юриш қилишингни эшитиб атай янглиштирдим. Мана, эй Билга хоқон! Шу ўнгирда ерга кир, ўл, йўқ бўл!

Билга хоқон уни бўғизлашга буйруқ берди.

Ерчи бўғизлангач, ўзининг қовоғи уйилиб, юзи тўнглашиб, черикка “Отингни емишга қўй” деди.

Черик қор тепиб, остидаги ўтларни очди. Отлар музлаган ўтни еди.

Қўшин йўлсиз, анграйиб турарди.

Билга хоқон узоқ ўйлади. Тоғ тепасига чиқиб қайтиб тушди. Туманда ҳеч нимани кўрмади. Кейин кунчиқарга, ундан кейин кунботарга, ундан кейин Ани сувига қаради.

Анча ўйлади. Йўриқчиси Тўнюқудан:

– Сен не дейсан? – деб сўради.

– Отимизни етаклаб, Ани бўйлаб борайлик, – деди Тўнюқ.

– Нимага?

– Оқ Тармал суви бу тоғдан ўтолмайди, – деди Тўнюқ. – Ани суви тоғни устидан бошланиб, у ёққа-ю бу ёққа оқар экан. У ёқда Ўн ўқ будун черикка қўналға тикса, сув бўйига тикади. Йилқисига, молига, кишисига сувлоқ керак бўлади. Мени сўзим шу, Ани бўйлаб борамиз.

“Сен айтгандай бўлсин”, деди Билга хоқон. Ани сувининг қуйисига юрилди. Черикни санагани туширди, отларни ўтга қўйди. Қараса, бир қанча йигити йўқ. Йўғини қилай деса ўлиги йўқ... Ўша ерга балбал тикиб қўяверди.

Кейин яна йўлга тушилди. Куну тун юраберилди.

Кейин уч кўзчи кишини илгарига юборди, учовининг сўзи бир: “Хоқони черик билан йўлга чиққан, Татаби чериги тўла чиққан. Йарис чўлида йиғиламиз, деган”.

Уни эшитиб, Билга ўз хоқонига сўзчи жўнатди: «Нима ўйлайин?»

Сўзчи қайтиб келди. Хоқон “Ўша ерда тур!” дебди.

“Борма, яхшилаб қоровул қўй, ёвга бостириб қўйма!” дебди.

Қапаған хоқон шундай деб айтиб юборибди. “Билганинг ўзи билади” дебди.

Билга хоқон у гапни эшитиб, қўшинни йўлга солди. Кўгманнинг ўтиб бўлмас жойидан ошди, Ани сувининг ўтиб бўлмас жойидан кечиб ўтди, куну тун тўхтамади.

Йарис чўлига тунда етиб келишди.

\* \* \*

Ишбара ямтар Билганинг ёнида эди. Кетганлар тагин тил тутиб келтиришди. Сўзи шундай: Йарис чўлида ўн минг черик йиғилибди.

Буни эшитиб, беклар:

– Уч минг билан ўн мингни қандай енгамиз? Қайтайлик, чекиниш енгилишдан тузук, – дейишди.

Билга хоқон деди:

– Мен Билга хоқон, сиз билан Кўгман тоғини ошиб келдим, Ани сувини кечиб келдим. Эрларнинг келгани ботир, деганлар. Ёв сезмай қолди. Тангри ёвни босиб берган кўринади. Нега чекинамиз, ёв саноғи мўл деб, ўзимизни оз деб нега кўрқамиз? Босайлик, чопайлик, ёяйлик!

## ЙАРИС ЧЎЛИДА УРУШ

Йарис чўлида қор оз, тўпикқа етар экан. У қорда от ўнғай чопар экан.

Отлар йўрттириб юрилди. Туёғи остидан қор сачрарди. Узоқларда Кўгман тоғи туманга ўралиб кўринарди. Қордан чиқиб турган яйдоқ бута-ўланни айтмаса, теварак оқ-оппоқ, топ-тоза эди.

Беклар, эрлар, ботирлар тетиклик ила йўл босишарди.

Кўзланган ерга яқин қолганида Билга хоқон қўшинни бўлукларга бўлиб, тоблади. Черикка пўстинини ағдариб, юнгини ташга қилиб кийишини айтди. Шунда қорда от уюри кўринса-да, устидаги отлиқ кўринмас бўлиб қолди.

Шундай кетиб борилди.

Ярим кун йўл босилди. Ундан у ёғи Шантунг ерлари эди. Шантунг ерларига яқин қолганида, Билга хоқон ўнгу сўлга кўзчи жўнатди.

Анчадан сўнг кўзчи қайтиб келди. Ёв сўлда йиғилибди. Тутунлари кўкка ўрлаб, ўт ёқиб ўтиришибди, биров келишини кутмаган чиқар, деди.

Кўзчи яна айтдики, туманнинг ярми тўғрида, ярми сўлда, бари тўп йиғилган.

Билга хоқон Кур Шад билан Тангрикутни икки қанотга жўнатди. Энгакда яна минг қолди, Кул Тигин буларга бош эди.

Ўнгу сўл қанотни минг отликдан қилди. Минг отликқа ортма-орт, учга бўлинишни буюрди.

Қир панасида кутиб туришди. Отлиқлар қўл-қўл айрилди. Билга айтдики, иним Кул Тигин, сен Тўнюқуқ билан ўртадан урасан. Икки қанот мен ёвуқ боргунча кутсин. Сўқишга кирилганида икки ёндан сиқувга олиб елдай учсин, икки қанот икки ёндан солсин.

Билга хоқон сўзини айтаверди, унинг деганларини бошқаларга етказаверишди.

Билга хоқон шундай деди:

– Алпларим, ботирларим, эрларим, йигитларим! Ёвни тўхтамай босасан!

– Отингни елдирасан, тўғридан ура-ура борасан, сўнг айрилиб, ёнламасига яна урасан!

– Елдай учиб уришасан. Айланиб-айланиб урасан. Ҳалқали, яссили темир пўстинингни, устидан молтери пўстинингни, бошингга дубулғангни киясан, ўзингга ўқ теккизмайсан.

– Ўзингни ўлдиргизмайсан!

Кун ёнбошламаган эди. Кўк сўйилган кўзининг терисидай оч мовий бўлиб турарди.

Ана шунда Билга хоқон Йарис чўлида учов черикни бирдан босди.

Ёв шошиб қолди. Булар қандай қилиб Кўгман тоғини ошиб келишганини англамади. Кўзига ишонмай, бу ким экан деб анграйди. У англагунча бўлмай, черик ёйилиб боса борди. Ёйилгач, кўркинч бўлди. “Ур-

ра” деб қийқириб-бақирарди. Бақира-бақира елдай бориб ўқ урди, боргунча ура-ура бориб, кейин бурилиб кетиб, кейин яна қайтиб урди.

Қирғиз билан Ўн ўқ отда экан, қитан яёв экан.

Ўн ўқ ўзини ўнглагунча ёвни кўкси ёйиб ташланди. Ўн ўқ ортига кочди.

Алплар, баходирлар қони қайнаб, қувишга тушишди.

Шунда Тўнюқуқ Билга хоқонга “Қувма!” деди.

“Овлоқ қилган чиқар?”

“Писиб ётган чиқар?”

“Бу келган қўшиннинг бир қисми”, деди. “Кўзчи айтмадими, ўн минг черик йиғилди, деб? Келгани ёртиси эди. Ўн ўқ қўшини энгагини чўзди, энсаси ортда турди. Қувиб етаман десанг, манглайингдан урмасин?”

“Ўқларни, ёйларни тўпла. Қочиб кетган отларни тут. Сўнг ортингга қайт, бироқ келган жойингга эмас”, деди. “Ёнламасига юриб бор, Ўн ўқ кочган ердан сўлга юр”, деди.

Сўлда ортма-орт қирлар ясланган экан. Ўша қирлар ортига ўтилди. Қир устига пойлоқчи қўйилди.

Кеча ўтиб, кун чиқди. Ўн ўқ будунни ортига қайтган деб ўйлаб, черигини тўғрига юборибди. Шунда Билга хоқон уни сўлдан урди.

Яна уришилди. Ўн ўқ қўшини булардан уч қанот ортиқ эди. Тангри ёрлақгани учун, душман саноғи кўп деб будун кўркмади, урди.

Тардуш шади Ўн ўққа келиб қўшилган экан. Улар-да босилди, ёйилди, ер тишлатилди. Тардуш хоқони, йабғуси, шади ўша ерда кўкка учди.

Тирикларидан анчаси тутилиб, чамбар қилиб бойлаб қўйилди. Ўн ўқ йигити ерда, нафасидан қор эриб чўзилиб ётди.

Кеча қўнишидан олдин уларни бўшатишди. Барчаси Билга хоқон қаршисига келиб бўйнини эгиб турди.

Билга хоқон дедики:

– Ўз улусингизга боринг. Элтариш хоқоннинг ўғли Билга хоқон иниси Кул Тигин билан келибди деб айтинг. Тангри қозондиргай экан, деб айтинг.

Бунда бир канча улус бирлашибди, бири Ўз, беклари билан шунда денг. Яна бири тўра денг, тўраси билан шу ерда, денг.

– Йарис чўлида ўн минг қўшинга уч минг қўшин билан чикдик, – деди. – Кўк Тангри қўлламас, енголмас эдик. хоқонингизга айтинг, Тангри истагига қарши чикмасин, – деди.

Ёйини елкасига ошириб, ўқини синдириб бўйнига осиб жўнаттирди.

\* \* \*

Тун ўтди. Кун чиқар-чиқмас, Билга хоқон қўшинни Йарис чўлининг ўртасига йўллади. Икки қир ошиб ўтиб қарашса, қаршида Ўн ўқ билан қитаннинг бирлашган чериги терилибди.

– Чопқин энди бўлади, – деди Билга. – Ярағингни осиб, совутингни киябер.

Иниси Кул Тигиннинг кўзи бўри кўзидай ёнди.

– Оғам, – деди. – Изн берсанг, муни мен босиб-ёяй.

– Ёнимда тур, – деди Билга хоқон. – Оға-ини елкама-елка урайлик. Бугун будун ё ўлади, ё қолади!

Ўн ўқ қўшини мол мугузи йўсинида терилибди. Бу шундай эди: яёв бўлук ўртада, икки четида отлик бўлук турарди. Отлик ёй билан, яёв узун санжақ билан урарди.

Билга “Урсак, йиғилишиб урайлик”, деди. Ўн ўқ эски, тутумли черик, мол мугузи йўсинида терилган бўлукни ўртасидан ёриб уриб бўлмайди. Икки ёнлаб ёйилиб урсак тузук. Уруш зўр бўлади, анча киши ўлмасин. Бироқ, туйқусдан чопқинга кирмай, тўрамузми<sup>38</sup> қилсакми?”

Туман тарқаб-сийраклашган, будун эрлари шундай тизилишиб туришар эди.

– Кўрикчи юборайликми? – сўради Билга хоқон, иккиланиб. – Ўз будунимиз-ку?

---

<sup>38</sup> Тўра – урф, одат.

– Шуни айтяпман, ясамизга<sup>39</sup> кўра, босиб келган черик кўрикчи юборгай, – деди Тўнюоқ.

Шундай сўзлашиб туришарди. Отлар чопқин исини сезиб, бурун катаklarини кериб пишқиришди.

Туйқусдан Ўн ўқ ичидан мункиллаган бир аба<sup>40</sup> чиқиб келаверди. Сонсаноксиз кўшин қаршисида кадди ёйдаи эгик, бир ўзи эди. Иккала будун-да тек турарди.

– Абага уриш ерида нима бор? – деди Булут, анграйиб.

Аба судрала-судрала, аранг юра келди. Ўнқир-чўнқирларда йиқилиб қолди. Тизилиб қони қайнаган, эрларию отларининг оғзидан ҳовури чиқиб турган кўшин олдида чўл қушидай кўринарди. Ўланг ўртасига етиб келиб, шунқордай тизилган отлиқлар кўзи ўнгида ерга бир нимани ташлади.

– Ия! – деди Ишбара, ҳанг-манг бўлиб.

– Нима қилди? – деб сўради Булут.

– Ҳай ёзиқ, – деди Ишбара. – Энди уруш бўлмаиди.

– Нима бўлмас экан?

– Кўрмадингми, бошбоғини ерга ташлади, – деди Ишбара.

Доврукли туркийларда шундай тузук бор эди. Агар уруш тўғрилиқча битмаса, эрлару оға-инилар бир-бири билан келишолмаса, хотинлар кўшин олдига чиқиб, бошидаги ёпинчиғини ерга ташлар эдилар. Шамол абанинг оппоқ сочларини тўзғитиб юборди, эгик жуссаси таёғига таяниб тураркан, ердаги бошбоғ хилпиратиб учди. Уча-уча, бир бутага илиниб қолди. Аба эса оқ сочларини шамол ўйнаб, мункайиб турарди.

– Энди уни босиб ўтгани биронта эрни кучи етмайди! – деди Ишбара. – Манаман деган ботиринг шу битта аба олдидан ўтолмайди.

Кўшин ичидан Билга хоқон-у Кул Тигин айрилиб чиқишди. Абага ёвук боришгач, икковлон отидан тушди. Билга хоқоннинг йирик гавдаси олдида у

---

<sup>39</sup> Яса – қонун, тузук.

<sup>40</sup> Ёши улуг, ҳурматли киши. Баъзи элатларда “она”, “она”, баъзиларида “ота” маъносида қўлланилади.



увоқдай кўринарди. Билга нимадир деди. Аба икки қўлини унга узатган эди, бўйи етмади. Билга эгилди.

Аба Билгани пешанасидан ўпди.

– Иш битди! – деди Ишбара. – Қонни қон билан ювмайдилар, яроғингизни елкангизга тескари осаберинг. Энди ёйлардан ўқ, қинлардан тиг чикмайди.

Билга абани кўтариб отига мингазди, ўзи яёв, отини етаклаб ортига қайтди. Шундай қилиб, қондошлар урушини ёлғиз бир эна тўхтатиб қолди.

Шундан сўнг Ўн ўқдан элчи келди. Беклари, шади, ябғуси бирга эди. Бир қанча сариқ олтин, оқ кумуш, эгри туя, ипак мўл келтиришибди. Ўн ўқ, китан хоқони билан Билга хоқон келишиб-бирлашиб олдилар.

Шундан сўнг Билга хоқон Ўтуканга қайтаверди.

Бироқ, севинчда эмас эди. Юзи кулмас, кўзи тўрт ённи кезар, ўйларди.

Саваш-сўқишлар битмаган, улуслар бирлашган бўлса-да, энди уларнинг қаршисида сонсиз-саноксиз чериги билан Табғач турарди.

\* \* \*

Ўтукан йиш уйларидан кўк тутун ўрлаб, темирчиларнинг тақир-туқири эшитилиб қолди.

Бўй ета бошлаган бўз-яланг йиш қизларига узоқ-узоқ қарар бўлди. Йиш қизлари боши очик, асов, бўз йигитларни эрмаклаб қочар эдилар. Йигитлар от қувиб, ёй отиб куч синашар, таёққа қовоқ ё тўн кийгизиб, ўқ билан уришарди.

Ишбара улар орасидаги Кунсулугга қараб-қараб қўяётганини кўрган Ачун Кулуг Тирик:

– Шу қиз кўркли экан, – деди. – Қара, елкалари этли, бўксаси кенг, ўзи бўлиқ, бола туғса қийналмайди. Отда типпа-тик ўтиришини кўряпсанми?

Ишбара индамади. Ачун Кулугнинг сўзи чин, бу қиз Қутлуғ Улуғ Алпнинг қизи эди. Қутлуғ Алп эски баҳодирлардан эди, бултур кўчки остида қолиб ўлди. Оғалари у қизни Ишбарага берармикин?

– Хотин олишни ким ўйлабди? – деди тўнғиллаб. – Илгарида қанча иш-куч турибди! Мени ўй-хаёлим табғачда! Бир кўзғалсагу табғачни боссак дейман.

– Унда табғач қизларига уйлансанг-чи, – деди Мейли Чур, кўзи ёғли йилтираб.

– Йўқ, бўлмайди, қон айниб кетади. Ўзимизни қизлар тузук.

– Тўғри айтасан, табғачни боссак керак... – деди Ачун Кулуг Тириг ўйланиб. – Билга хоқон бу ишни шундоқ қўймайди. Бир нимани кўзлаган чиқар...

– Табғачни босамиз деб ўзимиз кирилиб кетмасак тузук, – яна сўз қўшди Мейли Чур. – Уч юз минг чериги бормиш. Уч юз мингни ўн минг билан қандоқ қилиб босасан?

– Уч юз минг табғач чериги ер-сувим, олтин-баркутим деб уришади. Биз эса урушга тирик қолгани кирамиз.

– Барчанг ўлиб кирилиб кетасан, – деб тўнғиллади Мейли Чур, улардан айрилиб нари кетаркан. Унинг ғўнғирини эшитган Ишбара:

– Бир нима дедингми? – деб сўради ортидан.

– Э йўқ, табғачни сўкяпман, – деб жавоб қилди Мейли Чур, тиззаларини букиб нари кетар экан.

Ишбара қалин қошларини чимириб унинг ортидан қараб:

– Шу олчоқни ёқтирмайман, ичида қора бир нимаси бор муни, – деди. – Чучук-чучук сўзлаб, не десанг кўниб туришини қара. Яна буйруқ бек эмиш.

– Қўй уни. Қара, ўтлоқда Эл Бўғу бир нималарни сўзламоқда. Ўша ёққа борайлик, сўзини тинглайлик.

Эл Бўғу анча йиллар олдин будун жўжиқларига ёзув ўргатиб юрувчи, биров оғриб қолса дўмбирасини чалиб, тузатувчи бахши эди. Бирда-бир шомонлик-да қиларди. “Бўғу” деб билгич кишини айтадилар. Очлигу

йўқсуллик ичида қолган будуннинг болалари у ишларни унутганига анча бўлди. Эл Бўғу эса ўтмишда бўлган ишларни эсга солиб юрарди.

Ишбара бош ирғагач, икков ўтлоққа йўл солишди. Етиб бориб қарашса, бир қанча киши ўт устига ёнбошлаб олибди. Будуннинг энг ёқтирган иши, у ёқ-бу ёқдан сўзлашиб ўтириш чоғи етибди.

Эл Бўғунинг эгик гавдасига қараб, Ишбара ундан:

– Эл Бўғу, бу ёйни қанчага олдинг? – деб сўради кўзларини ўйнатиб.

Эл Бўғу кемшик тишларини кўрсатиб илжайди-да:

– Сал кутсанг, текинга оласан, – деди.

Қўрда кулги кўтарилди.

– Нималарни сўйлашяпсиз? – деб сўради Ишбара.

– Эл Бўғу будуннинг ўтмишини айтиб беряпти.

– Не эмиш будуннинг ўтмиши?

– Ҳой Ишбара, ҳеч ўйлаганмисан, биз киммиз, қайдан келиб қолганмиз?

Нимага бунақамиз? Шуни сўзляпти, – деди кишилар орасидаги Уюқ Тарлақ.

– Билмасам, – деди Ишбара ямтар, ёнбошлаган ерида бир ўтни оғзига солиб чайнаб, аққимтирлигидан юзини буриштириб.

– Ўлардай ишонувчанмиз, – деди Уюқ Тарлақ. – Эт-сув бўлса бас, ётаберамиз. Эт тугаса овга борамиз, ов қочса босқинга чиқамиз. Бор ишимиз шу. Кўк Тангри яратганидан бери бормиз, шундаймиз. У борки, биз бормиз.

– Тангри бизни суйиб яратди, дейсанми? – илжайди Ишбара.

– Бўлмасам-чи! Ана, жангжуни қара, лойдан киши ясаб, ўшанга топинади. Тангри бизни яратди, ўзини билдирди. Жангжуга-да ўзини билдирди, бироқ кимдир унга Тангри ўзгача деб айтди. Шунда жангжу уни тупроқдан ўзича ясаб олди. Англадингми?

– Йўқ.

– Кўк Тангри тоқ эмасми? Очунни бошқариб турган, хоқонни-ю ер-сувни берадиган, сену мени ўлдирадиган, у эмасми? Тангримиз бир экани учун баримиз бирмиз. Жангжу бўлак-бўлак айрилиб кетган, тангриси-да турлук...

Уюқ Тарлақнинг сўзлари Ишбарани ишонтирди.

– Ҳа, тўғри айтдинг. Киши нима учун яралади? – деб сўради у. – Бир карасанг, пилдираб юради, ёлғондан урсанг, ғингшиб йиғлайди. Кейин ўсиб-уйланиб, бола кўради. Ота-энаси улғаяди. Уларни боқаман деб ов қилади, уришади. Кейин ўзиям ўлади...

– Яна нима қилсин? – деб сўради Ачун Кулуг Тириг. – Бошқа қиладиган иши йўғ-у?

– Тўғри, – деди Ишбара. – Яна нимаям қилсин?

– Эл Бўғунинг сўзини бўлманг, келган жойидан айтаберсин, – деди ботирлардан бири, узун бўйли Яган Силиг бек. Унга бошқалар-да кўшилишгач, Ишбара:

– Менга не, сўзини бўлиб? Эл Бўғу, сўйлайбер. Қайтанга манови жўжиқлар билиб олишсин. Бизлар-да билмаганимизни билайлик.

## **КИШИ ЎҒЛИ ЎТМИШИ**

– Кўк Тангри киши ўғлини шундай яратибди, – деб, келган еридан айта кетди Эл Бўғу. Ишбара кечикиб келгани учун қандай яралганини билолмай, “эрта-индин сўраб оларман” деб қўйди ичида. – Киши ўғли қараса, бўлиқ ери, яйлови, ўланги, суви бор экан.

Кўк Тангри ерни киши ўғли учун тузаган экан. Киши ўғли Тангрисини унутмабди. Кун ёдида тутибди, тун ёдида тутибди. “Тангрим, сенга топинай”, дебди. Унга атаб бир молини сўйишни истабди, бироқ бу ялангда сўйсам тузук эмас, дебди. Кўк Тангри юксакдир, муни юксакка обориб сўйай. Молини Тангритоққа олиб чиқибди, қонини оқизиб, Кўк Тангрига атабди.

Қараб турса, кўкда чақмоқ чақибди. Бир учи ерга келиб урилиб, сўйилган молни куйдириб кетибди.

Киши ўғли севинибди. “Бу ишим Тангримга ёқди”, дебди. Дедики, мени Тангрим суяр экан.

“Ер бетида қанча будун бор, Тангриси йўк”.

“Ер бетиде қанча киши бор, эли йўқ”, дебди.

Шундан кейин ўз будуни қошига қайтиб келиб, дебди:

– Эй менинг Тангрили, қутлуғ улусим! Остингда қўнғир ер, устингда мовий кўк яралди. Иккиси орасида сен яралдинг.

Тангрингга топин. Тангри бирдир. Сени эл қилган удир.

Киши ўғли ўз-ўзидан бирикиб, эл бўлиб қолмас экан. Элни Тангри берар экан.

Ер-сувга ўзи эга чиқақолмас экан. Уни Тангри атар экан.

Бириккин-кўпайгин, сулув қизларинг ботир йигитларни туғсин, дер экан.

Шундай дебди.

Будун бошини эгиб тинглабди. Сўнг айтибдики: “Сен айтгандай бўлсин!”

Тангрисини танибди.

Сўнг тўрт булунгига, сўнг ўзига разм солибди.

Қараса, ўзи ўзгалардан ўзгача экан. Ўзғир, билагида-белида кучи бор экан, ўлгудай тикбош экан.

Шунда деди: бет-қўли, суяги, тил-тутуми ўзимга ўхшаш, отаси-энаси бир уруғлар бирлашиб улус бўлди. Улус йиғилиб эл бўлди.

Ўзи бир нима қилолмай юраверди. Бири у деди, бошқаси бу. Шунда остидаги ерга, устидаги кўкка қараб ўйлади.

“Бунча ишни Тангрим бошқариб турибди. Кунни чиқариб боттирди. Ойни ингичка қилиб, кейин бўғоз қилди”, деди.

“Булутни ёмғирга бўғоз қилди” деди.

“Оғочни мевага бўғоз қилди” деди.

Ўтни у ундирди. Сувни у оқизди.

Олма-гилосни у чиқарди, мол-эчкини ўзи юриб ўт ейдиган қилди. Шундай қилгач, яна бир иш қилди: уни бола туғадиган қилди, киши ўғлига ўзи ўтлаб юрадиган, саноғи ўз-ўзидан ортадиган эт бериб қўйди.

Ишбара кулиб юборди.

– Нега куласан? – деб сўради Эл Бўғу.

– Тўғри сўзладинг, сира ўйламаган эканман, – деб яна кулди Ишбара. –

Айтавер, кулоғим сенда.

Эл Бўғунинг аччиғи чикди. Бироқ Ишбарага сўз қотмади. Деди:

– Шундан кейин Тангри киши ўғлига:

“Бу етарлими?” дебди.

Киши ўғли “Ҳа, Тангрим, етарли” дебди.

Тангри дебдики: “Сен қайдан билардинг етарли эканини?”

Сўнг эт орасидан сут чиқадиган қилибди.

“Шу етадими? Ё яна берайми?” дебди.

Ундан қаймоқ чиқадиган қилиб қўйибди.

Кейин “Етарли бўлгандир?” дебди. “Ё яна озми?” дебди.

Осмондан ўт туширибди. Ўт қуриган оғочни ёндирибди. Ўша ерда бир эчки ўтлаб юрган экан, куйиб қолибди. Киши ўғлига дебдики, ўтда куйган этни еб кўр.

Киши ўғли уни еб, тотли эканини билибди.

Тангри “Бу-да озми?” деб сўрабди.

Тош орасидан ўт чиқарибди. У ўт ўчмабди. Киши ўғли қуруқ оғочни ёндириб, қишда исинибди.

Кейин ўзига-ўзи дебди: “Мен ўзим қорамол ичидан яна бир қорамол чиқара олармидим?”

“Мен ўзим унга ўт егизиб, эти-қони орасидан сут чиқартира олармидим?”

“Мен ўзим уни сути орасидан қаймоқ чиқара олармидим?”

“Мен ўзим ўн йилқимни юз, юз йилқимни минг қила олармидим?”

“Мен ўзим кўқдан ўт тушира олармидим?”

“Барини Тангрим қилди”, дебди.

“Тангримга юкуниб борай”, дебди.

Тоғи чўққисига чиқибди.

Тангрисига юкуниб турган экан, кўкдан яна ўт тушибди. Бу ўз-ўзидан эмасдир, деб ўт тушган жойга бориб қараса, оғир қора тош эриб қолган эмиш. Бошқа тош билан урса, эриган тош юмшабди.

Салдан кейин қотибди. Киши ўғли уни уриб синдира олмабди.

“Тангрим, сен буюксан” дебди яна.

Тошни олиб келиб, теграсига ўт қалабди. Билса, у тош эрувчан, бошқалари эримас экан. Ўша тошни таниқ қилиб олибди.

“Мен у тошни эрувчан қила олармидим?” дебди.

Шундай, билгич бўлиб олибди.

Жўн тошларни уйиб, орасига ўт қалабди. Ичига бояги эрувчан қоратошни кўйиб, ўт ёқаверибди. Қоратош эригач, ура-ура бир учини юпқа қилибди. Қараса, оз юпқа бўлибди. Яна қилибди. Кейин қотгач, кўлига олса, кесувчан бўлиб қолибди.

Шундай тиғ ясабди.

Ўша ерда жайра мўл экан. Жайра тиканини отишини билар, қорамолга, отга санчганини кўп кўрган экан. Уни сиз-да кўп кўргансиз.

Жайрани кузатаверибди.

“Тиканини қандай отади?” деб ўйлабди.

Билса, жайранинг териси ортига тортилар экан. Бирини тутиб, ёриб кўрибди. Тери остидаги оқ қайишқоқ мушаклари тортилиб, тикан отишини билибди.

“Мен шунга ўхшаш бир нима ясай”, дебди.

Излай-излай, мол ичагини олиб, сувга солиб ивитибди, уни эшиб-бураб, бир ёш оғочнинг икки учини эгиб, бойлаб кўрибди. Шундай ёй ясабди. Учига қиррали тош бойлаб ўқ ясаган экан, энди ура-ура ўткирлаштирган темирини ўққа бойлабди.

Отиб кўрган экан, шувиллаб учиб бориб оғочга санчилиб қолибди.

Санчилганини олиб қараса, чуқур кирган эмиш. “Бу тош-суяқдан анча тузук экан” дебди.

“Муни тирик кишига отса нима бўлади?”

Ўша ерда ўтлаб юрган эчкисига отган экан, эчкиси питирлаб, ўлиб қолибди.

“Ия!” дебди суюниб.

Кўринган нарсага отаберибди. Ота-ота, ўқ қанчага боришини, қандай уришни синаб кўрибди. Кейин яна қора эрувчан тош олдиға келибди.

Тошкўмир ёқиб темиртошларни эритиб янада кичик, янада учли ўқлар ясабди. Олдин қайишқоқ оғочдан, кейин темирдан ёй ясабди. Турли-турли ўқ, тиғ, санчки ясабди. Турли йўсинда отиб-уриб кўриб, севинибди.

Овлаган яратикларининг терисини пўстин қилиб кийибди. Киймаганини пўстак қилибди. Ортганини бир-бирига улаб, ўтов ясабди. Кўмир олиб келиб, ичига ўт қалабди.

Киши ўғли шундай билға, шундай эпли бўлиб олибди.

Кейин ўз ер-сувиға, кўкка қараб ўйлабди.

“Бу юртни Кўк Тангри менға ер-сув қилиб берди. Ўт ундирди, борликни яратди. Шундай экан, мен қандай унутай?”

“Тоқликда ўлиб кетмасин деб эл берди, уни қандай унутай?”

“Бири оғам, бири иним бўлди. Бири энам, бири ачам бўлди. Барча бир бириға оға-ини бўлди. Элни шундай қилиб тузди”.

“Муни унутсам, ким бўламан?” дебди.

“Уни кишиларимға билдирай” дебди.

Улусға дебдики:

“Нима бўлсанг бўл, Тангрингни унутма!”

Эй Тангрисини унутмаган будун, мангу яша!” дебди.

Эл Бўғунинг чўпчакларини чўлик-жўжиқ анграйиб эшитиб ўтираверишди.

– Билиб қўйинг, бизлар шундаймиз, – деди Эл Бўғу.

Ишбара бир оз ўйланиб, деди:

– Сен бир кишининг қандай қилиб ўз будунини таниганини сўзладинг. Мен сендан, бизнинг улус қандай яралганини сўраяпман.

Эл Бўғу бу сўзларни ичидан тўқияптими ё чинми, билиб бўлмасди.



– Бумин хоқон Тангригоғнинг у ёғидан бир кишини тутқун қилиб олиб келган экан. У ўша улусларни билгичи бўлиб чиқибди. Соқоли қорнига тушадиган, сочи хотинларникидай узун экан. Ўша айтибдики, ўтмишда сен билмайдиган ишлар бор, у ишларни Чин хоқони сендан яшириб келди. Сен эса унга ишониб, ўзингни билмай яшаб юравердинг.

Қачонлардир Кўк Тангри ер юзини сувга бостирган экан. Бир қанча киши чўкмасдан, эсон қолибди. Сўнг сувни ер ютиб, қурибди. Қуригач, у киши қурукқа тушибди. Уни учта ўғли бор экан. Бири қулоқсиз, ўзинигина ўйлар экан. Иккинчиси бунга кўнмаса-да, индамас экан. Яна бири бўлса, ардоқлар экан. Ўша отасини ардоқлаган ўғилдан сиз тарқадингиз, дебди.

– Бизлар билмаган ишни у қайдан билақолибди?

– Билга экан дедим-ку? Шунда ўша ота Кўк Тангрига дебдики “Шу ўғлимни-ю ундан тарқайдиганларни ёрлақайсан!”

Кўк Тангри шундай қилган экан.

У ўғилнинг оти Турк экан. Турк ўғлон ўлгунича отасининг юмушини қилибди, ота ўтгач эса, улуси билан юра-юра, шу ёқларгача келибди.

Бу ерларда тўхтамабди, яна юра-юра, Темир Қопқадан-у Орол сувидан ўтиб, бир водийга бориб ўрнашибди. У ерлар учмоҳдайинмиш. Учар отлари бормиш, шундайин елармишки, тер ўрнига қон чиқармиш. Қора узумлари бормиш. Кишиси сўнгсиз тикбош, ўзғиру ёвқур эмиш.

Бу ишнинг туби шуки, сенинг уруғингда улуғ ота ўрнида ўтади. Бу энди ўзгармайди, мангу қолади...

– Ўтмиш шундай, – деди Эл Бўғу. – У ишлар қачон бўлганини биров билмайди. Модомики улус ер юзида қаттиқ турибди, бунда бир иш бор чиқар?

– Бу ердан кунботарга қараб юраберсанг, Орол деб аталган денгизга чиқасан. У денгизнинг нарёғи қутлуғ ота-эналариимзнинг ерлари, бизлар ўша ерлардан чиқиб ер юзига тарқадик. Ота уруғимиз у ёқларда тетик, минг

йилдан бери бор. У ерларда учта тузук эл<sup>41</sup> келади. Хўкиз қўшилган аравани, сигирни “уй” дейдиган элни ўша ерда кўрасан.

– У ерлар гўзал, ўрмонли-оғочли, чўлли ерлар, – деди Эл Бўғу. – Туркий ўғилларнинг бари уруғи уни қутлуғ ота ерим деб қуллуқ қилади. Қитанлар, ўғузлар, қорлиқлар, сўғдлар у ёқларни кўрғон қилиб яшашади. Ота томиримиз ана ўшадир.

– Улар кучли, эски эллар, – деди Эл Бўғу. – Бирок, биз бу ёқда жангжу билан уришиб ётганимизда, уларни қизгин чўллардан тухор<sup>42</sup> келиб босмиш. У тупроқлардаги бошида ажраладиган чокли дубулғаси бор сўғдлар, паркана эли, чоч эли билан елкама-елка уришиб, тухорни енгмишлар.

– Тухор не учун у ерларга босқин қилмиш экан?

– Уни сўнгра айтаман. Англаш қийин ишлар булар. Турк ўғиллари ер юзига шундай ёйилиб кетишди. Улар кўкдаги шу юлдузлардан-да мўл, бири буғу овлаб, бири балиқ тутиб, бири уруш қилиб кун кечирмоқда... Ер юзининг ярмини шулар тўлдиришган.

– Қолган ярмини-чи?

Эл Бўғу жим қолди. Бу сўроққа бир нима дегиси келмади. Оймомо юксалди, олислардан шоқол увлаши эшитилди, ху-ху қушининг саси элас-элас эшитилди. Чирилдоқлар чириллаган шу кеча ярим бўлди.

## КЎКЁЛ ОНА БЎРИ

– Чирилдоқлар чириллади. Тўғон юлдуз чиқди, силиг юлдуз ботди, кеча ёрти бўлди. Сўзимни сўнгида сизга Кўкёл она бўрини айтиб берақолай, – деди Эл Бўғу.

– Жангжу хоқони Сяолин деган ерда яшарди. Хнлардан ўлгудай кўрқарди. Бир куни бор кучини йиғиб, ўрмон беткайида яшаб юрган бир хун уруғи устига юриш қилди. Хунлар ортма-орт селдай келган у ёвга туриш

---

<sup>41</sup> Паркана, Қангли ҳамда Хоразм давлатлари.

<sup>42</sup> Тухор – араблар, арабларнинг иттифоқчилари.

бериб, арслонлдай олишди. Бирок, озчилик бўлгани учун енгилдилар. Уриша-уриша, бор-йўғи бир кун ичида хун улуси ўлиб битди.

Ҳа, хун эли ўлиб битди. Тўрт бўлунг ўлдирилган кишига тўла, ҳар ёндан қотаётган қоннинг ёқимсиз иси анқирди. Довруқли хун ўғиллари ер тишлаб ётишарди.

Бу тенгсиз урушда ўлимдан ёлғиз бир ёш хотин қутулиб қолди. Қорнида боласи бор, анча қимирлай бошлаган эди. Жангжу қийқира-қийқира босганида у эрини урушга йўллаб, ўзи “Болам!” дея ўрмонга қочиб кетди.

Уруш кечга яқин тинди. Сурон тинганида хотин қўрқди, ёв устун келганини, қўналғида кимса қолмаганини, улуси қирилиб битганини билди.

Узун кокилли йиртқич ёв барчани тигдан ўтказди, бирон киши қолмади. Қўналғилар ёқиб юборилган, сурувлар хайдаб кетилган, ўлангда ўликларгина қолган эди.

Хотин улусдан бир ўзи тирик қолганидан қўрқиб йиғлай-йиғлай, оз-моз егулик топди. Шундан сўнг сиз оқбобо деб атайдиган ўлакса еяр қушлар етиб келишди. Шоқол увлашлари эшитилди. Қўрққанидан қорнидаги боласи яна тўлғанаверди. “Тўлғоғим келмай туриб ташлаб қўйсам-а”, деб яна қўрқди.

Оғриқ хотиннинг кўзини тиндирар, “воҳ” дея икки букланиб йиқилиб қолар, оғочларгаю буталарга таяна-таяна ўрнидан турар, қорнини ушлаб, яна юрарди.

Ўрмон оралаб бораркан, кичик қоя бағрида киши зўрға сиғадиган бир инга кўзи тушди, эгилиб-сурилиб, ўшанга кириб олди.

У бўри ини экан. Бўш ин четига сурилиб, оғир-оғир нафас олиб ихраб ётарди. Тўлғоқ бошланмоқда эди.

Кимсасиз ўрмонда ёлғиз бир киши боласи борийди. Ёввойи, ёвуз ўрмон ўз тузугига кўра яшарди, у хотин билан не иши бўлсин? Йиртқичлар емиш истаб кезишарди. Шамол қуруқ оғочларни қарсиллатиб синдирарди.

Шу кез ичкарига орқа оёқлари майишиб, юнглари туллаган, озган-тўзган урғочи бўри кириб келди. Бўрининг туруми хотинниқидан-да ёмон, у-да иккиқат бўлиб, унинг-да тўлғоғи бошланган эди.

Күкел она бұри инига биров кириб олганини сезді. Ўзга бир ис – киши иси, бир у эмас, бұғоз яратиклардагина бұладиган сут иси анқирди. У ис бұрини чалғитди. Суякларини суриб, танасини зир-зир қақшатаётган тұлғок оғриғи бұри-ю хотиннинг кўзини кўр, кулоғини кар қилиб қўйган эди.

Тангрининг истаги ила шу куни ўрмонда бир хотин, бир бұрининг кўзи ёрди.

Шўрлик хотин тишларини тишига қўйиб, не бўлсам бўлай, инграшим бұрини аччиқлантормасин, болам эсон туғилсин дея урина-урина кўз ёрди. Бұри ўз болаларини хўл тили билан яларкан, хотин қақшай-қақшай, киндигига ўралиб ўтган бувагини урина-урина қўлига олди. Қиррали бир тош билан уриб у томирни узди, урина-урина боғлади. Боғлаб бўлганида кучи қолмай, билаги қимирламай қолди. Ўлимчил ҳорғинлик уйқуси ўраб келар, йўқлик сари аёвсиз тортқиларди. Хотиннинг сўнг кучи боласини кучоғига олишга етди. Уни бағрига бир босди, кўзлари бир юмилди, “Жоним болам” деди. Шу юмилганича қайтиб очилмади. Кўзи юмуқ бувак худди бұри болалари сингари, она сутини истаб тамшанарди.

Бир ёнда бұри, бир ёнда хотин кўз ёрди.

Бола чинқирғи эшитилганида Күкел она бұри, танаси титраб-титраб ёвуқ келди, болани искади. Бўйнидан авайлаб тишлаб, ўз болалари қаторига кўшди. Тангри истаги шунда юз берди. Күкел ўз болаларини ялаб-юлқаркан, ёнидаги киши боласини-да ялади. Сўнг узала тушиб, эмчагини тутиб ётиб олди. Бұрининг эмчаги саккизта бўлади. Олтита бұри боласи билан киши боласи бұри сутини эмишди.

Тангрининг ўхшаши йўқ яратувчанлиги шунда юз кўрсатди. Боланинг сут эмиши шу яратикни-да ийдириб юборди. Урғочи бұри кўзларини юмиб, сутини болаларига тутиб-тутиб узала тушиб, кўзларини юмиб-юмиб ётди.

Тоғ бағридаги бу уя иссиқ, қуруқ эди. Күкел она бұри ўз болаларини авайлаб, қуруқ ўт-ўлан йиғиб, юнгини тўшаган экан. Бұри болалари очқашса чийиллашарди, улар билан бирга чақалоқ ўғлон биғиллаб йиғларди. Унга

бўри болаларининг иси урди, она бўри уни ўз болалари қаторида сутини бериб боқди.

Бутун бошли бир улусдан шу ўғлон қолди. У ўғлон бўри болалари қаторида улғайди.

Улғайгач, йўқсулликда эзилиб, ер-тупроқ бўлиб юрган улусларга келиб кўшилди. Бўридай кучли, билгич эди. Отини не деб аташни билмадилар. Шунда у ўз отини “Ашина” деди.

Ашина шундай туғилди.

Ашина туркийларнинг хокони бўлди. Урушга кирганида бўридай увларди. Бўри увлаганида шоколлару кучукларнинг саси ўчиб кетади-я? Ашина увлаганида шундай бўларди, ёв унинг қаршисида думини қисиб, ангиллаб қочарди.

– Бўрини эмган ўша ўғлондан бир уруғ тарқади, – деди Эл Бўғу. – Улар ўзларини “Кўк турк” деб номлашди. Турк нима дегани? “Кучли, қаттиқ” дегани. Кўк турклардан эса бизлар тарқадик...

Шу кез уйқуси келиб ўтирган болалардан бири ёнидагига иржайиб ирилласа, бошқалар кулиб юборишди.

– Туғимизда бўри тамғаси борлиги шундан, – деди Эл Бўғу. – Қонимиз бўри сутини эмган ўша чақалоқдан суриб келмоқда.

– Сурса сураберсин, бизга не? – деди кимдир. Ишбара бошини буриб қараб, яна Мейли Чурнинг ёғли юзини кўрди.

– Ҳой Мейли, – деди аччиғи чиқиб. – У ёққа ўтсам-да, бу ёққа ўтсам-да олдимдан чиқиб минғирлайсан, нолиб ғўлдирайсан, не истайсан ўзи?

– Кўкёл бўринг не, кўппакка ўхшаган бир жонивор-да, бир ўқ билан жони чиқиб питирлаб қолади. Бундай ўтрукларни сўзлаш ўрнига, сен ўз кўрган кунингга қара, демоқчиман.

– Минғирламай тек ўтир, – Ишбаранинг қовоқ уйиб боқшининг ўзиёк Мейли Чурни турган жойида қозикдай қилиб кўйди. – Сен эса сўзлайвер, Эл Бўғу.

– Йўк, етар, энди ухлангиз, – деди Эл Бўғу. – Эртага байрам бўлади.

– Байрамда нима бўлади? – деб сўради жимит бир болакай, кўзлари юмилиб-юмилиб.

– Чоғинг келса, ўзингга хотин танлаб оласан! – кулди Ишбара.

– Э бор-э, ўзинг танлайвер! – деб тўнғиллади болакай, Ишбарани яна кулдириб.

Сарин еллар эсган кечадаги бу гурунг ёқимли эди. Ишбара кўк тўла юлдузларга караб ўй суриб ётаберди. Эл Бўғу билгич киши, билганидан бошида сочи қолмаган. Бироқ, айтганлари чинга ўхшайди. Эшитсанг, кўксинг кўтарилиб кетади. Яна эшитаверсанг, бошинг булутга етади, оёғинг ерга чуқур ботади. “Муни қара-я, – деди ўзича. – Кечагина буғу овлаб, қорнинг тўйганига севиниб юрувдинг. Бугун эса ўтмишингни эшитиб, кўксинг қабармоқда. Қорин-курсоқ, ошлиқ қайғуси эр кишини тубан қилиб кўяр экан-да? Бизнинг уруғлар ер юзини ярмини тўлдирган, деди. Тўғри, Тўққиз ўғуз, қирғиз, қитан ўз уруғимиз. Нарёқда Тинси ўғли ётадиган тоққача, бу ёқда Темир Қопқагача бизнинг қондошлар эса, нега бунча йўқсулликда юрибмиз?” деб ўйлади.

Унинг ўйи шунгача етди, қўноғига кирмай, ёнбошлаган ерида ухлаб қолақолди.

## **БАЙРАМ**

Кун чиқмасдан ер юзи ёришди. Гурос-гурос киши ялангга тўпланиб келаверди.

– Ҳой будун! Бугун байрам, севин, айлан, ўйна, кул! – деб жар солди жарчи.

– Олдин Кўк Тангримизга атаб мол-қўй сўйилгайдир! Сўнг қиз қувди, сўнг кўпкари бўлгайдир!

Кишилар ёнбағирга тизилиб олишган эди. Қозонларда кўк оши пишарди. Эрлару ўғлонлар майдонга отлиқ терилса, хотин-у бола-чақа ёнгайга узун-қисқа тизилишди.

Кўклам келиб, ўланглар ям-яшил бўлган, ўтларни териб-териб, унга булаб юпқа пиширишган эди. Болачалар оғзи-бети қоракуя бўлиб юпқаларни еб юришарди.

Бир қанча от қир учига етаклаб олиб борилиб, Кўк Тангрига атаб бўғизланди. Яна бир қанча қорамолу туялар олдин кўкка учган хоқонларга аталиб сўйилди.

Шундан сўнг гуриллаб ёнаётган ўт ичига бир темир парчаси отилди. Чўғдай қизариб эригач, қисқич билан ташқарига олдилар. Барча келиб, темирни ура-ура ўтди. Темир яссиланиб, товадай бўлгач, уни тош устига олиб, яна уришди. Тўрт ёнга темир саси таралиши байрамнинг бошланиши бўлди.

Кўклам байрами шундай бошланди. Бу байрамда бўз йигитлару бўй қизларни ўзларига қўйиб беришгувчи эдилар. Ота-ю тоғаларининг отини миниб олган йигит-яланг ўзларига қаллиқ танлаб илжайиб юришарди. Ёши улуғлар “Балиқ сувда-ю кўзи ташқарида” деб тўнғиллаб қўйишар, тўп қизлар йигитларни эрмаклаб кулишарди. Бўз йигитлар ўт устидан сакраш синовига киришди, қизлар эса оёқ тўпи ўйинини ўйнашди.

– Бўз йигитлар-ов, ой қизлар-ов! Қиз қувдига киминг чиққайсан? – деб қичқирди жарчи.

Булут эндигина ўйиндан чиқиб келган қизлар тўпи орасидан ўзи кўз остига олиб қўйган ой юзли Ойқизни топиб, унга кўз қисган эди, қиз лабини бурди. Шунда бу икковлоннинг кўзлари сўзлашди.

– Ўзинг жимитдай Булутчасан-у, нечун менга кўз қисасан? – деб сўради қизнинг қараши.

– Жуссам кичик бўлса-да, ўзғир Булутман, – деди Булутнинг кўзи. – Билсанг, булут ичида ёмғиру қори, чакмоғи бўлади.

– Ўзингдан кетма. Кўрамиз, қўлингдан не иш келар экан? – деди қиз.

Сўнг ёнида турган оғасининг отига бир ирғиб миниб, ўлангга чиқиб келганида, будун қийқириб юборди.

Булут Ишбаранинг бўз отини миниб олди. Урушларда чиникқан у от устида эгасининг оғир гавдасини эмас, енгил бир ўсмирни сезиб, ёқтирмай пишқирарди.

Ойқиз Булутга бир чакнаб каради-да, отига камчи урган эди, от тасир-тусир чопа кетди. Булут-да отига камчи босди.

Ишбаранинг оти чакқон эмас, бироқ жуда кучли эди. Темир билакларга кўниккани учун Булутнинг камчи уриши етарли эмасди.

Қиз оти чакмоқдай учди. Булут оти эса бир маромда елди.

Булут қизга ҳўв олисда туғ тикиб қўйилган ергача етиб олиши керак эди. Бироқ, қиз оти учқур бўлгани учун ора қисқармас, уруш оти бўлар-бўлмасга тез елишни истамас, бурун катаклари керилиб-керилиб, истамай чопар, ўқ-утиғ саслари, чопқин ҳайқириқлари келсагина қони жўшадиган от эди у.

Қиз қувдининг тузуги шуки, йигит қизга етиб олиб уни отига ўнгарса, қиз бир ўпич бериши керак.

Етолмаса-чи?

Бирданига дўмбира товуши келди. Улуснинг бахшиси кетиб бораётган қизни Ойқиз эмас, “оқ қиз” деб атади.

*Бу чопа кетаётган оқ қиз,  
ўзи тўлгин, соғ қиз!*

Уни шундай мақтади:

*Ўрта бўйли, чоғ қиз,  
ўйнагани боғ қиз,  
уйқучимас, зоғ қиз,  
қора кўз, бодомқовоқ қиз,  
синли, сим-сиёқ қиз,  
ўзи семиз, туриш-турмуши ёғ қиз;  
тўғри ишга бўлайроқ қиз,  
туруми олайроқ қиз,*



*сагриси кенгиш, дўнгиш қиз...*

*танаси тўш қўйган, тўнгиш қиз...*

Йўқ, Булут қизга етолмади. Қиз туғни бир айланиб, сўнг ўша чопиши ила тўфондай бўлиб Булут сари елди. От устида чечакдай бўлиб ўтирарди. Булут не қиларини билмай қолди. Не-не савашу сўқишларда чиниққан йигитча қиз қошида ночор, отини ортга буриб лўкиллашиб бўшашиб чопа кетди. Ойқиз эса уни камчи билан аямай савалаб келарди.

Кишилар орасида яна кулги кўтарилди.

Булут қайтиб келганида Ишбара қотиб-қотиб кулди.

– Атай қилдим, – деди Булут, тўрсайиб, камчи теккан елкаларини силаб.

– У қиз менга ёқмаса нима қилай?

– Ёқмади эмиш. Илжайиб қараганингда оғзингни суви келди-ю?

Булут:

– Келса келар, сенга нима? – деркан, – Ия, Ишбара! Қарасанг-чи! – деб юборди шошиб. Ишбара у кўрсатган ёққа бош буриб, ялангга Кунсулув чиқиб келганини кўрди.

– Қоч йўлимдан! – Ишбара “мендан олдин биронтаси чиқиб қўймасин” деган ўйда бир ирғиб отига минди-да, уни пишқиртириб ялангга чиқиб келди.

– Ишбара! Ишбара ямтар!

– Кунсулувга Ишбара чикди!

– Кунсулув, қайт! Янглиш иш қиляпсан! – деб кулишарди хотинлар.

Тузук шундай эди: ялангга чиққан қизга қаршисидаги йигит ёқмаса, ортига қайта оларди. Бироқ, йигит қайтса бўлмасди. Йўқ, Кунсулув қайтмади, сувсар тумоғини ипини иягига бойлаб, қалдирғоч қошларини чимириб тураберди.

Кунсулув Ачун Кулугнинг тўриқ отини миниб олган экан. Қий-чув остида тўриққа камчи урган эди, от чопа кетди. Ишбаранинг оти таниш

оғирликни сезиб, тетиклашган эди. Эгасининг хайқириғидану ниқташидан кулоқларини чимириб, Кунсулув оти ортидан ўқдай учди.

Энди бу иш кулгили бўлмай қолди. Қиз оти елдай учар, бироқ, Ишбаранинг елишида доврүкли урушларининг кўрки бор эди. Ишбара от устида қоядай ўтирарди.

Мана, у Кунсулув отига ёвуқ борди. Ана, қўлини узатди. Кучли қўллари кизни хасдай кўтариб, ўз отига ўнгарди.

Кунсулувнинг салт қолган тўриғи йўртишга ўтди. Ишбара от жilовини бўш қўйди. Олисдан уларнинг не қилгани кўринмасди, тўриқ от бўш чопмоқда, Ишбара отининг чопиши сустлашиб, қирга елишарди.

У икковлон кишиларга терс эдилар. Қиз Ишбарага ўпич бердими-йўқми, биров билмади.

Салдан кейин йигит-қиз бир от устида йўрта-йўрта қайтаверишди.

– Тангри ёрлақасин! Бир этак бола-чақали бўлишсин! – дейишди улуснинг улуғлари.

Кунсулув бетлари қизариб, кўзлари чакнаб ўтирарди. Ишбара тўпга етиб келгач, уни отдан кўтариб туширди. Кунсулув хотинлар тўпи олдига кетди. Яна қий-чув кўтарилди.

– Тўй бўлсин!

– Тўй бўлсин!

Билга хоқон шадлари-ю иниси билан бу ишларни кулимсираб кузатиб турган эди.

– Ишбара тўй қилса, икки от, бир туя, ўнта қорамол аталди! – деди гулдуракдай товуш билан.

Ҳа, эндиям тўй бўлмасинми? Ишбара барчанинг кўзи ўнгида Кунсулувга белги берди-ку?

Энди биров Кунсулувга сўз қотмайди.

Энди Кунсулув десалар, барчанинг кўз олдига Ишбара келади.

Икков бирлашишди-да!

Энди тўй бўлади...

\* \* \*

Шундан сўнг ўртага бояги бахши чиқди. Бети ажинларга тўла бу бахшининг оқ соқоли кўксига тушгани учун “Апаға” дейишарди, будуннинг улуғ кишиларини эса “апа” деб аташарди.

Апақи бахши кўлидаги от ичагидан эшилган дўмбирасини кўймаган эди. “Ҳа-а-ай” дея Гўрўғлидан айтди. Кунтуғмишдан айтди, Дада Кўрқутдан айтди. Айтаверди, айтаверди.

– Неччига кирдинг? – сўради бир бек, унинг қошига келиб.

– Еттига!

– Еттига кириб шунча кишини тўхтатиб турибсан, сен ўзи тоғдан тушдингми ё сени эна тукқанми?

– Кўкда тўртта юлдуз бор. Шуни бировидан келаётиб эдим, энам кўриниб қолди, тушиб қолавердим.

Будун қийқириб юборди.

– Энангни кўрган бўлсанг соғми, омонми? Соғ-омон бўлса, солимга белги бер, – деди бек.

– Йигит бўлиб кириб, йигит бўлиб чиқинглар! Кўлинг кучли, белинг қаттиқ, кўзинг ўткир, улоқ сеники бўлсин! Ана, белги бердим! – деди оқсоқол бахши.

Шундан сўнг бир қанча отлиқ йигит ялангга тўп бўлиб тўпланиб келишди. Кўпкари-солим бошланди.

Билга хоқон қозонганга бир ястиқ олтин, бир туя, бир қорамол, бир от атади.

Шунда Кул Тигин турган ерида туролмай, ўтирган ерида ўтиролмай деди:

– Оға, йўқ демасанг, мен кирай, қозонай.

Билга хоқон кулди:

– Сенга йўқ дермидим? Тўғрилиқча ололсанг ол, сеники бўлсин.

Кул Тигин ёй ўқидай учқур йигит эди. Тез учарди.

Алп эди. Сира кўркмасди.

Ўн ўқ, қирғиз отлиқлари шунда эдилар. Улар Кул Тигиннинг тўпга кирганини кўриб айтишдики:

– Кул Тигин кирса, бизлар кирмайлик.

Қирғизнинг алплари шунқордай бўлиб туришарди. Бошларига тумок кийишган эди. Баъзиларининг қушлари бор эди.

– Кўпкарида барча бир, – деди Билга хоқон, ўзиям киргиси келиб.

Ишбарага қаради-да:

– Сен кирма! – деди. – Кирсанг, улоқни биров ололмайдди. Сен улоқни ташлаб берақол!

Ишбаранинг кўз ўнгидан Кунсулунинг қизгин пўрсиллоқ юзи, ўтдай қараш кетмай турарди. Билга буйруғидан сўнг ўзига келди, боши-туёғи кесилган улоқ танасини кўтариб, отлиқлар орасига отиб юборди. Қий-чув бошланди, тўп отлиқ ўша томон оқди, орасидан Кул Тигин айрилиб чиқиб, бир эгилишда улоқни кўтариб олди-да, тақимига босди. Ўша ондаёқ ўзга отлиқлар орасида қолиб кетди.

Отлар кишнар, отлиқлар ҳайқирар, айти онда бир қанчаси Кул Тигин тақимидаги улоққа кўл чўзиб тортқилашар, бироқ йигит қаттиқ эди, йўл бермасди.

Қирғиз будун йигитлари ортга сурилиб олишди. Ўн ўқ ёвқур эди, тўпдан чиқишни истамади. Кул Тигин Азман отининг танаси узун, туёғи ингичка, ўзи учқур эди, эгаси билан бирлашиб кетган каби, қаршисидаги отларни тишлаб, олд туёғини кўтариб тепа-тепа ўзига йўл очди.

– Айланай Азманимдан! – деб бақирди Кул Тигин. – Бос!

– Бос!

Кул Тигин оти қўрдан айрилиб чиқди, яланг ўртасидаги нишонга ўқдай учди. Ўн ўқ отлиқлари унинг ортидан шамолдай елишса-да, Кул Тигинга ета олишмади.

Бўз йигит нишонга етиб, улоқни ташлади-да, айлана ясаб чопа кетди. От кизиб кетган эди, эгаси ундан-да қизғин, қони қозониш туйғуси ила кўпириб кетган, “Ҳа-а-айт” деб бақирарди.

Турган будун унга қўшилиб бақирди. Билга инисига кўкси қабашиб, севиб караб турарди. Ўзи-да, оти-да терга ботган Кул Тигин етиб келгач, инисини бағрига босиб манглайдан ўпди.

– Отагинамни ёдгори, қони билан қоним бир инигинам! – деди. – Кўзи ёмоним, асов ботирим! Тўғриликча қозондинг, сеники бўлсин!

Ачун Кулуг Тирик пийпаланиб, ўз тўриғи олдига келиб бўйнига уриб-уриб турган экан.

– Сен оқсоқол, нима қилмоқчисан?

– Солимга кираман!

Тўп кулиб юборди:

– Сени солимга отлиқ бўлиб эмас, улоқ бўлиб кирсанг тузук!

Кўпкари тугар-тугамас, бўз йигитлар ов синовига жўнашди. Етилмаган эрлар куш билан ов тутиб, куч синашишди. Етилгану уйланмаганлари орасида эса ёй отиш, тиғ уриш, кураш бўлди.

Қисқаси, будун яйради. Севиниб кулди, кўзи чакнади.

“Кеча очдан ўлаёзиб эдинг, бугун кўксинг қабарди, – деди. – Чўлиқ-жўжиғингни бети қизариб, ўзи семирди. Хотинларинг эт олди, соғлом бола туғди. Эрларингни билаги кучга тўлди. Бўш қўл билан ов тутар бўлди”.

“Энди яша!” деди.

“Бошингни тик тут, мангу яшайвер!” деди.

## **ИККИНЧИ БЎЛИМ. ТАБҒАЧ.**

Эрта келган куз ўт-ўланларни, оғочларни сарғайтириб олтинга буркаган, эзиб-эзиб ёмғирлар ёққан чоғда, табғач хоқони Ишанг Ликай Жангжу хоқонига сўзчи юборди.

Табғач хоқон ёрлиғи ила бораётган уч отлик қўйнида унинг шу сўзлари бор эди.

“Жангжунинг улуғ хоқонини Тангри ёрлақасин! Иш биз ўйлагандай бўлмади. Ўн ўқ, Тўққиз ўғуз, қирғиз будун кўктурклар билан бирлашиб, эллик минг қўшин тўплади. Қўрққан ишимиз бўлди: очидан ўлаёзган будун тирилиб, кучга кирди.

Бизга келган тингчининг айтганига кўра, туркий қўшин устимизга юришни кўзлаган эмиш. Қўшинимизга қарши эллик минг черик йиққан эмиш.

Туркий қўшинда яёв аскари йўқ, тез елувчи отларига миниб келмоқчи.

Уни келган ерида ер тишлатиб, тугал йўқ қилиш учун эллик минг эр юборишингни тилайман”.

Жангжу хоқон муни эшитиб, сўзчини қўниқ қилишни буюрди-да, кенгашчиларини йиғиб, узоқ кенгашди. Ҳа, туркий қўшнилари кучга киришди. Кенгашчиларидан бири Вэй хоқони қўлидаги Кур Шаднинг қилмишини эслади. Уларнинг тутуми белгили эмас, бошига бир ўй келса, ўлса-да, қолса-да урушга киравергайдир, деди у. Жангжу элининг табғачга кўмак бериши туркийга қарши урушга очганини англатади. Ким билсин, табғачларни енгиб, жангжу устига юриш қилиб қолишса-чи?

Икки кун кенгашди. Қисқа бўйли, хўппасемизлигидан бўйни кўринмай кетган ябғулардан бири Жангжу хоқондан сўради:

– Қўшинга йиғилиш буйруғини берайликми? Урушга кирамизми?

Жангжу хоқон уни эрмаклаб кулди:

– Қилич урай деса, бўйнинг йўқ, Ўйсизлигинг учун аллақачон ўлдирилгай эдинг, бўйинсизлигинг учун яшаб юрибсан-да!

Бошқалар бари кулиб юборишди.

– Нега кирар эканмиз? – деди хоқон. – Ўз этларини ўзлари еяверишсин!

Шундан сўнг ябғуларига турумни шундай англатди:

– Тупутдан Олти Ойгача бўлунгда ўнлаб туркий элат бор. Буларга қарши черик тортсак, ўша туркийлар-да кўзғалишади. Бирданига ўнлаб ерларда

урушишга тўғри келади. Жангжу қўшини кучли, қаттиқ қўшин, бироқ уларни энгиш бизга энгилишдай оғир бўлади. Табғач ўзи уришаверсин, энгилса, Идук сувининг у ёғини туркийлар эгаллаб олишади. Иш шу билан битади. Табғач энгса Кўтманни олади, бу бизга яна-да яхши бўлади. Беш-ўн минг қўшинни Табғачга юборайлик. Етиб бориб, бизлар илғорда келдик, ортимизда яна анча қўшин келмоқда, дейишсин. Ўзларини кўмакка келгандай кўрсатишсин, бироқ чопқинга киришмасин.

– Сўзинг тўғри, хоқон! – деди бошқа бир ябғу, унинг юзида бир қанча чандиғи бор, кўзи илонникидай қаттиқ, киприксиз кўзлари юмилмай қараб. – Ўқимнинг учи қон кўрмаганига кўп бўлди. Сен кунботар қўшнилари сўзладинг, улардан сўнг ортма-орт ясланган қирлардай бўлиб, бошқа будунлар-да бор. Кунчиқарда Тинси ўғли ётадиган тоққача, кунботарда Темир қопқа ортидаги ёвқур, ёвуз будунларгача шайланиб туришибди. Қаршимиздаги табғачни ураман деган улус киши юборса, у будунлар устма-уст, тўлқин-тўлқин бўлиб етиб келишади.

– Туркийларнинг қонини қиздирмайлик. Чучук сўз ила аврасак тузук...

Ўша кез Жангжу элида шундай сўзлашув бўлиб ўтди. Бир ўйга келишгач, табғач сўзчисини чорлашди, арава тўла олтин-ярак, кумуш ойна, ипак бериб, Табғач хоқонига шундай сўз юборди.

“Табғачнинг кўркмас хоқони Ишанг Ликай! Сен бир қанча урушларни қозонган энгилмас ботирсан. От минишдан бошқани билмайдиган, ёвуз эл сенга ёв бўла олармиди?”

Кўрик шуки, улар ялангда яхши чопишади. Шу учун қўшинни ўрмон оғзига тергайсан. Улар чопқин бошлашганида ўрмон ичига чекиниб, ўша ерда туриб ургайсан.

Сен уларни кўркмай қарши олавер. Жангжу черигига “Йиғил” буйруғини бердик. Тез орада кўмак етиб боргайдир”.

Етти кун ўтиб, сўзчи ўз хоқони қошига етиб келди. Жангжу хоқон ўйлаганидай бўлди: Ишанг Ликай кўмакчи қўшин етиб келишини кутмасдан, “Чопқинга ўзим кирақолай, саксон минг билан эллик мингни

енголмасмидим”, деб ўйлади. Бекларига, ябғуларига черикни йиғиш буйруғини берди.

– Ўлаёзган будун не қила оларди? Бизнинг тиғимиздан ўлгиси келган чиқар? – деб кенгашишарди табғач беклари, кўша-кўша патли тўшакларда ўтириб, момик болишларга ёнбошлаб. – Биз уларни шунча йил боқиб, корнини тўйдириб келдик. Энди бошлари кўтарилиб қолибдими? Тутқун ўғил-қизларини сўрабдими? У ўғил-қизларни ўзимиз ўстирмадикми, табғач ерида семириб, бетлари қизариб юришмадикми? Яхшилиқни билишмас экан. Манжанақларимизни шай тутайлик, ёнартошларни устига отайлик. оғир ёйларимиз-ла урайлик, ер юзидан супуриб ташлайлик... Уришқоқ эрларимизни устига юборайлик. Тезчопар отлари бўлса нима қипти, бизнинг эпчил эрлар занжирли тўқмоқни от туёғига шундай отишадикки, от ўмбалок ошиб бели синади. Тиғни шундай ўйнатишадикки, киши кўзи илғамай қолади. Ўлгиси келган биз билан ўйнашади!...

Совуқ тушган, изғирин эсарди. Қор оёқ остида қуён бўлиб ўйнарди. Шу совуқда черикка йиғилиш буйруғи берилди. Табғач чериги уруш буйруғини олди.

\* \* \*

Бу орада Ўн ўқ ўзига хоқон сайлади. Дедикки:

– Туркий будун, беклар, ўз уруғимиз. Ўнгда Темир Қопқадан Қангли элигача, ундан нарида Бешбалиқдан Тангрибалиққача, сўлда Тинси ўғли ётдиган тоққача бўлган улуслар! Кўз-қулоғингни очик тут, Билга хоқонга иш-кучингни бер!

Қирғизлар-да шундай қилишди.

Кул Тигин оғаси ёнидан айрилмас, кенгашишар, йиғилишар, Ўн ўққа кетишар ё Ўн ўқдан кўрикчи келар, қисқаси, бир нимани кўзлашар эди.

Билга хоқон темирчиларга мўл ўқ-ёй ясаттирди. Ўн ўқ отларини яйловга суриб келди.



Ёз бошида, кун чиқиб турганида ёмғир ёғди. Бўри бола туғди.

Ўнг-у сўлдан туман-туман эрлар йиғилиб келишарди. Бари бирдай, ёйи шай, ўзи чакнаб келди.

Яна, беклару ботирлар минг-минглаб сурув, подасини хайдаб келди.

Кишилар шундай дейишарди:

– Билга хоқон табғачни, ундан кейин жангжуни босар экан!

– Табғач кўпдан бери будунни тўзғитиб йўқ қилиб келган экан. Билга, сулув қизларимнинг, каттиқ ўғлонларимнинг қонини ерда қолдирмайман, депти.

Табғач Тан хоқони билан бирлашиб олибди. Шантунгдан ўтилса табғач ери экан. Ишанг Лиқай бош экан. Бирлашган қўшини саккиз туман, саксон минг экан.

Бир йилдан буён кўзчилар, тингчилар Табғач сари кетиб ер-сувини ўрганиб келар эканлар. Қайда ирмоғи, ўр-қири бор, билиб келишибди.

Табғач оғир ёй отар экан, олисдан урармиш. Аравалари бормиш. Арава ортига бекиниб, пусиб урармиш.

Яна, тўп-тўп бўлиб, жойидан аста жила-жила уришармиш.

Ёнар тошлари бормиш, уни манжанаққа солиб, ота-ота урармиш.

Кеч кузда Билга хоқон не ўйлагани аён бўлди.

Кеч кузда Билга хоқон будун улуғларини, бекларини ботирларини, алп баҳодирларини йиғди.

Иниси Кул Тигин, тарқат буйруқ беклари, ябғуси, ядғуси, шадлари яна ёнида эдилар.

## **БИЛГА ХОҚОН СЎЗЛАРИ**

Ҳа, икки шад, иниси Кул Тигин, йўриқчиси Тўнъюққ ёнида, сочларини ел ўйнаб-ўйнаб, элига, улусига боқиб, уни яхши кўриб:

– Ҳой, будуним! – деди.

– Ўз улусим! Сўзимни тугал эшит!

Тангри тоқдир! Мен – Тангри ёрлақан Билга хоқон, бу ерга ўтирдим.

Оға-иниларим, ўғлонларим! Бирлашган улусим, будуним! Ўндаги шад, апа<sup>43</sup> беклар, сўлдаги тарқат буйруқ беклар, ўғуз беклари, будуни! Қирғиз беклари, будуни!

Илгари то кун чиқишгача, ўнгда то кун ўртасигача, ортда кун ботишгача, сўлдан тун ўртасигача, унинг ичидаги будун отам Элтариш хоқонга бўйсунарди.

Отам Элтариш хоқон будунни бор қилиб, донғини кўтариб, ўзи учди.

Ул бузуғи йўқ турк хоқон Ўтукан чўлида бўлса, элига мунг йўқ эди.

Отамнинг иниси Қапаған хоқон-да кўкка учди. Ўрнига мен келдим. Анча будун кўп эттим.

Шантунгга қадар черик торттим, денгизга кичик тегмадим.

Ўнгда Тўққиз Арслонга черик торттим, тупутга<sup>44</sup> кичик тегмадим.

Сўлда Бийирку ерига черик торттим. Бунча ерга черик юриттим.

Ўтукан ерида яхши бошлиқ йўқ эмиш. Эл тутсак, Ўтукан ери соз эмиш.

Бу ерда ўлтуруб, Табғач будун бирла туз тоттим.

Табғач сўзи чучук, ўзи юмшоқ эмиш.

Олтин, кумуш, ошлиқ, ипак, барчин – қайғуланмай анча берур.

Чучук сўзи, юмшоқ қилиғи ила авраб, йироқ будунни анча яқинлатар эмиш.

Яқинида қўнгандан сўнг, эл ёмон биликни ундан ўрганар эмиш. Эзгу, билга кишини, алп кишини юритмас эмиш.

Бир киши янглишса, барча будунни энг яқинларигача қуритар эмиш.

Чучук сўзига, юмшоқ қилиғига алданиб, эй турк будун, ўлдинг!

Эслайсанми, эй будун! Бир бўлагинг ўнгдаги Чиғай йишига эмас, Тун ялангига қўнайин, дединг.

---

<sup>43</sup> Ана, апақи – улуг ёшли, муҳтарам. Баъзи шеваларда “апақи”, “опоқи” шаклида сақланиб қолган. (аба, абага)

<sup>44</sup> Тупут – Тибет.

Турк будун, яна бир бўлагинг, уни ёмон киши бошқарар эмиш. Шундай эмишки, йироқ эсанг ёмон совға бериб, яқин эсанг яхши совға бериб, шундай бошқарар эмиш.

Билик билмас киши у сабақни олиб, яқинлашиб, яна анча кишинг ўлди.

У ерга борсанг, Турк будун, ўлажаксан!

Ўтукан еринг бўлса, қайғу, мунгинг бўлмас!

Ўтукан йишинг бўлса, мангу йўл тута яшаяжаксан!

Турк будун, тўқмисан, очмисан?

Очликда, тўқликда эмассан. Бир тўйсанг, очлигингни унутасан. Бир очқасанг, тўқлигингни унутасан.

Шундайлигинг учун эшитмадинг. хоқонингни сўзини олмадинг.

Ер сари бординг, унда кўп уриндинг, ариқладинг. Унда қолганлар ер узра кўп туриб, ўлиб юришди.

Тангри ярлақагани учун, ўзимни қутим бор учун, мен хоқон бўлдим.

Хоқон бўлиб йўқсул, чиғай будунни бой қилдим.

Оч будунни тўқ қилдим, оз будунни кўп қилдим.

Ҳой будун! Айт, бу сўзимда ўтрук борми?

– Йўқ! Йўқ! – денгиздай чайқалиб гурлади будун.

– Бекларим, будуним, муни эшит!

Юқорида Кўк Тангри! Остда қора ер қилинди, иккиси аро киши ўғли қилинди.

Киши ўғиллари узра менинг оталарим – Бумин хоқон, Истами хоқон ўтирди.

Ўтириб, турк будунининг тузукларини тутабердилар, этабердилар.

Тўрт ёни ёғий эмиш. Уруш қилиб, тўрт ёндаги будунни олмиш, бўйин эгдирмиш.

Боши борини бошини эгдирмиш, тизи борини тизини чўккалатмиш.

Илгариде Қодирқон йишгача, кирувда Темир қопуғга қадар қўндирмиш.

Иккисини орасида эди ўксуз кўк турк, энди ўлтирар эмиш.

Хоқони билга эмиш. Алп хоқон эмиш.

Буйруқчилар-да билга бўлган бўлса эмиш, алп билга бўлса эмиш.

Беклари, яна будуни, яна тўғри эмиш, шунинг учун анча қўл тутган бўлса эмиш. Қўл тутиб тўғрилиқ этмиш.

Менинг отам Элтариш хоқон ўлди. Ўзича ўлди.

Йиғловчилар, сиқтовчилар, ўнгдаги кун чиқишда чўлли Бўкли<sup>45</sup> эли, табғач, тупут, қирғиз, уч қириқан, ўғуз, татар, хитой, татаби, найман – мунча будун келиб сиқтамиш, йиғламиш.

Шундай кўркли хоқон эди!

Шунда кичик иниси хоқон бўлди.

Кичик ўғли-да хоқон бўлмиш экан.

Шунда кичик иниси оғасидай қилмабди экан. Ўғли отасидек қилмабди экан. Биликсиз хоқон бўлган экан, ўйсиз хоқон бўлган экан.

Буйруқчилари-да биликсиз экан, ўйсиз экан,

Беклари, будуни тўғри бўлмагани учун, қинғирлиги учун, инилари-оғалари ўзаро урушганлари учун, беклари, будунлари урушганлари учун – Турк будун эллашган элни бузғун этмиш.

Хоқони бўлган элни бузмиш.

Табғач будуннинг қаттиқ ўғиллари кул бўлди. Сулув қизлари чўри бўлди. Турк беклар ўз отини йўқотди.

Табғач бекларининг отини тутди. Табғач хоқонга бўйин эгди. Эллик йил унга иши, кучини берди.

Илгари кунтуғишда Бўкли хоқонга қадар уруш қилармиш. Ортда Темир қопуғга қадар уруш қилармиш. Энди Табғач хоқонга элининг тўрини бериб қўймиш.

Қора қамуғ турк эли бундай демиш:

“Элли будун эдим. Элим қани?”<sup>46</sup>

“Кимда эл қозонаман”, дермиш.

Хоқонли будун эдим, хоқоним қани?

---

<sup>45</sup> *Корея шимолидаги Когурё давлати.*

<sup>46</sup> *Яъни: “Давлатли будун эдим. Давлатим қани?”*

Қайси хоқонга ишимни, кучимни берайин, дермиш.

Шундай деб Табғача ёғий бўлдинг.

Ёғий бўлиб, ҳеч нарса эта-ярата олмай, яна бўйин эгдинг. Бироқ бунча ишингни, кучингни беришни истамадинг.

Турк будун: «Бундан кўра ўлайин! Уруғимни куритайин», дер эмишсан. Йўқолиб борур эмишсан.

Юқорида Кўк Тангриси, Турк идук, қутлуғ ери, суви бундай дермиш:

“Турк будун йўқ бўлмасин, – дермиш. – Мангу яшасин”, дермиш.

Мен эса, отам Элтариш эса, йўқ бўлмасин, дедик. Онам Эл Билга хотунни Тангри устга кўтармиш экан.

Отам хоқон ўн етти йигит билан чиқмиш. Тошда юрур деган сўзни эшитиб қуйидагиси чиқмиш, тоғдагиси тушмиш, терилиб етмиш йигит бўлмиш.

Тангри куч бергани учун отам хоқон кучли арслондай бўлмиш. Ёғийси кўйдек бўлмиш. Илгари, ортга босиб турмиш будунни кўтармиш, бариси етти юз бўлмиш,

Етти юз эр бўлиб, элсираган, хоқонсираган будунни, қул бўлган будунни, тўрусини<sup>47</sup> йўқотган будунни, ачам, дадам тўрусига қовуштирмиш, ўқитмиш.

Тўлғиш, тардуш ябғусини, шадини анда бермиш.

Ўнгда Табғач будун ёғий эмиш. Сўлда Бўз хоқон, Тўққиз ўғуз будун ёғий эмиш.

Қирғиз, кўриқан, ўғуз, татар, қитан, татаби ёғий эмиш.

Отам хоқон қирқ етти марта юриш қилмиш, йигирма уруш уришмиш.

Тангри ёрлақгани учун, ёғийни элини элсиз этмиш, хоқонлигини хоқонсиз этмиш. Енгмиш, тизини чўқтирмиш, бошлиғини бўйин эгдирмиш.

Эй воҳ, отам хоқон шунча эл-юрт қозониб, ўзи уча кетди.

Отам хоқонни бошига Бўз хоқонни балбал тикмиш, ул тўрда эса отамнинг иниси Қапаған хоқон бўлмиш.

---

<sup>47</sup> Тўру, тўра – қонун.

Отамнинг иниси хоқон бўлиб, турк будуннинг йигитини йиғиб кўтарди.  
Чиғайини бой қилди, озини тўқис қилди.

У хоқон бўлгани чоғ ўзим Тардуш будун узра шад эрдим. Қапаған хоқон бирла илгари Яшил ўғуз Шантунг чўлигача уруш қилдик. Ортда Темир Қопуғгача уруш қилдик. Кўгман оша қирғиз еригача уруш қилдик. Бариси йигирма беш кез юриш қилдик, ўн уч кез урушдик.

Элли будунини элсиз қилдик. хоқонлигини бўйин эгдирдик. Тизини чўқтирдик, бошлиғини бўйин эгдирдик...

Туркеш хоқон туркимиз, будунимиз эди. Билмаслиги учун, биздан енгилгани учун хоқони ўлди. Буйруқчи беклари яна ўлди. Ўн ўқ будун қийнов кўрди.

Ачамиз, дадамиз тушмиш, ер-сув эгасиз бўлмасин, демиш.

Оз будунни этиб яратган Барсбек эди. Хоқон отини бунда биз бердик, кичик синглимизни бердик. Ўзи бузуқ экан, енгилди, хоқони ўлди. Будунни кул бўлди...

Билга хоқон кечмишни сўзлар экан, бундан кейинги сўзлари ҳудди кўкда момогулдурак гумбирлагандай, тошлар юмалагандай, арслонлар ўқиргандай, сувлар тошиб сел бўлгандай янгради:

– Ҳой будун! Тингла! Устдан Тангри босмаса, остда ер ёрилмаса, ҳой будун, элингнинг тўрини ким буза олур?

– Ҳеч ким! Ҳеч ким! Ҳеч ким!

– Турк будун, ўкин! Кўргулигинг учун, хоқонингга, юқорилаган эзгу элингга ёмонлигинг учун енгилдинг, тубанлашдинг.

Ярақлиғ қайдан келиб ёвга отди сени?

Санжақлик қайдан келиб сура олди сени?

Улуғ Ўтукан йиш будун бординг, илгари бормаган эдинг, ортга қарамасдан бординг.

Борган ерингда эзгу шу экан: қонинг сувдек оқди, сўнгагинг тоғдай ётди. Қаттиқ ўғил боланг кул бўлди, сулув қиз боланг чўри бўлди!

Билмаганинг учун, тубанлигинг учун, отам хоқон кўкка учди.

Бошига қирғиз хоқонни балбал тикдим. Турк будуннинг оти, донғи йўқ бўлмасин, дедим.

Отам хоқонни, онам хотунни Тангри кўтармиш эди.

Эл берадиган – Тангридир! Турк будуннинг оти, донғи йўқ бўлмасин, деб хоқон этган экан.

Ҳой будун! Мен бой будунга бош бўлмадим! Ичи ошсиз, таши тўнсиз, ёвуз, аянч будун узра ўлтирдим.

Иним Кул Тигин бирла сўзлашдим. Отамиз, дадамиз қозонмиш. Биз-да қозонайлик. Будуннинг оти, донғи йўқ бўлмасин, дедим!

Ўтдай ёниб-ёниб сўз айтган Билганинг деганларини будун гувлай-гувлай тингларди.

Шунда ўртага Билга Тўнюқуқ чиқди.

Тўнюқуқни кўриб эл олқишлаб юборди. Қадди эгик, сочлари тўкилган, олдин Элтариш хоқоннинг, сўнг Билга хоқоннинг йўриқчиси бўлиб келган бу билгич, ботир кишининг овози қаттиқ чиқди.

Тўнюқуқ шундай деди:

– Ҳой будун, сўзимни тингла!

Билга хоқон тўғри сўз айтди. Билга хоқон билиб сўз айтди.

Ўтмишингга қара. Бу кунингга қара. Эртан кунингга қара.

Хоқонли эл бўлдинг. Ер-сувли эл бўлдинг.

Эл бўлганингни ўзинг билмадинг. Киши ўғли ўз-ўзидан бирикиб эл бўлиб қолмас экан. Элни Тангри этар экан.

Бириксин-кўпайсин деб, унга хоқон берар экан.

Ҳой эл! Тўғри бўлсанг, тўғри хоқон берар экан. Эгри бўлсанг эгри хоқон берар экан.

Ўзинг тузук будун бўлмасанг, нега сенга тузук хоқон берсин?

Ининг билан, оғанг билан уришсанг, нега сенга ботир хоқон берсин?

Ўзинг ўксик бўлсанг, ўксиз бўлсанг, нега сенга алп берсин?

Бир-бирингни эзсанг-янчсанг, нега сенга сени кўтарадиган хоқон берсин?

Бумин хоқон Кўк Тангриси ёнига учди. Истами хоқон Кўк Тангриси ёнига учди.

Эзилиб лой-тупроқ бўлиб ётганигда Элтариш хоқонни берди. Сўнг Билга хоқонни берди. Билга хоқон ўзи қийналмасин деб ёнига иниси Кул Тигинни берди.

Сен алп будунсан! Сен ботир будунсан!

Мен айтаман, Билга хоқонга ишингни-кучингни бер! Нима деса шуни қил.

– Ишимизни-кучимизни Билга хоқонга бердик! – деб гуриллади улуслар.

– Унда кунчиқарда ёйилиб ётган будунга кўрик юбор! Кунботарда ётган будунга кўрикчи юбор! Бари йиғилиб келсин.

Билки, эр учун ўлим – будуни учун ўлмоқдир!

Савашда ўлса, будуни учун ўлган бўлади.

Бори улусларга киши юбор.

– Табғачни босайлик!

– Табғачни босайлик!

Ўр-қирлар бу гулдуроқдан титраб кетди.

Кўкси кўтарилган будун энди кўнғир ер узра қони оққан болаларининг хуини сўради. Олиб кетилган қизларининг, кўкламда кўклаб чиққан чечакдай чоғида аёвсиз ўлдирилган жўжиқларининг, ача-дадаларининг ўчини тилади.

Йиғин тугаса-да, будун тарқалмади, тўп-тўп бўлиб тураберди. Тойчоқдай ўсмирлар, энди билагаи кучга тўлаётган йигитлар, етилган эрлар, кўркмас баҳодирларнинг бари ўзаро кенгашар эдилар.

Кўкка Қорақуш юлдузи чиқса-да, будун ўтирмади.

## ТАБҒАЧГА ЮРИШ

Ўтукен йишга ботирлар гурос-гурос йиғилишиб кела берди.



Қирғиз хоқон, Ўн ўқ будун киши юбориб, табғачга қарши Билга хоқонга кўшилишини айтди.

Билга хоқон дедик, Кўк Тангри бизни ёрлақасин. Еримизни босган табғач, ёвуз эди. Ўғлимизни, қизимизни олиб кетгани ёмон эди. Табғачнинг ўзи бошдан-оёққача тузук эмас, тўғри эмас. Тангрили элидан айрилиб, жангжуга бориб кўшилди. Жангжунинг барчинига, олтин-кумушига, юзи консиз хотинларига учди, авранди.

Ерни Тангри берган бўлса, ўғил-қизни бермадими? Ерга эга бўлай десангиз, ўғил-қизингизга эга чиқмасмисиз?

Тангри тоқдир. Тўғри элга кўмак бергайдир. Ўйингиз тўғри бўлса енгилмайсиз.

Тоқ Тангри истаса, кўмак бермоғи кулайдир.

Табғач саксон минг кўшини билан чиққай. Табғач жангжулардан оғир ёйларни, тош отадиган ёйларини, темир араваларини олган. Билинг, у тўп бўлиб уришгайдир. Тикка-тикка, юзма-юз уришолмайди. Табғач шоқолдай уришади, тўп-тўп келади, тўпини ёрсангиз, ёйсангиз, қўрқиб, увлаб қочади.

Табғач аврайди. Авроғи билан оздирувчи озиқчига ўхшайди. Тутун чиқариб ўзини бор кўрсатади, қарасангиз йўқ бўлади. Табғачни авроғига учмайсиз. Мен не десам шуни қиласиз!

Ўн ўқнинг йигирма минг, қирғизнинг ўн минг чериги, уриш аравалари терилди. Йўлчилар йўл танлашга, кўрикчилар у йўлларни кўришга кетишди.

Ишбара ямтар лапанглаб юрар, оғзи қулоғида эди.

– Мана энди эр кишига ўхшадик, – дер эди.

– Нима эди у кунимиз, молдай ўт чайнаб ётардик, балчикқа қорнимизни бериб?

– Ҳой-ҳой, – дер эди. – Эр киши еб-ичиб ётаберса, ҳўкиздай бўлар эмиш. Ёв келиб бўғизлаб, сўнгагини итига берар эмиш. Эчкидай, қўйдаи бўлар эмиш, бироқ эр бўлмас эмиш.

– Ўч олайлик!

– Ўч олайлик!

Будун “Ўч!” дея хайқирарди.

Шунда қўшин саноғи эллик минг экани билинди. Бунча эрнинг қорнини не ила тўйдиргайсан? Билга хоқон ерни чўп билан чизиб Табғач ерини кўрсатди, “етиб боришга ўн кеча-кундуз кетса, – деди, – беш-ўн минг мол-қўй керак”.

Қиш бошида юришга келишилди. Қирғизу татаби, Ўн ўқ-у ўғиз беклар жонлиқ сўйишди. Беш минг мол-қўй сўйилганини кўз ўнгингизга келтиринг-а! Кеча-кундуз эт пиширилди. Этлар терига ўралиб хуржунларга солинди. Бир отликқа ўн кунлик ош-озиги берилди. Отларнинг емиши ўрнига тарик олинди.

Билга хоқоннинг қайнотаси, етмиш ёшли Билга Тўнжук дедики, “Устию ости оқ булут қорни осилган қўйда сурғалиб келди. Тоғда қашқир, қирғовул қичқириб йиғлади. Бу қаттиқ совуқ белгиси. Ўзингизга, отингизга пўстак олинг. Икки-учтадан тумоқ олинг. Кўксингизни, елкангизни ёпгани пўстак-кигиз олинг. Илкингизга билакка етгудай қўлқоп олинг. Оғиз-бурнингизни тўсгани бир нима олинг. Ўзингизни совуқ урдирманг!”

“Қўй ёғини эритинг, ғоз ёғини эритинг. У билан қўл-оёғингизни, этигингизни, ёй ипини мойланг”.

Шундай ўғитлар берди.

Темирчилар темирини аравага юклаб, ортдан келар бўлди. Ёйчилар, ўқчилар, ошлиқчилар-да ортдан келар бўлди. Йилқичилар салт отларни хайдасин, дейилди. Билга хоқон дедики, бола-чақа, ёши улуғлар қолсин. Хотинлар қўшин билан чиқсин, ош-озиққа қарасин. Эри ё боласи ўлса йиғласин, сиқтасин, йўғини қилиб йўқлаб кўмсин.

Будун хотинлари ёй отишни, қилич чопишни муштдайлигидан билишар эди. Хотинлар айтишдики, биз-да борайлик. Бироқ эрларимизни кўмгани эмас, уришгани борайлик.

Шунда Билга хоқон суюниб кулди. Кўк топ-тоза эди. Кўкка қараб қаттиқ хайқирди.

– Эй будунимнинг Тангриси, Тангрим! – деди. – Бу улусни ўзинг доврүкли қил! Сира йўқ қилма, мангу яшат!

Билганинг хайқириғидан сўнг кўк четига булут чиқди. Будун у булутни кузатиб турди. Булут етиб келди, ёйилди, кўкни энлади. Кейин қаттиқ чакмоқ чакди, яна қор ёғди. Ўтовларни, йилқиларни, кишиларнинг уст-бошини коплади. Эрлар бош-кўзи қордан оқариб, бақириб юришди. Ичида ёғи қизиган йигит-яланг қорга юмалади, қиз-келин тилини чиқариб қорни тутишга уринди. Бир ёнда уруш булутлари будун устига бостириб келган бўлса, бир ёнда қор кишилар кўнглини чоғ қилди.

\* \* \*

Ўша ёғиш аро юришга буйруқ берилди. Буйруқчилар, сўзчилар ўнгу сўлга от чоптириб кетишди.

Кўрик шундай эди: илғорда Билга хоқон боради. Ортдан Ўн ўқ будун, сўнг қирғиз будун юради.

Ошлиқчиси, темирчиси ўз кўшини ортидан келади. Будун ошлиғини ўзи қилади. Кун чиққанидаю ботганида сўзчи юбориб, турумани билдириб туради.

Шундай йўлга чиқди кўшин.

Кўгман тоғи ошиб ўтилди. Кўгманда қор яна-да мўл эди, ўтиш яна-да қийин бўлди. Ўзлари билган йўл – Ани сувидан ўтилиб, Сарман суви кечилди.

Бешинчи кундуз Йарис чўлига етилди. Йарис чўлидан кейин Табғач ери эди.

Йарис чўлидан чиқилиб, бир ёнда ўрмон кўрингач, шунақанги қаттиқ совуқ тушдики, ёйга қўл тегса, жиз этиб ёпишиб қоларди. Изғирин кулоқ-бурунларни чимдиб-ўяверди. Балчиқ аралаш қор музлаб, тошга ўхшаб қолди.

Табғач будун ўрмонни орқа қилиб йиғилган экан. Черигининг тўши қор остида қолган буталардай бўлиб турарди. Бу совуқда титраб-қақшаб, ўтлар ёқиб олишибди. Уриш олдидан кўшини исина бошлабди.

Қўшин ябғуси Ван Жунг деган киши экан. Отаси туркий будундан, онаси жангжу будундан эмиш.

Табғач бўлугини ўн мингдан тузибди, ундай бўлуклари саккизта экан. Узун оғочга яловини, туғини осиб олишибди.

– Ялов шунча кўп бўлар эканми? – деди Ишбара ямтар, кўзини қисиб, узоқдан табғачга қараб. Табғач кўрингач, туркийлар ёйилишди. Ортда бир нима қаттиқ гувларди. Йигирма минглик Ўн ўқ чериги етиб келиб, сўл канотни олди. Ўн минглик қирғиз чериги ўнг канотни эгаллади. Ортидан Тўққиз ўғузнинг икки шади йигитлари билан етиб келди.

Билга чамалаб, деди:

– Табғач айланиб уришга йўл қолдирмабди. Ортидаги ўрмонга чекинишни кўзлаган чиқар? Айлана уришга ўтсанг, икки бўлук орасида қолиб кетасан. Шу сабаб, ўртадан ёриб уришгайсан. Бироқ, отингни турдирмайсан, бўйнига ётиб чопасан, ўқдонингни елкангга эмас, от бўйнига боғлаб чопасан. Ётиб ўқ урасан, ўзингни урдирмайсан. Ўн ўқ сўлдан уради, қирғиз пойлоқда турсин. Биз ўнгдан урайлик.

Табғач бўлуги от устига қирмизи бахмалларни ёпиб, ясатиб олишган экан. Туркийлар уни кўриб, оғизларидан буғ чиқариб кулишди:

– Чопқинга от ясатиб кирилгайми? Қош-кўзингни хотинлардай бўяб кирақол!

Табғач ботирлари сийрак соқолини қизилга бўябди. Ботирлари бир иш қилмас экан, чериги иш қилса, ғўдайиб юрабергай эмиш. Туркий алплари ундай эмас эдилар, эрлар юмушга тутинса, қўшилиб бирдай эмгак беришарди.

Табғач кўринар ерга оғир ёйларини келтирди. Ёйни уч-тўрт киши тортар, ўқи уч-тўрт қулоч эмиш. Бўлуклари узун ёғочга қозон бойлаб, ичига тош тўлдириб чиқибди. Кўкка қора тутун ўрларди.

– У тутун нимаси? – сўради Ишбара, табғач не учун ўт ёққанини англаёлмай. – Ўтин тутуни кўк бўлгай эди. Бу қора-ку?

– Ёнартошларни ёқиб, манжанаққа солиб бизга отмоқчи, – деди Билга Тўнюқук. – Табғачнинг ишларидан бири шу.

– Ёнартошингга-ю манжанағингга сени! Бизни ўчоқдаги ўт билан кўрқитмоқчимисан? – аччиқланди ўтдай ёниб турган Уюқ Тарлак.

– Сени эмас, отингни кўрқитмоқчи.

Саккиз бўлук ёйилиб кетганидан, не қилаётганини кўриб бўлмасди. Билга хоқон ўнгу сўлда кўзчилар юбориб, турумни билиб турди.

Шу он табғачнинг ўрта бўлугидан беш-олти отлиқ айрилиб, шу ёққа келаберди. Совуқ қотганидан пўстини устидан яна пўстин кийиб олишибди, шу учун ошиғич семиз кўринишарди. Ёвуқ келганида бирининг отининг туёғи музга тойиб ағанади. Ортда келаётгани от унга қоқиниб, иккинчиси-да эгаридан учиб тушганида кўшин гуриллаб кулиб юборди.

Билга хоқон улар қаршисига Кул Тигинни, Тўнюқукни, Ишбара ямтарни чиқарди. Улар билан яна уч ботир борди.

Мана, табғач ботирлари билан будун ботирлари қарши келишди.

Ишбара икки ўрим кокилли табғачларга қараб тек турарди.

– Мен Табғач элининг ботири Сун Лу бўламан! – деди тулки тумоқли, кокилли табғач, тишлари совуқдан такирлаб, қўлларини оғзига тутиб куҳ-куҳлаб, кўзи мўлтайиб. – Не учун табғач ерига черик тортдингиз? Олтин-кумуш, идиш-оёқ тиласангиз берайлик. Чўри, кул тиласангиз, уни-да берайлик. Уришга кирмайлик. Сиздан кўрқмаймиз, ябғумиз Ишанг Лиқай сизни тарикдай сочиб ташлашини биламиз. Қон тўкилмасин, демоқдамиз.

– Ия? Болаларимни берай, бироқ мен билан уришма деяптими? – деди Ишбара, оғзидан паға-паға буғ чиқиб, дир-дир титраётган отининг бўйнига ура-ура. – Тоза олчоқ экан-ку бу?

– Жангжу билан кўшилиб олиб кетганингиз жўжиқларимизнинг хунини сўрагани келдик, – деди Кул Тигин, кўзлари чакнаб. – Қанча бўлса шунчасини қонини оқизгани келдик, сен нималар деяпсан?

Табғач ботирининг кўзига у ўспирин бўлиб кўринди. Ёш бола билан гаплашгиси келмай, Ишбарага қараб:

– Сени биламан, Ишбара ямтарсан, – деди. – Табғач хоқон барчани кўриб турибди. То кўшин билан келдингиз, энди кайтишингиз йўқ. Бирок Табғач хоқон таналардан қон, терилардан тер чиқмаслиги истади. Тиз чўксангиз, қайтиб кетишингизга кўйиб беради, йўкса ўласиз-кетасиз.

– Кўп минғирлама, – деди Ишбара ямтар. – Бошинг ўрнидами? Ё телбамисан? Ябғу бўлсанг Кул Тигин билан сўзлаш, ямтар билан нега сўзлашасан?

– Қиз-ўғлонларимизнинг хуини тўлайсан, шунда элингни тўздирмаймиз, бирок эрларингни ўлдирамыз, – деди Кул Тигин.

– Унда ўлаверинг! – табғач ботири терс бурилиб, отини ликанглатиб қайтиб кетди.

Кул Тигин-у Билга хоқон жилмайиб туришар, нима учундир икковининг димоғи чоғ бўлиб кетган эди. Ишбара англаёлмай, буни чопқин жунбушига йўйиб уларга ёвуқ борган эди, Билга хоқон юз-кўзи кулиб деди:

– Табғачни кўриксизлиги шундан билингай. Кўк териси шилинди, ости оқариб, кун кўринди. Совуқ яна-да қаттиқ бўлади. Табғачнинг биронта чериги кўригини қилмабди.

– Турумини кўр, совуқда музлаб, устма-уст пўстин кийиб олибди.

Ишбара бош лиқиллатиб, яна ўз тўпига келиб кўшилди.

Шундан сўнг табғач ўртаси қизил доғли улкан довуллариини илғорга олиб чиқди. Беш-олти киши уни ёғоч тўқмоқ билан ура кетди. Кейин чийиллаган овоз чиқди, у табғач жангга кирганида чаладиган тушунарсиз чолғу экан. Шундан сўнг табғач чий-чий қилиб, тизилишиб келаберди.

Будун ёйилди, табғач унга мослаб бурила бошлади. Оғир ёйларини отди, ёнартошларини отди. Туркий черик ёйилиб олгани учун иш чиқмади, ёнартошлар қорда ўчиб қолди. Эрлар отини елдириб, ёнлаб ураверишди. Ортдан келган Ўн ўқ-да шундай қилди. Табғач қаршисига қирғиз будун тиккамасига чиқиб келди. Булар отда қаттиқ ўтирадиган, тўғрисўз, тикбош, қайтмас улус эди.

Ёйлар олинди, ўқлар жойланди. Айни дамда Билга хоқон:

– Товуш чиқарувчи ўқларни олингиз! – деди.

Қўшинда товуш чиқарувчи ўқлар бор эди. Учи юмалоқ, икки ёнида тешиги бор у ўқлар ёвга тегса яраламас, бироқ отилганида қаттиқ сас чиқариб учарди.

Шунча черик шунча ўқ отганини кўз ўнгингизга келтиринг-а!

Минглаб товуш чиқарувчи ўқлардан кўк қорайди, табғачлар устига кўкдан боши-охири йўқ, ўзлари қўрқадиган аждардай бир нима тушиб келаётгандай бўлди. Уни не эканини англаб етишгунча, туркий черик ёв устига оқди.

Буни сел деса бўларди. Табғач ёнма-ён келган уч тўлқин қаршида қолди: ўқини тўғрилагунча анча отлиқ елдай учиб, уриб ўтиб кетар эди. Ишанг Лиқай довдираб қолди, кейин оғир ўқларини тўғрилаб, қирғиз будун устига юришни буюрди. Табғач аравасини судраб қирғиз будунга тўғри юраберди. Шунда қирғиз будун-да айлана чопишга ўтди. Табғач қўшини ёйилиб кетди, бўлуклари буйруққа бўйсунмай, чопаётган отлиқларга ўқ уришга тиришарди, кўзига ёлғиз шу бўлуклар кўринарди, Айни дамда ёндан келган бошқа бўлук уларни уриб ўтарди.

Уруш ўти борлиқни бирдай ёндирди. Билга хоқон ўртада эди. Иниси Кул Тигин ўт-оловдай эди, ўз оти табғач санчқисидан ағанаб питирлаб қолганида Ишбара ямтарнинг бўз отига миниб уришди. Яроғига, совутига юздан ошиқ ўқ урилди, бироқ ўзини ўлдиртормади. Ишбаранинг оти у ерда ўлди, шунда Кул Тигин Тодикон Чурунинг саман отига миниб яна урушга кирди, у отнинг бели синди. Уюқ Тарлақнинг қадимлиғ тўриғига миниб яна ёвга ташланди. Кул Тигиннинг ботирлиги барчани жўштириб юборди. Шундай бўлдики, Кул Тигин ёвуқ борса, табғач қоча бошлади.

Бироқ, ёв қўшини Ани сувидай гувлаб оқарди. Гуруллаш кулоқларни битирди, ўлдирмоқ истаги иккала будун эрларининг қонини кўпиртирар, кўзларини ёвдан бошқани кўрмас қилиб қўйган эди.

Ишбара отини Кул Тигинга бергач, ўзи елкасидан ўқ еган Яган Силигнинг ўқларини олди-да, унинг тўриғини миниб яна сўқишга юз бурган

эди, ортда булутдай бўлиб от чоптириб келаётган будун хотинларига кўзи тушди. Улар орасида Кунсулувнинг таниш қадди кўзга ташланди.

– Ҳой, ортингга қайт! – деб бақирди у бор овози билан. – Кунсулув! Қайтинг ортингизга!

Хотинлар эрлардан қолишмас эдилар. Ишбара ўзига ёвуқ келаётган табғач отликларини кўргани он, отини улар сари бурди. Бу полвон киши қаршисида табғачлар ушоқдай кўринарди. Қалқонига уларнинг бир қанча ўқи санчилгунча бўлмай, табғачлар устига етиб борди, бирини шундай урдик, оти устидан учиб кетди. Бояги тулкибош кокилли Сун Лу билан беш-олти яёв табғач чопиб келар эди. Ишбара уларнинг занжирли тўқмоқларини илғгани он отидан тушиб, салт кўйиб юборди. Занжирли тўқмоқни отнинг туёғига қарата отар эдилар. “Ҳе-е энангди эмгурлар” дея хайқириб, чунон санчдики, бир табғачни илиб олди. Бироқ кучлар тенг эмас, бир Ишбарага яна уч табғач қарши турарди. Ишбара кучи ўзига сиғмай, олға ташланмоқчи эди, қаршисида нимагадир оғзи қийшайиб қолган Сун Луни кўрди. У ўз тилида бир нима деб бақириб, қиличини кўтарган ерида бир нима қаттиқ қарсиллади, бу – совутни тешиб ўтган учли ўқ товуши эди. Сун Лу кокилига ўралашиб, гезариб ерга йиқилди, оғзидан кўпиги келиб қолди.

Ишбара ортига ўгирилганида, уч одим ортда ёйини тутиб, юлдуздай чакнаб турган Кунсулувни кўрди.

– Айланайин сулувимдан! – деб бақирди Ишбара.

Кунсулув тугал ўзгариб кетган эди. Юзи қизариб, отда қаттиқ ўтирар, кўзлари арслон кўзидай ёнар, Ишбара ҳеч кўрмаган ўзғирлик чакнарди.

– Сени севаман, Ишбара ямтар! – деб қичқирди қиз, ёйига бошқа ўқни жойлаб, яна бир табғачнинг юзига урди. Ўқ табғачнинг юзига шунчалар чуқур кирдики, ўқни чиқаролмай ерга ётиб типирчилай кетди.

Ишбара чопасолиб Кунсулув отининг жиловний қўлга олиб, бошини ортга бурди:

– Сулувим! Ортга қайт! Ўзим ер тишлатаман барини!



Қиз отининг сағрисиға ей ўқининг ёни билан қаттиқ урган эди, от қизни олиб, ортга ўқдай учди. Қуйида яна салт чопаётган Уюқ Тарлақ отини қувиб етиб, унга сакраб миниб олди.

Хотинлар урушга кирганини кўрган эрлар жўшиб кетишди. Энди очунда бу будунни енга оладиган бирон бир куч йўқ эди!

Ишбара теграсига аланглаб, Булутни анча табғач ўраб олганини кўрди. Ора олис эди, Ишбара елдай учса-да, етиб боролмасди. Булутнинг дубулғаси бошидан учиб кетган, чинқира-чинқира ёв билан солишарди. Ана, унинг энсиз болтаси табғачнинг пешанасидан тиккасига ёриб тушди. Суякка чуқур киргани учун Булут болтани қайтариб чиқариб ололмади, ўша захоти табғачнинг кичик қиличини ола, энгашиб ёнидаги табғачнинг сонига тиф урди, отининг ёнбошига паналаб, ўзга бир табғач отининг биқинига тикқани он, яна бирининг темир тўқмоғи бошига куч билан урилди.

– Булу-ут! – деб томоғи йиртилгудай бақариб елар эди Ишбара. – Булу-ут!

Йўқ, Булутга тўқмоқ тегмагандай эди. Оти мункиганида остида қолди, питирлаб остидан чиқди-да, ерда ётган бир табғачнинг санчқисини олиб, отлик табғачларга ташланди. Шу дамда ёнида бир от бўлсайди! Не ёзуқки, оти йўқ, табғач Булутни яна ўраб олган эди. Мана шу ўров аро Булутга ўнлаб ўқлар қадалди, танаси жайрадай бўлиб қолди, шу туришида чалқанчасига йиқилди.

Ёндан тўфондай бўлиб Кур Шад елиб келар эди.

Икки ботир елиб келаётганини кўрган табғачлар тирақайлаб қочишди. Кур Шад кетма-кет ўқ узиб бирини йиқитди, Ишбара Булут ёнига етиб келганида, Кур Шад отидан тушмай, уни пана қилиб турди. Ишбара Булутга эгилди:

– Булут! Иним!

– Ишбара... Оғам... – деб шивирлади Булут. – Мен ўляпман...

– Сен ўляпсан! – хайқирди Ишбара, юзига теккан қилич ярасидан қони оқиб. – Баҳодирим Булутим!

– Ишбара! – деди Булут аранг шивирлаб. – Биз енгдикми?

– Енгдик, Булут! Табғачни энасини кўрсатдик!

– Улус энди эрклими?

– Энди тугал эркли, Булут!

Булут сўнг бор тин оларкан:

– Қизқувдидаги ой қиз эсингдами? – деб сўради.

– Ҳа, Булут, эсимда...

– Айт... – деди Булут, кўзи оғиб-оғиб. – Кўкда бир шунқор учмоқда. У мени олиб кетгани келмоқда... Унга айт... Мен уни ... севардим...

Ана шунда Ишбара кўзидан ёши оқиб, ҳайқириб ўрнидан кўзғалди.

Ишбара билан қўшилиб Тангрининг изғирини-да кўзғалди.

Туйқус кучайиб, тевааркни музлатиб эса кетди. Еру кўкни тарақлатиб қотириб эсишида ўлимчиллиги бор эди. Қулоқларни, бурунларни совуқ урдирди, отларни бир ерга ғуж қилиб уйди, киши ўғилларини музлатиб, ўлдиришга шайланди.

Билга хоқон унинг қилмишларини кўриб, “Байроққа қайт” деди. Ой-юлдузли байроқлар кўтарилганида олисларда елаётган юзлаб отликлар уни кўришиб, яна айлана ясаб табғачни ура-ура байроқ сари қайтишди.

Шундай бўлдики, изғиринли шамол туркийлар ортидан эсар, табғачни рўпарасидан уриб, кўзи-ю қулоқ-бурунни тигдай кесарди. Уруш ерига кўзга кўринмас муз қўшини ёпирилди.

Билга хоқон бўғзидан ҳайқириқ отилиб чиқди:

– Ур!

Селдай бўлиб табғач устига босаберди. Ёй отиб бориларди. Табғач арава ортига ўтиб ўқ урарди. Кўк ўқлардан қоронғилашиб, кўринмай кетди. Шамол отлар кишнашини, эрлар ҳайқириғини учирди.

Табғач черигини совуқ урди, қўллари кўкариб, ўқ отолмас, тиг уролмас бўлди. Бу изғиринда бир нима қилолмай қолди. Шундай бўлдики, устига туркийлар босиб борса-да титраб-қақшаб, совқотган қўй сурувидай ғуж бўлиб тураберишди. Отлари салт чопиб қочди. Аравалар синди, ерда

қолганлари от туёқлари остида эзилиб кетди. Туркийлар қондан қўркмасин дея, от бурнига қонли латта искатар эдилар. Табғач ундай қилмас экан, отлари қондан қўрқиб, эгаларини устидан отиб қочди.

Шу тала-тўп орасида кун ботди.

Кун ботгач, совуқ яна-да кучайди.

Билга қўшинга “Йиғил” буйруғини берди. Илдам буйруқчилар уни ботирларга етказди. Табғач кеча қоронғулиги аро ёйилиб қочган эди. Кеч тушгач, изғирин тинақолди. Кўк юзи очилди, юлдуз жимирлади. Билга ҳокон, эрлар очикда қолмасин, ўрмон ичига кирсин деди. Туркий черикнинг ўрмонга кириши табғач учун қулай эди, бироқ, табғач енгилиб бўлган, юргани кучи йўқ, қолган-қутгани ортига чекиниб, ўрмоннинг у бетига кирган эди.

Аёз борликни тарақлатиб қотириб ташлади. Ўт ёқилди.

Билга қирғиздан, Ўн ўқдан, ўз эрларидан кўзчи қўйиб, қўшин оралаб юрди. Ўлгану қолган, яралию ярасиз саноғини билиш керак эди.

Ишбара ўликлар орасидан Булутни топиб, отга ўнгариб олиб келди. Илма-тешиқ пўстинига ўраб, устига бир тош қўйди.

– Бу сенинг балбалинг, Булутим! – деди тиззаси дир-дир титраб, юарга кучи қолмай. Ўзи Булут ўлиги олдида ўтириб олди.

Билга қўшинни айланар экан, шадлари:

– Ёв ўзига келмай, тунда босайлик, – дейишарди.

Черик ҳорғин, билагада кучи қолмаган, зўрға юарди. Улови ҳориган, отларнинг бадани, туёқлари дир-дир титрарди. Отдай билга яратик йўқ. Бу чопқин қўрқинчидан кўзлари олайиб-олайиб, эгасига интилаберарди.

– Черик тин олсин, – деди Билга. У ҳориган, совутини ечиб олган эди.

Кул Тигин деди:

– Тангрининг совуғи қўл келди. Ой тиккага келгунча ярим кеча босиб олайлик.

Билга унамади. Бир нимани билардики, сўз қотмади.

“Эрлар тин ола берсин”, деди.

Ой чиққан кўр кечада черик уруш ялангига чиқилиб, ўликлар, ёй-ўқлар йиғилди. Табғачнинг ёйларидан бирини келтиришди, бу – безакли кичик ёй экан. Ишбара уни улкан кафти билан айлантириб, ипини дириллатиб тортиб-тортиб кўрди. Ёй кичик келди, ўкни қўйиб, қаттиқроқ тортган эди, ўртасидан қарс этиб синиб кетди.

– Ия, – деди Ишбара ямтар. – Муни ўқи ўн қулочга бормайди-ку?

Қўшин нафасини ростлади, кучини тиклади. Ўлганларини кўмди, яраси борларини ортга жўнатди. Табғачнинг не қилари кенгашилар эди. “Мен табғачнинг тутумини биламан, – деди Билга хоқон. – Бир оз кутсангиз, элчиси келгай. Юраги синди, кўзи қўрқиб ортига қаради. Табғач энди урушга кирмайди”.

Унинг дегани бўлди: тонг отар-отмас, табғачдан элчи келди.

\* \* \*

Саноқсиз олтин-кумуш, ипак-темир келтирибди. Уюқ Тарлақ музлаган дашт аро бир қанча минг қорамол қўй-эчки, йилқини ҳайдаб келди. Келиш баробарида ябғуси Ишанг Ликайнинг сўзчиларини олакелди.

– Тутқунларни не қилсангиз қилаберинг, – деб сўз юборибди Ишанг Ликай. – Лекин йишга босқин қилманг. Йишни йўқ қилиш қўлингизда. Элда эр қолмади. Хотин-жўжиқ, ача-дадалар қолди. Табғач будун тупроққа қоришди. Ер билан битта бўлди. Сиз ботирман дейсиз. Ботир қўл жўжиққа ўқ ургайми? Ёши улуғ кишига ўқ ургайми?

Билга дедикки, табғач будун Бумин хоқондан сўнг турк идуқ ерини босиб олган эди. Кишисини тўпласин, ўз ерига кетсин. Бизга табғач будун ери кўрккли бўлмас. Ўз еримизни олгаймиз.

Табғач будун ўз ерига кетсин экан, деди. Тутуқдаги болаларимизни озод қўйсин экан. Йилда икки кез ўлпон тўласин экан, етар, деди.

Турк будун ери Идуқ сувида тугайди, деди. Идуқ сувини у ёғи табғач ери бўлсин. Табғач кишиси Идуқ сувидан бу ёққа ўтмасин. Бир нима сотгани

карвони, сотувчиси келса келаберсин. Ёй-ўқ кўтариб келмасин. Турк кишиси табғач ерига ёй-ўқ билан ўтмасин.

– Ясоқ! – деб хайкирарди будун. – Ясоқ! Ясоқ!

Ишанг Лиқайни безоғлиқ замбилга солиб кўтариб келишди. У қисқа бўйли, семиз киши экан. Ябғу бунақа бўлиши кулгили эди. Унинг қаршисида Билга хоқон, Кул Тигин, Ишбара ямтар-у икки шад чўнг келбатли, тоғдай бўлиб туришарди.

Икки хўкиз териси куйдирилиб ясоқ битилди. Ишанг Лиқайнинг битикчиси бир нафасда барини битирди. Билга хоқон ой-юлдузли кўктурк тамғасини қиздириб терига босди, Ишанг Лиқай ажи-бужи бир нималар битиб, ўз тамғасини босди.

Шундан сўнг Билга хоқон тутқунларни келтиришни буюрди. Барини сурувдай қилиб ҳайдаб келишди.

Табғач эрлари бошларини тик кўтариб, бировни ҳеч кимни менсимамай туришар, тиржайишар эди. Буни кўриб ҳанг-манг бўлган Ишбара биттасини ёнига яқинлашиб:

– Нега тиржайяпсан, тирранча? – деб сўради.

– Нега тиржаймай? – деди табғач ули. – Урузни биз қозондик, сиз енгилдингиз.

– Ия? Оёқ-қўлинг бойловда, ўзинг тутқунда, қанақасига енган бўласан?

– – Бир бўлугимиз қуршовда қолиб тутқун бўлган экан, бошқа бўлуклар сизларни ёйиб ташлашмадимми?

– Ким айтди буни сенга? – Ишбара табғач ябғуси ўз қўшинини-да авраганини эндигина англади.

– Енгилмас баҳодир Ишанг Лиқай!

“На тутуминг белгили сенларни, на доврўфинг” деб тўнғиллади Ишбара нари кетар экан, табғач ябғуси бу тушунарсиз алдовдан не кўзлаганини англаёлмай. Қўмондон ўз қўшинини алдайдими?

Бир оздан сўнг тутқунларни Ишанг Лиқайга топширишга буйруқ бўлди. Қўллари бўйнига терс бойланган тутқунлар қор кеча-кеча, истар-истамай ўз

элдошларига қараб юришди. Шунда бир иш бўлди: табғачлар уларни уриб-суриб, қўйдай хайдаб олиб кета бошлашди. Анчасини эса ўша турумида қолдиришди.

Хоқон ўз қўшинини, ўз будунини нечук ташлаб кетсин? Билга хоқон тутқунларни йиғишга буйруқ берди. Улар қаршисига чиқиб, шундай деди:

– Хоқонингиз сизни, истасанг ўлдириб юборавер, истасанг қул қилиб олиб кет, деди. Мен Билга хоқон, сўзимни тугал айтаман: орада қон тўкилмаса, қон тўкмагайман. Тангрим дедикки, хоқон тўғри бўлса, элига эга чиқсин. Чикмаса, бузуқ хоқон экан. Сизнинг қонингизни оқизмайман, Қорамол, эчки, қўй қолдираман, шу ерларда яшайберинг. Бироқ, болаларингизга-ю сиздан кейин келадиганларга ясоқ тузинг. Ясоқни тошга ўйиб ёзсинлар. Шундай ёзсинлар: ҳеч кимса туркий улусга тиғ кўтармасин. Сиз ўлдирсайдим, изингизда кимса қолмагай эди. Шу учун, сиз-у сиздан кейин келадиган барчанинг туркий улусга жон бурчи бўлур. Бу шундай бўлсин!

Тутқунлар ғала-ғовур кўтаришди. Қўллари боғлиқ, букилиб бош эгишарди. Билга тутқунларга қайтиб қарамади, иниси Кул Тигин уларни айирди, тўплаб ўрмон ёқасига, Кичик қўл ёқасига элтди. Уларга қорамоллардан бир қанчаси берилди, тутқунлар ўша ёқларда яшаб қолишди. Билга хоқон эса ортига қайтди.

## ЯСА

Урушлар тугади. Яна Кўгман тоғи ошиб ўтилиб, Ўтукан Йишга қайтилди.

Шунда Билга хоқон ўтириб ўй ўйлади. Йўриқчиси Тўньюқуқ билан кенгашди. Ўқни қиздириб, хом терига туркий ер-сувини чиздирди. Бу ерларнинг бир учи Қорақурумдан Темир Қопуғгача, бу ёғи очик денгизгача бўлган ер-сув, яйловлар, ўрмонлару чўллар туркий будунга қаради. Қитанлар, танғитлар, қурдамлар тиз букиб келишди.

Эллик йилдирки, туркийнинг қутлуғ ер-сувида табғач тузуги ўтар эди. Туркий хоқонликнинг ўртаси тешик, ой-юлдуз тамғали оқчаси табғачнинг олтинлари боис ярамай қолган, туркий ер-сувларида Чин хоқонининг олтин чақаси қўлланилар эди. Билга хоқон туркий тупроқларда уни ясоқлади.

Кузак бошларида Ўтукан йишдан тўрт булунгга сўзчилар елиб кетишди. Билга хоқон улус бекларини, шадларини йиғишни буюрган эди. “Сиз ўзингизни топширганингиз хоқонингиз яса<sup>48</sup> тузди, – деб етказишди сўзчилар. – Олдингидай барчани тўплашнинг кераги йўқ, будун ёйилиб, кучга кирди. Шу боис улусбошилар тўйга чорланмоқда. Яса билдирилгайдир, уни улусингизга етказишингиз керак”.

Бир неча кун ичида барча улусларнинг беклари, буйруқчилари, ябғулари тўпланиб келишди. Тўй деб кишилар йиғиладиган, ошу ошлиқ тарқатиладиган эзгу йиғинни айтишарди. Беш эр қулочи етмайдиган қозонларда ошлиқлар тўла пишди. Карнайлар, бурғулар чалинди. Билга хоқон қўналғаси ёнига ўн икки узун санжақ тизилиб суқилди. Уларга элнинг туғи, тамғаси, ялови, ой-юлдузли байроғи осилди. Яна олти санжаққа хўкиз терисига битилган битиклар осилди.

– Бу не эмиш? – деб сўради Ишбара, Эл Бўғудан.

– Ўз ёзувимиз, – деди Эл Бўғу. – Будун уни унутаёзган эди. Билганинг билгалиги шундаки, ясани ўз ёзувимизда биттирди.

Билга суюкли иниси билан келди. Кишилар унинг сўзини киприк қоқмай тинглаб туришди.

– Севимли будуним, сендан сўрайман, биз киммиз? – деди у, сочларини шамол ўйнаб. – Кўкка қараб қичқириб сўрайми? Ерга боқиб шивирлаб сўрайми?

– Киши ўғилларимиз! – деди бекларнинг бири.

– Тўғри, киши ўғилларимиз. Бироқ, киши ўғли турличадир. Бизлар – шу мовий кўк остида, қўнғир ер устида қаттиқ турган туркийлармиз! Тоза, тик бошли будунмиз!

---

<sup>48</sup> Яса – қонун. Давлат қонуни.

– Шундай!

– Эй туркий будуним, ўз будуним! Сен табғачга эллик йил қарадинг. Табғач ўзидан келиб чиқиб эл тузди, яса тузди. Ўз тилингни унутдинг. Орангда табғач тилида сўйлашар бўлганинг қанча? Табғачнинг қилиғини қилганинг қанча?

Табғачнинг тангриси ўзга эди, ўз тангрингни унутиб, унга топинганинг қанча?

Токи мени хоқоним десанг, будунни будуним десанг, бу кундан бошлаб яса тузиб-ёйгайман!

Ясага бўйин эгмаганинг қийнов кўргайдир. Ҳой будун, яса юрурлик бўлмасидан олдин сендан сўрайин: бунга кўнасанми?

– Сен не десанг шу, хоқонимиз!

– Унда Ясани ўқи! – деб буюрди Билга хоқон.

Жарчи Туюқ Улуғ қаттиқ товуш ила ясани ўқиди:

– Тангри тоқдир!

– Тангри тоқдир! – дея қичқиришди эрлар.

– Кимки Кўк Тангридан қут тиласа, ундан ўзгага ёлвормагайдир!

– Эл бир, хоқон бир, Тангри бирдир!

– Яса кескиндир. Бир будунда икки яса бўлолмас. Ким бу ясага бўйин эгса қутлангайдир. Ким бу ясага қия тушса, тамуққа<sup>49</sup> юборилгайдир.

– Ҳеч ким ясадан устун эмас. Тириклик учун, бирлик учун яса шудир!

– Бир чўпон сурувидан, бир эр бола-чақасидан, бир хоқон будунидан сўралгайдир!

– Сен, турк будун, тик бошлисан, эрклисан. Бу кундан бошлаб барча элларнинг қулоғига етсин, тингловчилар кўнглига тошдай ботсин! Ясанинг бош сўзини тингла!

Жарчининг товуши теваракни титратиб янграб кетди:

– Туркийдан қул бўлмас!

---

<sup>49</sup> Тамуғ – жаҳаннам.



Кишилар хайқириб юборишди. Барининг бўйи ўсиб кўкка етгандай, кучи ошиб-тошиб кетгандай бўлди.

– Туркийдан кул бўлмас!

– Туркий бўйин эгмас!

– Ўқи!

– Икки туркий киши бир ёв кишисига қарши уришмас!

– Икки туркий бир ёвга қарши уришмас!

– Отлиқ туркий яёвга тиғ урмас!

– Отлиқ туркий яёвга тиғ урмас!

– Эсонлик тилаганга қўл кўтарилмас!

– Хотинга, болага қўл кўтарилмас, тутуққа олинмас!

– Ўтрук сўзлаш ясоқдир! Ўтрикчи ўлдирилур!

– Табғач сени тиз чўқтирди, кўксингни эзди. Бир-бирингни кўзга илмас бўлдинг, очлик-йўқсуллик шу турумга олиб келди. Киши молидан чекилмадинг, кучлинг кучсизингни эздинг-янчдинг.

Ўзга молига кўз тикиш кунлик иш бўлиб қолибди. Ким кучли бўлса, молини олдирган кучсизга кўмак бергувчи топилмабди. Кўркли элингни, тикбош элингни табғач шу кунга келтирибди.

Бундан сўнгра бундай бўлмас. Ўқи!

– Киши молини, отни, от айилини, эгар-жабдуғини ўғирлаган киши ўлдирилгайдир!

– Ўлдирилгайдир!

– Идиш-аёқни, ўчоқни, ўқ-ёйни, тиғ-санчқини ўғирлаган киши ўлдирилгайдир.

– Ўлдирилгайдир!

– Ўғирлик қилган киши ўлдирилгайдир!

– Ўлдирилгайдир!

– Ўтлоқ, яйлоқ, овлоқ, пойлоқ, сувлоқ элникидир. Чўл ери, ўрмон ери элникидир. Бўлиқ ўтлоққа, яхши сувлоққа, қулай овлоққа ўзича эга бўлиб олган киши ўлдирилгайдир.

- Ўлдирилгайдир!
- Ўз элини қўйиб, ўзгага юкунган киши ўлдирилгайдир.
- Ўлдирилгайдир!
- Киши молига, хотинига, қизига кўз тиккан ўлдирилгайдир!
- Ўлдирилгайдир!
- Элига, қўшинига қарши бош кўтарган киши ўлдирилгайдир!
- Ўлдирилгайдир!
- Буларга бўйин эгмаган киши ўлдирилгайдир!
- Ўлдирилгайдир!
- Бил! Туркий отга минса алпдир, отдан тушса билгичдир! Отнинг устидаги туркдир, турк бўлмаса, юкдир!
- Элда йўқсуллик шунча озайсинки, йўқсуллик тубанлик саналсин! – деди Билга хоқон.
- Қаттиқ ёй олисга кетгай, қаттиқ ўқ ўлимчил ургай! Хоқоним, яша! Ясани шундай туз!
- Ўқи!
- Уруш чоғи бирор эрнинг тиғи, ёйи ё бошқа бир нимаси тушиб қолса, ортдаги киши отидан иниб, эгасига олиб бергайдир.
- Бўлукларга туманбоши, юзбоши, ўнбоши аталгайдир. Уларга бўйсунмаган ўлдирилгайдир!
- Бўлукбошилар ўз хоқонидан бошқага бош урмагайлар, буйруқсиз киприк қоқмагайлар. Бош урган, турган ерини ўзича ўзгартирган киши ўлдирилгайдир.
- Тўп бўлиб ов қилинганида ўлжани уролмаган овчиларга таёқ урилгайдир!
- Киши ўлдирганга “қон” тузуги қўлланилгайдир. Бироқ, “қонлиқ” тўласа, қўйиб юборилгайдир. Бир туркийни ўлдирган қирқ олтин, бир табғачни ўлдирган бир эшак бергайдир!

– Ўлган кишининг юрти, йилқиси ўғилларига ўтар. Катта ўғил кичикларидан кўп олур, энг кичигига юрт қолур. Ўлган кишининг нарсаларини олиб ўзича қўллаган киши ўлдирилгайдир!

Буйруқчи Билга хоқон ясасини шундай ўқийверди.

– Ҳар эр ўз ишига, отига, яроғига эга чиккайдир.

– Ота-энага, дадага бош эгилгайдир.

– Урушдан ўзини олиб четга олган ё қочган киши тамуққа учажакдир.

– Ҳеч ким ҳеч кимдан устун эмас. На оқ этнинг қорасидан, на қорани қизилдан, на қизилнинг сарикдан айрилиги бўлмас.

– Ҳар ким тўғрилиқ ила иш кўргайдир.

– Не қилсанг қилавер, ясани эсингда тут.

– Будунингдан айрилма. Ипакни яхшисига, сўзни чучугига учма.

– Хоқонинг тўғрилиқни устун тутгайдир. Элини яшатгайдир. Яса йўқ бўлса, эл йўқ бўлгайдир, эл бўлмаса, будун йўқ бўлгайдир!

– Эй турк беклари, будуним, эшит! Устда мовий кўк босиб тушмаса, остда қўнғир ер ёрилмаса, элингни, ясангни ким буза олур?

– Эй будун! Титра, ўзингга қайт!

– Бу эл-ку! – деб суюнарни Эл Бўғу, юз-кўзи кулиб, кўзидан севинч ёши тирқираб оқиб. – Ўз элимиз-ку! Будунимнинг эли-ку!<sup>50</sup>

Ёши улуғ шу оқсоқол ўтлоқларни энлаб, тоғу тошни титратгудай ҳайқириб юборди. Кўзидан ёши оқар эди.

– Юртни берган Тангрим, юртимни мангу қил!

– Элни берган Тангрим, элимни мангу қил!

– Бошини тик қил!

– Ўзини тўкис қил!

Кишилар узоқ йиллардан бери бундай севинч нималигини билмас эдилар. Унинг олдида тўқлик-тўқислик севинчи ҳеч нима эмас экан-да? Эрклик, ўзлик севинчига тенг бўлолмас экан-да!

---

<sup>50</sup> “Бу ўз давлатим-ку? Будунимнинг давлати-ку!” маъносида.

Кўк остида, ер устида яна бир туркий эл шундай пайдо бўлди. Ўзини таниқ қилди, ер-сувини тузди, улусларга жипслашинг дейилди, олим-сотимингизни қилаберинг, ўлпонингизни тўланг, қай ерда молингизга кимса кўз тикса, элингизга билдиринг, ясада белгиланган ясоқлар бажарилсин, дейилди.

Қандай кун кўраман, чўлиқ-жўжиғимга не егизаман, йилқимни қандай боқаман деманг! Муни сизга элингиз, хоқонингиз қилгайдир. Тангрили элингизда яйраб-яшнаб яшанг! Ўғил-қизларингиз алп ботирларни туғишсин, йилқи-сурувингиз мўл бўлсин. Ясангизни қаттиқ тутинг. Энди эллисиз, хоқонлисиз! Тўнли, ошли, шундай яшагайсиз.

Яша, турк эли!

Яша, турк эли!

### **УЧИНЧИ БЎЛИМ. МАНГУ БИТИКЛАР.**

Йиллар ўтаверди. Яна кўклам келди, тоғу тош, чўл узра ўт унди, ифор югурди.

Йилқи шунчалар ортдики, саноғини билмас бўлдилар. Алплару ботирлар Кичик кўл ёқаларига бориб-келиб туришарди. Йилда икки кез ўлпон келарди. Табғач қайта бош кўтармади, кўрқиб-пусиб, туркийга ёғлоқилик қилиб яшади. Эл Кўгман тоғи бағридан чиқарган темир-мис тошларини Чинга йўллар, Бийирку ўлкаларидан Румгача қатнайдиған карвонларга йўлдошлик қилиб, кўриқлаб борар, эл яшнар эди.

Билга хоқоннинг ёши бешдан олтинчи мучалга ўтди, кучли ўмизлари чўкди. Йўриқчиси Билга Тўнюқукнинг сулув қизи унга икки ўғлон, уч қиз туғиб берди. Ўғлонларнинг улуғи Йўллуқ тигин эди, тигин деб хоқон ўғлини айтадилар. Йўллуқ тигин отасидан билгаликни, Кул Тигиндан ботирликни ўрганди, улардай кўркмас, тўғри эр бўлиб ўсди, ўн олти ёшида эр отини олди.

Савашу сўқишларда ўзининг юракли, ёвқур эканини кўрсата олган йигитга эр оти бериларди. Билга хоқон черигидаги эрлар саноғи туманга етган, шадлари, ябғулари бўлуклар бошида қоялардай туришарди.

Ишбара ямтар эса тўртдан беш мучалга қаради. Кунсулув унга тўққиз бола туғиб берди, учтаси қиз, олтитаси ўғлон бўлиб, барининг елкалари кенг, корувли эдилар. Эл Бўғу, Ачун Кулуг Тириг моли-йилқиси мўл улуғларга айланишган бўлса-да, от минишга чоғи етмай, мункиллаб қолишди.

Элни яшнатган Билга хоқон бошига кутилмаган қайғу келди: юрагининг кўри, севимли иниси Кул Тигин туйқусдан кўкка учди.

Кўк Тангриси унга бир оғриқ юборди. Ичакларини бирин-кетин узаётгандай, юрагини сиқимлаб тортиб олаётгандай эди. Тиканни ҳўл юнгга уриб, сўнг тортиб олаётгандай қақшатқич оғриқ қийнарди. Кул Тигин анча қийнов кўрди. Билга хоқон кунлар-кечалар суюкли иниси бошидан кетмай ўтирди. Синчилар, билгичлар, эмчилар чорланди, бирови бир нима қилолмади. Оға хоқон ўзини ўтга-чўкқа урса-да, бўлмади. Қўй йилида, кўкламнинг йигирма еттисида, тўртинчи мучалида кўкка учди.

Кул Тигин ўлимини эшитиб, йиғловчи, сиғтовчи, қитан-у татабини бошловчи Удир Сангун келди. Табғачдан лапанглаб, ўзича қайғуланиб Ишанг Ликанг келди. Бир туман ағи, олтин, беҳисоб кумуш келтирди.

Тупут хоқондан Болон келди. Ортда кун ботишдаги Суғд барчакар Буқарак улус будундан Нанг Сангун ўғил тарқан келди.

Ўн ўқ ўғли Туркеш хоқондан мақрач тамғали Ўғуз Билга тамғачи келди. Табғач хоқоннинг тош ўювчиси Жанг Сангун келди.

Кул Тигин қўй йилида, ўн еттинчи куни учди.

Тўққузинчи ой, йигирма еттида ерга кўмилди.

Кул Тигиннинг йўғини қилиб кўмишди. Йўғи шундай эди: шадлар, беклар, сўзчи тарқат буйруқ беклар, келгану кетган кишилар отларини Кул Тигин қошига келтириб бўғизлаб, қонини унга атайверишди. Келгувчилар у ётган ўтовни етти марта айланишди. Ўтовга кириш олдидан юзларини тиф билан кесиб, кўзёшларини қон билан қориштириб сиқтаб қиришди.

Кул Тигин тупроққа берилгач, Ўтукан юшнинг энг юксак ерига, эркиллар тинмай эсиб турадиган ялангга қўрғон тикланиб, йўл қилинди, балбали тикилди. Бироқ, булар Кул Тигин қозонган зафарларга озлик қилди. Кул Тигин ётган ерга бориш йўлининг бошига тошдан икки қўчқор бошини кададилар. Энг узун, энг энли балбал тошларини олиб келиб тикишган эди, барчасининг саноғи бир юз ўттиз олтита бўлди. Узун йўлдан шундай, балбаллар оралаб ўтиб бориларди. Кул Тигин ётган ер қўрғондай қилиб, тошлардан тикланган эди. Кўркил бир том қурилди, унга кирган кишилар Кул Тигин учмоҳда экан, Кўк Тангрига топинар эдилар.

Билга хоқон шу ишлар битмагунча у ердан кетолмади. Кеча-кундуз шунда эди. Барча иш битгач:

– Ўйиқчи Жанг Сангунни чорланг, – деди.

Жанг Сангун етти букилиб келди. Суюкли инимнинг ишларини тошга ўясан, деди Билга хоқон. Йигит кишининг сўнгаги чирийдди, оти қолади. Қозонишларини битгани қанча мангутош керак бўлса, шунча тиккайсан.

Билга хоқон унга Кул Тигиннинг ботирликларини айтаверди. Шуларни барини мен айтгандай қилиб битгайсан, деди.

Кул Тигин битигини тошдан ясалган тошбақа устига ўрнат, деди. Тошбақа узоқ яшайди, у билгаликни, тўғрилиқни билдириб, Кул Тигин битиктошини елкасида кўтариб турсин, деди. Кун чиқиб ботишини кўрсанг, ер юзи тошбақа тошидай эканини билиб оласан, йўқса кун кўкда айлана ясамас эди, деди. Ана ўша тошбақа тоши узра Култигин битиги юксалсин, деди.

\* \* \*

– Эл Бўғу, сен анча нарса биласан, – деди Ишбара. – Кул Тигин Темир Қопқага, суғд элига юриш қилганини айтган эдинг. Айт-чи, не учун у ёқларга қўшин тортди?

– Унда Кул Тигин ўн олти ёшда эди. Ажраладиган дубулғаси бор суғд эли, Паркана, Чоч элида Қапаған хоқон тухорлар билан уришганини айтган эдим-а? – деб сўради Эл Бўғу. – Ўшанда сенга “Бу англаш қийин иш”, деган

эдим. Энди тингла: Тангри қизғин чўлларнинг элларига ўз элчисини юборибди. Тухор туркий сир ерларига ўшанинг сўзини олиб келибди. Бирок, тўғриликча келмай, тиғ билан келибди. Дебдики, бизга бўйин эгсангиз тирик қолгайсиз, бўйсунмасангиз ўлдирилгайсиз. Қапаған хоқон, бир табғач етмасмиди, энди Идук турк Сир ерларига тухор келиб тузугини ёйсинми дея, черикни Сир ерларига бурди.

– Бизлар тўғри эл бўлсак, Кўк Тангри нечун бизларга киши юбормай, ўзгаларга юборибди? – деб сўради Ишбара, англаёлмай.

– Уни ўзидан сўрарсан, – деди Эл Бўғу. – Қапаған хоқон билга киши эди, Бийирқудан қайтишда ўлди, Ўрнига Бугу хоқон келди, бу Кул Тигинга ёқмади. Билга Тўнюқуқ ёнида эди, ўз қизини Билга хоқонга берган, Билга хоқоннинг қайин отаси эди. Кул Тигин Бугу хоқонни ўлдириб, ўрнига оғаси Билгани хоқон сайлади. Қолган ишларни сен яхши биласан.

– Ўзимга қолса, тухорлар билан тиллашиб, Тангри кишсининг сўзи не эканини билиб олган бўлардим, – деди Эл Бўғу, хўрсиниб. – Тангри юборган бўлса, сену биз билмайдиган анча-мунча ишларни билган чиқар? Кучим бўлсайди, отимга миниб ўша ёққа борардим. Хоразм элини, Қанғли элини, Паркана элини ўз кўзларим билан кўрардим.

– Улар қандай эллар, Бўғу? – деб сўради Ишбара.

– Кул Тигин билан бирга борганларнинг айтишларича кўркам, буюк эллар эмиш. Паркана элининг улуғ-кичик олтмиш кўрғони бормиш. Яна, кўкдан тушган отлари бормиш, ҳеч бир от етолмас учқур, тез чопганидан танасидан тер ўрнига қон чиқармиш. Қанғли элининг эса Чоч, Семизкўрғон каби кўрғонлари бор экан. Хоразм ери чўлу дарёларга бурканган, аравага қўшилган хўкизни ёлғиз ўша ерда кўрармишсан. Бари эркли, кўркли эллар дейдилар.

– У ёқларга боришга кечикдинг, Эл Бўғу, – деди Ишбара. – Бошқа отлик аллақачон сени кўзлаб йўлга чиқди.

– Ҳа, сўзинг чин, – деди Эл Бўғу. – Энди бир нима қилолмайман.

– Эл Бўғу, зўр кишисан-да, – деди Ишбара. – Бу гапларинг учун сенга иккита улоқ бераман, пишириб ейсан.

– Эшитдингми, Билга хоқон тошни ўйдириб, битик биттираётганмиш, – деди Эл Бўғу.

– Мен уни ўқий олмайман-да, – деди Ишбара.

– Кўрган қаттиқ кунларимизни ёвузлиги бу, – деди Эл Бўғу. – Табғачдан аввал будун кишилари ўз ёзувимизни ўқиб, ўзи битиг бита оларди. Сен у ёзувга яхшилаб қарасанг, белгилари ўққа, санжаққа ё қалқонга ўхшамайдими? Уни билиб олиш қулай, бир оз уринсанг, ўқий оладиган бўласан.

Икковлон қир устига чиқишди. Тош ўювчи ўйиқ ишларини тугал қилган экан. У ерда анча киши тўп бўлиб туришарди. Орада Уюқ Тарлақни, икки шад – Кур Шад билан Тангрикутни кўришди. Уюқ Тарлақ ниманидир кўзлаб, киши бўйидан кўра тикроқ япалоқ тошларни тик қўйиб, икки ўрим сочини силкилатиб тошни ўяётган Жанг Сангунга бир нималарни сўзламоқда эди. Шамол елиб, кўкка булут тўшалган шу чоғда Эл Бўғу мангу битиглар битилган тошни қоқсуяк бармоқлари билан сийпалаб кўрди.

– Сиз, ботир шадлар, бу ерда нима қиляпсиз? – деб сўради улардан Ишбара.

– Кун ёнбошга етди, – дейишди шадлар. – Очунда отимиз қолмасинми? Бизларни-да ёзсин. Қолаверса, ёзувимизни ўрганиб олайлик, ўзимиз бир нималар ўяйлик.

– Жанг Сангун, бу тошинг қанча йил туради?

– Беш-ўн минг йил турса керак, – деди Жанг, Ишбарага ҳайиқиб боқиб.

– Ўх-хў... – Ишбара улкан бошини солинтириб, ҳисоблашга уриниб кўрди. – Боламни боласини боласигача икки юз йил бўлар экан. Ундан нарёғидагилар-да шуларни ўқишади-да?

– Сен бизни-да ёз! – деди сўнг, бир ўйга келиб.

Сочларини ел тўзғитар экан, Жанг Сангун кемтик тишларини кўрсатиб кулди:



– Аллақачон ёзиб кўйдим, – деди-да, ўйиқлар орасидан бир жойини кўрсатди. – Мана!

– Нима деб ёздинг?

– Кул Тигин ботирлигини ёзганимда сениям ёздим, – деди Жанг Сангун.

– “Ишбара ямтарнинг бўз отига кириб уришди, ул от унда ўлди...” дедим.

– Айланай сени сочингдан! – деб Ишбара уни қучоқлаб олди. Жанг Сангун унинг қучли қўлларидан чиқолмай типирчиларди. – Отимни қолдирибсан-да? Айт, бу ишинг учун нечта кўй, нечта йилки берай?

– Мен барчанинг айтганини битавермайман, Билга хоқон билан Йўллуқ Тигинга қуллуқ қил, – деди Жанг Сангун. – Буни улар айтишди, мен ёздим.

Шу теваракда тентираб юрган Мейли Чур ёвуқ келиб, илжайиб:

– Мени-да ёз, хой жангжу! – деди.

– Сени нимангни ёзсин? – ёқтирмади Ишбара.

– Довруқли турк будуннинг, улуғ Билга Хоқоннинг тарқат буйруқ бекларидан бўлсам, не савашу сўқишларни доврүқ ила қозониб келган бўлсам, ёзмасинми?

– Ҳе сени доврүфинггаям, савашу сўқишинггаям...

Мейли Чурдан юз ўгириб:

– Ҳў-ў будун! – деб бир хайқирган эди, теваракда ўтлоқда, яйлоқда юрганларнинг бари шу ёққа қаради.

Ишбара ёнидан бурғусини олиб, юқори кўтариб чалаверди. Бу – урушга чорлов уни эди. Эшитган борки, шоша-пиша келаверди.

– Ишбара?

– Не бўлди?

Ишбара сийрак сочларини шамол ўйнарган:

– Ҳой эл, эшит! – деди. – Тошга отинг ўйиб ёзилди. Ботирлигинг, кўрқмаслигинг, тик бошлигинг мангу битилди. Очлигингни, тўқлигингни, бирлигингни, жипслигингни – барини ёзди. Буни Билга хоқон ёздирди. Билга хоқон мениям ёздирди. Ҳой будун, ботир бўл, билга бўл, сениям номинг тошда қолсин! Бу беш минг йил туради деди!

Кейин дүриллаб:

– Ўқи! – деди Жанг Сангунга.

Жанг Сангуннинг товуши кучсиз эди, у ўқиркан, Ишбара ўша гулдурси билан қайтариб турди:

– Турк будун! Соддасан, тўғрисан, тикбошсан! Ўзғирсан, яхши-ёмонни билмайсан... Ўтрук сўйласа ишонасан, барчани ўзингдай тўғри деб ўйлайсан. Тангри сенга эл берди, бошингга хокон берди.

Асра сен хоқонингни, ер-сувингни, ўтлоғингни, қиз-келинларингни, куёвларингни, ўғилларингни! Ўзингни, ўғлонингни, иш-кучингни хоқонингга бер! Оч эдинг, тўқ бўлдинг, чиғай эдинг, бут бўлдинг. Тўнсиз эдинг, тўнли бўлдинг. Эсингни йиғ, қаттиқ йиғ!

Ёзувни ўқиёлмайдиган туркийлар ҳанг-манг бўлиб туришарди.

\* \* \*

Шундан кейин кун етмиш кез чиқиб-ботди. Ой икки кез синди.

Ишбаранинг табғач билан урушда ўқ санчилган кўкси оғриб, ётиб қолди. Кун ўтгани сайин туруми оғирлашди.

– Ишбара, – деди Эл Бўғу. – Булут ўлди. Кул Тигин-да ўлди. Энди сенга келмоқда, чоғи.

– Ҳа, – деди Ишбара ямтар аранг, худди акс-садо каби. – Ўляпман чоғи.

– Ёғийни биргаликда тиз чўқтирдик. Теваракни ёвдан тозаладик. Табғачни Идуқ сувининг ортига қувдик. Ўттиз қўрғонини олдик. Ўз элимизни туздик.

– Ҳа, шундай, – деди Ишбара ямтар, сўзлашга уриниб.

– Сен довруқ ила ўляпсан, – деди Эл Бўғу. – Алп ўғилларинг, куёвларинг, келинларинг, ўн минг йилқинг, эл-улусинг қолди. Ўлсанг, улус номингни кўкка етказиб тилга олади.

– Мангу битиклар... – шивирлади Ишбара. – Мангу битиклар битдими экан?

–То Кичик йишда очликдан ўлаёзган чоғингдан бугунинггача ёзилди, – деди Эл Бўғу. – Яқин кунларда мен-да ўлсам керак. Бироқ, сену менинг ортимизда тўк, тўкис эл қолди.

– Тузук, – деб шивирлади Ишбара.

Шу он кўкда қанот ёйиб учаётган бир бургутни кўрди.

У лочин эмас, ўлим қуши эди.

Ана ўша қуш Ишбарани олиб кетди.

Ишбара кўкка учди.

Шу куни-ю ундан кейинги кун тинимсиз ёмғир ёғаверди. Ўланглар, ўтлару тошлар ҳўл бўлди. Сувлар тошиб-тошиб, қўй-қўзиларни оқизиб кетди. Эл Бўғунинг пўстини қалин, сув ўтказмас эди, оёғи сув ичида экан, кўкка қараб қаттиқ ҳайқирди.

– Ишбара-а! Учмоҳга ет! Яқин кунда ёнингга боргаймиз! Унгача тек ёт!

Кунсулув ўғиллари билан келиб, Ишбаранинг йўғини қилиб кўмди. Билга хоқонга, Ишбаранинг балбали ёнига мангутош қадашни сўраб юкунди. Билга хоқон кўнгач, орадан бир йил ўтиб, мангутошлар водийсида Ишбара ямтар битиги қад кўтарди.

\* \* \*

Ишбара ўлгач, Жанг Сангун Ўтукандан кетмади. Тўғрисўз, тили билан иши бир туркийлар ёнида қолаверди.

Савашларда, сўқишларда кўкка учган ботирлару алпларнинг ўғиллари ўз оталари, оғалари тилидан битик битишни иташарди. Жанг Сангундан тош ўйишни ўрганиб олишгач, бири Ўтукан ялангида, бири Кўгман этагида, яна бирови Олтин йиш йўлларида ўз қондошларининг, оға-иниларининг битикларини битавердилар. Жанг Сангун узоқ яшади. У кўкка учганида, хур шамоллар елган ўлангларда туркий улуснинг юздан ошиқ тошбитиги юксалиб қолди. Уларнинг айримларини ёзувни ўрганиб олган эрларнинг ўзлари ўйиб ёзишди, айримлари эса кўкка учган баҳодирлар тилидан битилди.

У битигларнинг энг кўрклиси Кул Тигин битиги эди.

Икки эр бўйича келадиган тошбитиг юксалди. Унга борадиган йўлнинг икки четига икки қўчқор боши тикиб қўйилди. Икки ёнида эса Кул Тигин билан ўлиб-ётиб савашган эрларнинг мангу битиклари қад кўтарди.

## КУЛ ТИГИН БИТИГИ

“...Отам хоқон учганда инигинам Кул Тигин етти ёшда қолди. Ўн ёшда Умайдек онам хотун қутига, иним Кул Тигин эр отини олди. Ўн олти ёшида отамнинг иниси хоқон элининг тўрини шундай қозонди.

Олти суғд ўлкасига қарши юриш қилдик, ёйдик.

Табғач Ўнг тутуқ беш туман қўшин тортди, урушдик.

Кул Тигин ёвга яёв ташланди, Ўнг тутуқнинг ярақли қўлини тутди. Ярақликда хоқонга дуч келтирди, у қўшинни ўша ерда йўқ қилдик.

Йигирма бир ёшида Жажо Сангунга уруш қилдик.

Биринчи бор Тодикон Чурунинг бўз отига миниб ёвга ташланди, ул от унда ўлди.

Иккинчи бор Ишбара ямтарнинг бўз отига миниб ёвга ташланди, ул от унда ўлди.

Учинчи бор Яган Силиг бекнинг тўриқ отига миниб ёвга ташланди, ул от унда ўлди.

Яроғига, темир пўстинига юздан ортиқ ўқ урилди. Дубулғали бошига бирини тегдирмади. Текканини, туркий беклар, билурсиз. У қўшинни унда йўқ қилдингиз.

Шундан сўнг Йир Бийирқу, Улуғ Эркин ёғий бўлди.

Уни енгиб, Турк Ярғун кўлида буздик, Улуғ Эркин озгина йигити билан тўзиб қочди.

Кул Тигин йигирма олти ёшида экан, қирғизларга юриш қилдик. Санжак ботгулик қорни кечиб, Кўгман йўлидан юриб қирғиз будунни босдик, ёйдик. хоқони бирла сўнгра йишда урушдик.

Кул Тигин Бийиркунинг оқ айғирига миниб ёвга ташланди. Бир эрга ўқини урди, икки эрни санчди. Ул олишувда Бийиркунинг оқ айғирининг бели синди.

Ул йилда тургешларга қарши, Олтин йиш тоғини оша, Иртишни кеча юрдик.

Тургеш будунини унда босдик. Тургеш хоқон қўшини Бўлучида ўтдек, тўфондек келди. Урушдик.

Кул Тигин Бошғу бўз отини миниб урушди. Бошғу бўз оти унда ўлди.

Унда яна кириб, Тургеш хоқонни, буйрукчисини, тутуқини қўлидан тутди. хоқонини унда ўлдирдик, элини олдик. Қора тургеш будун тўла бўйин эгди.

Ул будунни Табарда қўндирдик.

Яна юриб, суғд будунини будун этайлик, дедик.

Инжу сувини<sup>51</sup> кеча, Темир Қопқага қадар юрдик.

У ерда қора тургеш будун ёғий бўлди. Кангарасга қарши борди.

Бизнинг қўшин оти аррик, озуғи йўқ эди. Ёмон киши, эр алп киши бизга ташланди.

Ундай ишга ўқиниб, Кул Тигинни оз эр билан жўнатдик. Улуғ уруш қилди, Алп Салжи оқ отини миниб урушди. Қора тургеш будунини унда ўлдирди, олди.

Яна юриб, Қушу тутуқ бирла урушди. Эрларини кўп ўлдириб, ўлжаларини қолдирмай кўп келтирди.

Кул Тигин йигирма етти ёшида қарлуқ будун ёғий бўлди. Томоғ удук бошида урушдик.

Кул Тигин ул урушда ўттиз яшар эди. Алп Салжу отини миниб ёвга ташланди. Икки эрни санчди. Қарлуқни ўлдирдик, олдик.

Аз будун ёғий бўлди, Қора кўлда урушдик.

Кул Тигин ўттиз бир яшар эди, Алп Салжу отини миниб ёвга ташланди. Аз Алтабарни тутди, Аз будун йўқ бўлди.

---

<sup>51</sup> *Инжу суви, Инжи суви – Сирдарё.*

Отамнинг иниси хоқон эли бўшашган бўлганида, будун элида қарама-каршилиқ юз берганида, Изгил будун бирла урушдик.

Кул Тигин алп Салжу отини миниб ёвга ташлади, ул от унда йиқилди. Изгил будун ўлди.

Тўққиз ўғуз будун ўз будуним эди. Тангри, ер булгангани учун ёғий бўлди.

Бир йилда беши ила урушдик. Энг олдин Тоғу тузида урушдик.

Кул Тигин оқ Азманга миниб, ёвга ташланди. Олти эрни санчди, еттинчи эрни қиличлади.

Иккинчи Қишлоғакда Эдиз билан урушдик.

Кул Тигин қора отини миниб, ёвга ташланиб бир эрни санчди, тўққиз эрни чекинтириб йиқитди, Эдиз будун унда ўлди.

Уч Бўлукда ўғуз билан урушдик. Кул Тигин Азман қора отни миниб ёвга ташланди, санчди. Қўшинни санчдик, элини олдик.

Тўртинчи, Чуш бошида урушдик. Турк будун оёғи титради, ёмонлик, кўрқоқликқа шай эди. Олдин келган қўшинни Кул Тигин оғдириб, тўнга алпларидан ўн эрни, Тўнга Тигинни кўмишда ўгириб ўлдирдик.

Бешинчи Азганту Қадазда ўғуз билан урушдик. Кул Тигин қора отини миниб ёвга ташланди. Икки эрни санчди, кўрғонга бормади. Ул қўшин у ерда ўлди.

Анги кўрғонида қишлаб, ёзда ўғузга қўшин ташладик. Кул Тигин бекларни бошлади. Ўғуз ўрдуни босди.

Кул Тигин оқ отини миниб, тўққиз эрни санчди, ўрдуни бермади.

Онам хотин, бошқа оналарим! Оғаларим, сингилларим, хотинларим! Бунча тирик эдилар, кул бўлдилар.

Ўлиги юртда, йўлда ётиб қолар эдингиз.

Кул Тигин йўқ эса, кўп ўлган бўлар эдингиз.

Иним Кул Тигин ўлди. Ўзим қайғурдим.

Кўрар кўзим кўрмасдек, билур билигим билмасдек бўлди.

Ўзим қайғурдим.

Бир Тангри яшар...  
Киши ўғли ўлғали туғилмиш.  
Анча қайғурдим...  
Кўзга ёш келади. Атаганда кўнгулдан хўнграш келади.  
Яна-да қайғурдим, каттиқ қайғурдим  
Икки шад, инигинам, ўғлонларим, бекларим, будуним... кўзи-қоши  
ёмоним, асовим деб қайғурдим.  
Йиғловчи, сиғтовчи, қитан, татабини бошловчи Удир сангун келди  
Табғач хоқондан Ишанг Ликай келди. Бир туман ағи, олтин, саноксиз  
кумуш келтирди.  
Тупут хоқондан Болон келди. Ортда, кун ботишдаги Суғд барчакар  
Буқарак улус будундан Нанг Сангун ўғил тарқан келди.  
Ўн ўқ ўғли Туркеш қоғондан мақрач тамғали Ўғуз Билга тамғачи келди.  
Қирғиз хоқондан Тарғуш Унанчи жўр келди. Табғач хоқоннинг тош  
ўювчиси Жанг Сангун келди.  
Кул Тигин кўй йилида, ўн еттинчи куни учди.  
Тўққузинчи ой йигирма еттига ерга кўмдик...  
Кул Тигин ўлганида қирқ етти ёшда эди.  
Барқини ёзувда маймун йили, еттинчи ой, йигирма еттинчи куни  
алқадик...”

\* \* \*

Элнинг ботирлари, алплари тўп-тўп келишиб, ўз ишлари битилган  
битикларнинг келажак кунларга етиб боришини иташар, ўйлай-ўйлай,  
кўнгилларидаги тилакларини, кечмиш ўйларини ёздиришар эди.

Бири Эл Туған Тутуқ битиги эди. Ўғиллари отамизнинг оти мангу  
қолсин деб, шундай сўзларни ўйдиришди:

“Мен Эл Туған Тутуқ, элимдан, хотинларимдан, кўзимнинг оқу қораси  
ўғил-қизларимдан, сизлардан олтмиш ёшимда айрилдим. Мени унутманг,

мени эсланг! Отим Эл Туған Тутук. Мен Тангри элининг элчиси эдим, олти боғ улусига бек эдим...”

Учун Кулуг Тириг ўлмаган бўлса-да, тошларга шундай ёздирди:

“Уйдаги хотинларим, сиздан, ўғилларим, сизлардан айрилиб, барчангизни йўқотиб, айрилдим. Қариндош-уруғларимни йўқотиб, улардан айрилдим. Олтинлик эликта камаримни белимга боғладим. Сизларни йўқотдим. Мен Учун Кулуг Тиригман. Тангрили элимдан четдаман. Олтмиш уч ёшимда сизлардан айрилдим. Менга қарайдиган Агук Қатун еримдан айрилдим. Элимдан, ўғилларимдан, қизларимдан, олти минг йилқимдан айрилдим. хоқонимнинг тулпори, қора улуси, ботирларим, йигитларимдан, ўғлонларим, куёвларим, қиз-келинларим, сизлардан айрилдим...”

Шундай, бир қанча кишилар битиглари ёзу қишларда, кузу кўкламларда бирдай юксалиб турди.

“Мен Эл Етмиш Бўғу, Тўқ Бўғу элининг ботири, уйдаги хотинларим, қизларим, ўзимнинг ўғилларим, барчангизни йўқотдим. Мен юзта йигит кучига эга бўлганим учун, душманнинг юзта чериги билан дарё бўйида урушганим учун, сизлардан айрилдим. Кўк осмонда куну ойни ёрита олмадим, хоқонимни, элимни, сизларни йўқотиб, сизларга эгалик қила олмадим... Элимнинг кўркли байроғини белимдаги олтин камаримга боғладим. Шонли Тўқ Бўғу байроғи остида, у кўнгани учун, отаси бекнинг довуғи учун эр бўлдим. Қора элим, маҳкам бўл! Элингни, яса-тузукларингни қўлдан берма! Йўқотма сен элингни, хоқонингни! Элимда, чопқинларда йигитларимдай ботирлар топилмади. Урушда барчамиз бўлиб саккиз киши эдик. Қўшин тортиб, ўлиб-йитиб, арслон йилида урушдик. Тўрт туёқли йилқим, саккиз туёқли молим бор эди, ҳеч қайғум йўқ эди. Қайғу менга етиб келди, кучдан қолдим. Ўлганимда сизларни кўргим келади. Қариндош-уруғларимдан, кўзу қошларимдан, учар отларимдан айрилиб, қора элимни йўқотдим, йўқолиб кетдим мен...”

“Эл оғаси Инанчу билга аро, ўғли оти Куч, ўғлон туғилди. Сизни элингиз Ўз, отингиз бек... Элингиз учун қозониб, хотинларингизни йўқотиб,



сиз айрилдингиз. Доврукли ўн етти ёшида донғи ўлди. Ердаги тамғали йилқиси сонсиз эди. Бойлиги кўп эди қора сочидек. Ёвга етган қўшини етти минг ўғлон эди. Юз эрнинг юзи, бекларнинг назари, беклик қоши, олтмиш эр алпларингиз, эллик эр суюкли алпларингиз, ўзингизнинг оға-инингиз, саккиз мис кўзгунгиз, ўнта қора кўзгунгиз бор эди. Ўкинмадингиз, кўрмадингиз, бутламадингиз. Сизнинг ботирларча исмингиз Ўри, элингиз Ўз...”

“Сиз отувчи алп эдингиз, тўкис эдингиз, Инили бўри учолмай, барс ажралолмай қолди. Бу отимиз – Умай бекдир. Она элим! Ажралма тузугингдан, истакларингдан, шон-шуҳратингдан! Йигитлик донғинг учун, ака-укаларинг доврўғи учун мангу тошни тикдим. Биз тўрт оға-ини эдик, бизни ўлим ажратди, йўқотди. Олтин ўрдак, ёш кийикни йўқот, йиғлат, кичқиртир! Қаттиқлигингдан барсим йўқола борди. Ўн ой элтди онама-а, туғди-я элимга доврўқ учун. Мен элим ўкинчига, қалин ёвига қарши чиқиб ҳалок бўлдим, йўқолдим. Инингиз ўлиб, ўзингизни йитирдингиз...”

“Кўркли элни, кучли элни ушлаб турибман. Отим Эран Улуғ. Ботир йигитларим, кутлуғ элим бор учун эл ўкинчда юрмади. Ўғилларимдан, хотинларимдан айрилиб бордим. Мен ўғлимга, улусимга қарай олмадим. Ўттиз саккиз ёшимда ўлдим. Ўн ой элтди онам, ўғил бўлиб туғилдим, алп бўлиб улғайдим. Элимда тўрт марта кездим. Донғим учун Инанчу алплари орасида курашдим. Довруқ бўлса, шундай бўлар экан. Асинман, олтин тўплашга бордим. Тупут хоқонига элчи жўнатдим. Ундан совға келтирдим...”

“Мен Тархон Сангун, алп оғамни йўқотиб, элим қайғу чекди. Қули ўтинди. Сабиқ босар оғамиз бек эрлардан эди. Урушда кўп будуннинг кучини биларди. Юқорида Тангри ёрлақади. Қора элимга, уч ўғлимга эгалик қилолмадим. Мен Тархон Сангунман, Эл Чур элида шуҳрат топдим. Эл ботирлигим учун йиғлади. Биз йиғламаймиз... Эга бўлолмадим элда қолган олти бек ўғлимга. Турк хонининг балбали учун безакни эл аро тўққиз эр бирин-кетин эр ўғиллари қўйиб, сайлаб олди. Тўққиз марта айланиб, отни тўхтатдим. Ўттиз эрни бошлаб бориб, пойлоққа дуч келдим. Шунда уч оғамдан, тўққиз бек эрдан айрилдим. Байроқчи эдим, ишончли эдим. Олти

ёшимда отамдан айрилдим, англаб етмадим. Уч оғамдан айрилдим, онам, уч оғамга мен ота бўлдим. Элимга, хоқонимга боқмадим. Ўғлонимга, оғанимга бошчилик қила олмадим...”

Буларнинг энг кучли сўзи, эл-улусини кўкларга кўтарган, киши эли учун ўзини берса, донғи тўрт булунгга ёйилишини билдирган Билга хоқон сўзлари эди.

## **БИЛГА ХОҚОН БИТИГИ**

“Тоқ Тангридан қут топган Тангрикут, Турк Билга хоқон сўзим!

Отам Турк Билга хоқони, икки Сир, Тўққиз ўғуз, икки Эдиз чодирли беклари, Турк тангриси... турк будуни узра хоқон ўтирдим. Ўтирганимда, ўлаётган будун суюниб, ерга боққан кўзи юқорига қаради. Унга ўзим ўтириб, бунча оғир хоқонликни тўрт булунгдаги ёвдан тозаладим.

Устда мовий кўк, остда қўнғир ер қилинганида, иккиси аро киши ўғли қилинибди.

Тангри яратмиш Турк будуни, Билга хоқон сўзимни тингланг! Отам Турк Билга хоқон ўлганида Турк беклари, сўнгра Тардуш беклари, Кул Чур бош бўлиб орқасидан шадпут беклар, ўнгда Тўлиш беклар, Апа Тарқан бош бўлиб, орқасидан Таман Тарқан Тўриюқуқ, Бўғу Тарқан, ич буйруқ Сабиқ Кул Эркин бошчилигида, орқасидан буйруқ, шунча беклар отам хоқонга бош уриб келди. Турк бекларини, будунини кўтарди.

Мен, Турк Билга хоқон, шунда ўтирдим. Сўзимни тугал эшитинг. Иним, ўғлоним, бириккан улусим, сўлдаги шадпут беклари, ўнгдаги ўттиз татар, тарқат буйруқ беклари, будуни! Бу сўзимни қаттиқ эшитинг!

Турк будунни йиғиб, эл тутишимни бу ерга урдим. Янглишиб ўлишингни бу ерга урдим. Не сўзим бор эса, мангу тошга урдирдим. Унга боқиб, билинг! Турк будуни, беклар, бу ердаги кўрикчи беклар,

янглишасизми? Отам хоқон, тоғам хоқон ўтирганида тўрт булунгдаги<sup>52</sup> будунни неча этмиш. Тангри ёрлақгани учун тўрт ёндаги будунни будун этдим, яратдим. Туркеш хоқонга қизимни бердим. Туркеш хоқоннинг қизини ўғлимга олиб бердим. Боши борнинг бошини эгдирдим, тизи борнинг тизини чўктирдим. Устда Тангри, остда ер ёрлақгани учун.

Кўзи кўрмас, қулоғи эшитмас будунимни тўқис қилдим. Илгарида кун туғишгача, ортда кун ботишгача, сариқ олтинини, оқ кумушини, ўримли ипагини, айғир отини, қора мўйнасини будунимга қозона бердим, этабердим. Қайғусиз қилдим. Устда Тангри эркидир. Туркий бекларини, будунини тўйдилинг, қийнаманг, тўлғотманг. Менинг бекларим, будуним, хоқонингдан, бекларингдан, ер-сувингдан айрилма!

Турк будун, тўғри бўл – эзгу бўласан. Уйингга кирасан, қайғусиз бўласан. Шундан сўнг Табғач хоқоннинг ўювчиси келсин, дедим. Табғач хоқон сўзимни икки қилмади, ўювчисини юборди. Унга ўзга бир тош ясадим, ичига-ташига битик урдирдим. Ўн ўқ ўғиллари, ўзгалар, буни кўриб-билдингиз! Мангу тош ўйдириб ёздирдим. Кўнглимдаги сўзимни ёздирдим.

Кўнглимдаги сўзим шудир:

“Туркийдан қул бўлмас!

“Туркийдан қул бўлмас!

“Туркийдан қул бўлмас!”

\* \* \*

Шундай деб, Билга хоқон кўкка учди.

Иниси Кул Тигин кўкка учди. Ботир алплари, баҳодир йигитлари биринкетин кўкка учишди.

“Ишбара ямтарим, Учун Кулуг Тиригим, Уюқ Тарлақ, Яган Силиг бекларим, ботир Кур Шадим, асов Тангриқутим кўкка учди. Шундан сўнг, мен – Билга хоқон-да кўкка учдим. Сулув қизларимдан, келинларимдан,

---

<sup>52</sup> Булунг – тараф, томон.

каттик ўғилларимдан, куёвларимдан, қутлуғ ер-сувимдан, йилқимдан, эл-улусимдан айрилиб, кайғуланиб, ўзимча уча кетдим”.

“Буларнинг барини бир қилиб, мендан сўнг келадиган эл-элатлар ўқисин, ўзининг донғи-довруғи не эканини билсин дея мангу тошларга урдирдим. У ўтмишни сиз, туркий будун, яхши билгайсиз”.

Оймомо ёруғи эланган кимсасиз тоғ чўққиларида ўтмиш оёқ остимга кучук боласидай искаланиб келиб турмоқда, “Бутун ер юзи бир киши ўғлининг қизил қонига арзимади” деб қичқирмоқдадир. Эй, ер юзида тирик юрганлар, айтинг, будуним, сулув қизларим, асов ўғлонларим не бўлди? Элини туза олдими? Донғи юксалдими? Турк будун эрлари ер юзида кўкси-боши тик кезмоқдами?”

\* \* \*

Кенг юракли, ўйли-қутли Билга хоқон шундай ўлди.

Билга хоқон балбалини ўғли Йўллуқ Тигин тикди, мангу тош ўрнаттириб, унга Билга хоқон сўзларини урдирди.

Уни ўқиганлар Билга хоқоннинг ўйли, улусни кўкларга кўтарган, очини тўйдирган, тўнсизини тўнли, йилқисизини йилқили қилган хоқон бўлганини билиб олишади. Бироқ, Йўллуқ Тигин у битикларга отасининг қандай ўлганини ёздирмади.

“Қандай ёздирай?” деди.

“Хоқонингизга эга бўлолмадингиз! Кимлигини билмадингиз. Орангиздан сотқин чиққан бўлса, Буюк хоқон унинг сўзларига ишонган бўлса, мен не қилай?”

Бу иш қандай бўлди?

Кул Тегин вафотидан сўнг Тан хоқони билан қитанлару татабилар орасида танглик юзага келди. Татаби хоқони жангжу элига юкуниб борди. Орадан бир йил ўтмай Тан қўшини қитанларни тиз буктириб, Қатағон хоқонни қувиб юборди. Яна бир йил ўтгач, Бўғу хоқон Қатағонга черик кўмагини бериб, жангжуга бўйсунган татаби улусига сўзчи юборди. Дедики,

турк будун сизга қараб бормоқда. Уруш бошлангани он Тан қўшинидан айрилиб, ташлаб қочмасангиз, барчангизни ер тишлатгаймиз.

Татаби у сўзга кўнди. Саваш-сўқиш бошланганида Тан черигидан айрилиб, турк будун ёнига ўтди. Тан қўшини тугал енгилди, ўттиз минг йигити ер тишлаб ўлди.

Бу орада уйғурлар карвон йўлларини тўсиб қўя бошлашганида, буйрук беги Мейли Чур Билга хоқон ўлими яқинлашганини тушуниб етди. Юракли Култегин аллақачон кўкда, билгич Тўнюқуқ бош-қўли тинмай ликиллаб турадиган тушунарсиз оғриққа чалиниб, ўн йиллар олдин ўлган эди. Барчани бошига келгувчи ўлим қуши Билга хоқонга-да яқинлашиб келмоқда. Ҳар нени билувчи, барчани бир тутуқда тутиб, эл тузган, яса жорий қилиб, сўнг тушкунликка тушиб қолган Мўғулан Билга хоқон энди ҳеч кимга керак эмас!

У ўлса, эл устига ё табғач, ё жангжу келади. Булар анча йилдан буён уч алпнинг – Билга, Тўнюқуқ, Кул Тигиннинг ўртадан кетишини кўзлаб юришган эди. Улусларни бирлаштирувчилар кўкка учгач, ўртада табғачу жангжу қолади. Икковининг-да тутуми ўзгача, бири келиб ўтирса-ю мени ўзига куёв қилса, будунни мен бошқарсам бўлмайдими?

Бу сотқин киши шуларни ўйлади. Икки-уч кез Идуқ сувига бориб келди, табғачлар билан бир нималарни жаврашди. Бир кез ўша ерларга тентираб келиб қолган Ишанг Ликай билан сўзлашганини кўришди. Ишанг Ликай кўзи мойдай йилтираб, Мейли Чурга бир нималарни анча уқтирди. Мейли Чур йишга қайтганида, кишилар ундан Ишанг Ликай билан неларни сўзлашганини сўрашди. Мейли Чур “Йил адоғида қанча йилқи беришнию эвазига қанча ипак олишни келишиб олдим” деб ўзини оқлади.

Сўнг кунларда қачон қараманг, Мейли Билга хоқон теграсида ўралашиб юрарди. Инисининг ўлимдан сўнг Билга хоқон тугал чўккан, кучи қолмаган арслондай бўлиб, кўзидан ёши оқаверадиган оқсоқолга айланди. Бор қутини элига берган, не-не савашу босқинларда улусим дея ўлимга тик борган бу буюк хоқон ёши улғайиб, соч-чоқоли оқаргани сайин оға-иниларини, ота-энасини қўмсар, улардан қолган буюмларни қўлида тутиб, эна бошбоғини,

ота қиличини ё Кул Тигин пўстинини искаб ўтирар, ер юзида қолишга ортик истаги йўқдай эди.

– Улуғ Хоқон, улусни кўтардинг! Оч эди, тўқ қилдинг, чиғой эди, бой қилдинг! Будун дея ўттиз уч кез уруш қилдинг, элнинг йиртиқ-ёриғини ямадинг, донғини юксалтдинг! Отингни тошларга уриб ёзайлик, мангу қолсин!

– Йўқ, мен киши ўғли ким эканини энди англаб етмоқдаман! – дерди Билга хоқон. – Бутун ер юзи улусимнинг бир томчи қонига арзимас экан. Мени эмас, Кул Тигинимнинг ботирликларини тошга уринг. Сиз унинг ким эканини билмай қолдингиз. У бўлмаса, барчангиз ўлган бўлур эдингиз!

– Хоқоним, сен не десанг шу, – дейишарди туркийлар.

Бир куни шаррос ёмғир қуйди. Кўк етти тусли белбоғини бойлади. Хотинлар Билга Хоқонга отасининг севимли ошлиғини пишириб беришни иташди. Мейли Чур ошлиқ пишаётган жойда анча ўралашди, ошчи кўзини чалғитиб, қўйнидаги Ишанг Ликай берган сариқ кукунни қозонга сепди. Сепгач, теграсига аланглади, йўқ, биров унинг қилмишини кўрмади. Шундан сўнг тизларини бука-бука яна Билга Хоқон қошига борди, унга анча-мунча чучук сўзларни айтиб, мақтади.

– Мейли Чур, Идуқ сувига бориб келибсан. У ёқда улуснинг туруми нечук? Будун кишилари кўкси қабариб, боши тик юришибдимми? – деб сўради Билга Хоқон ундан.

– Сен элни шунчалар кўтардингки, боши Кўгманни ҳам ошиб кетди, – деди Мейли Чур. – Кул Тигин билан, Тунюқуқ билан тўрт булунгни ёвдан тозаладинг. Энди элга сира мунг йўқ. Уни на табғач, на жангжу ололгай.

Билга суюниб кулди.

– Эл ўзи бирлашмаса мен нима қила олардим? – деди. – Ёвқур, ўзғир бўлмаса ким билан урушга кирардим? Кўрган куним шу экан деб бош эгиб судралиб юраберса, қандай қозонардим?

Булар шундай сўзлашиб туришганида, Элтариш хоқоннинг ошлиғини олиб киришди.

Мейли Чур кўзи олазарак бўлиб, бўзрайиб ташга чиқиб кетмоқчи эди бироқ беклардан Тўфон Силиг бир нимани сезгандай “Шу ерда тур!” деди тўнғиллаб. Мейли ундан ўлгудай кўрқарди. Қилмишимни билиб қолмадими деб кўрқа-пуса қараб, “сезмади чоғи” деб ортроққа ўтиб тураверди.

Хоқон этдан бир неча бўлак еди, бир чўмич тўла Ани сувидан ичди. Мангутошларни бориб кўргиси келган эди. Бироқ, турумида ўзгариш юз берди. Сўнгаллари оғриб, етмиш етти томири қақшай бошлаганида ошлиқда бир иш борлигини англади. Идишни суриб юбориб, теграсига аланглаб бу ишни қилган кишини излади. Кишилар не бўлаётганини англамай, не қиларини билмай туришар экан, шу он ташқаридан Кўкёл она бўри кириб, улар орасидан ўтиб хоқон қошига келди.

– Элтариш ўғли Мўғулан, сенга оғу берилди, – деди Кўкёл она бўри.

– Ким берди? – деб сўради Билга хоқон, Кўкёл она бўрининг сўзлай олишига ҳанг-манг бўлиб, шу билан бирга қақшатқич оғриқ кўксини қаттиқ ёғимлаётганидан титраб.

Кўкёл она бўри ортига бурилиб, тўппа-тўғри Мейли Чур қаршисига борди-да, юнгини ҳурпайтириб қаттиқ ириллади.

– Сенми? – деб ҳайқирди Билга хоқон гулдураб.

– Сен ярамас, элни сотдингми? – деб ҳайқирди у, дир-дир титраб. Бундай тўлғаниши табғач билан урушдан буён кўрилмаган эди. Билга хоқонга эски кучи қайтгандек бўлди. Бургутдай бўлиб ўрнидан кўзгалди, бир интилишда устунга осиглиқ тиғини олди, яна бир интилганида теградаги беклар сурон кўтаришди. Мейлининг тизлари яна-да букилиб, букчайиб турарди. У қўлларини билан бошини тўсиб олди. Бошида “Ишанг Лиқай ҳеч ким билмай қолади, уйқусида ўлади” деган эди-ку, аврабди-да!” деган ўй айланар, тили сўзга келмасди. Билга хоқон тиғни боши узра кўтариб сотқиннинг елкаси аралаш бўйнига урди. Мейли бошига кўк босиб тушаётганини, оёғи остида ер ёрилаётганини сизди.

Билга хоқонга оғу берилгани ўша ондаёқ ҳар тарафга ёйилди. Кишилар уни эшитиб, худди урушга кетаётган каби ярақ-санжағини ола чошиб

келишарди. Зум ўтмай хоқон кўрғонининг ичу таши эрларга тўлиб кетди. Худди тўфон тошгандай бўлди.

– Сотқин! Сотқин! – деб бақирарди будун.

Билга хоқонни тўшакларга ётқизишди. Юзи қорайиб, тин ололмай қолган, лекин нима учундир жилмаяр эди. Жилмайиши Кўкёл эди, ҳеч ким кўрмай қолган она бўри хоқон ёнига узала тушиб олди, Билга эса унинг кўксига бош кўйиб ётарди. Бир қанча киши хоқон бошида ўралашар экан, бошқалар Мейли Чурни уриб-тепиб ташқарига олиб чиқишди. Бир онда тўпланган юзлаб эр уни ўлдиришни истарди. Олти бек олти ёнидан тўсиб туришганига қарамай кимлардир унга ташланар, уриб-сўкишарди.

– Элни сотган, хоқонга оғу берган ким экан!

– Мейли Чур экан!

– Отини атама уни!

Бу сурон шунчадар кучли эдики, тўхтатиб бўлмади. Эл селдай оқа кетди.

– Тиғ урманг! Тиғдан ўлиш унга эмас!

Ерга йиқилиб тушган сотқинни кишилар қўл билан уришга ирганиб, тош-таёқ, мол тезаги билан уриб ўтишарди. Шундан сўнг бир қанча йигит уни судраб Кўтман жарлигига улоқтириб юборишди, Мейли Чурнинг сассиқ ўлиги тошдан-тошга урилиб тушар экан, туксиз бўйинли, эгри тумшукли ўлакса қушлари аллақачон уни кўзлаб, лапанглаб учиб келишди.

Мейли Чур деган сотқин шу тарз ўлим топди. Ўлим алвастиси кўзларини ўйнатиб Мейли Чур бошига кела, кир-чир жонини этагига солиб, тамуққа олиб кетди.

Билга ўрнига унинг ўғли Йўллуқ Тегин хоқон сайланиши билан, улуғ кўктурклар сойи қуришга келди....

\* \* \*

Билга хоқон ўтмишини шундай ёд этдим.

Бу ўтмиш кўктуркларнинг донғидан, доврўғидан сўзлайди. Бироқ, унга биргина сотқинлик – Билга хоқоннинг оғуланиб ўлдирилиши-ю у иш чин



авроқчилари, ўтрукчи жангжулар томонидан қилингани кўланка солиб туради.

Қапаған хоқонни басмиллар ўлдириши, Кул Тигин ўз оғаси Билга Мўғуланни хоқон қилиш учун тоғаси Бўғу хоқонни бўғизлаши шундай ишлардан биридир.

Сўзлашар тили, туси, тутуми ўзга экани учун, ёки ер-сув, ўт-майса учун киши ўғлининг ўлдирилиши ўйга сиғмайди. Чумоли каби тиришиб яшиб келмоқда бўлган кишиларга, чирсиллаб ёнган ёнартошларга, ўти гуриллаб, сандони тарақлаган темирчиларга, ёвга қарши гуриллаб жўнаётган черикка боқар экансиз, бутун очун биргина кишининг қизил қонига арзийдими, деб ўйлайсиз.

Тангри ер юзини ёйиб-текис қилди. Ўт-ўлан, оғоч ундирди, қут чиқарди. Киши ўғли ўлгани туғилармиш. Уларнинг бир-бирини эзиб-янчишини, олтину йилки дея кўкрак керишини, ўрмон ё ўтлоқ узра ўзгалар қонини тўкишини ўйимга сиғдира олмайман.

Юракли ботир деб билинган у хоқон элим-улусим дея, туман-туман кишилар қонини ерга оқизди. Ўзи кўнгли бўш киши эди, иниси Кул Тигин эса асов, жойида туролмас, ҳар ишда унга таянарди. Кул Тигин ўлгач, кўнгли янада бўшашиб, кўп қилмишларидан ўкинган чиқар? “Бутун ер юзи инигинамнинг бир томчи қонига арзимайди” деб кўз ёш тўккан шу киши эмасмиди?

Бу ўтмиш шу ерда тугайди. Шундан сўнг Шимолий хоқонлик тобора путурдан кетади. Шарқда эса уйғур эли кучга кира бошлайди.

## **СЎНГ СЎЗ**

Мен, отим Эл Бўғу, отамнинг оти доврўкли Эл Тутмиш ботир, онамнинг оти Умай, ўзим шу элнинг бахшиси – улусимнинг улуғ хоқонларидан бири Билга хоқон тўғрисида шу битикларни битдим.

Балбалим йўқ эди менинг, мангутошим йўқ эди. Ўрнига шу битик ўтиб колармикин, деб ўйладим. Устимга шуни туғ қилиб тикинг, ер юзида эл-улус учун қилинган ишлар изсиз йўқолиб кетмасин, дедим.

Яна айтдимки, оқ йўлбарсни йиғлатинг, сариқ йўлбарсни сиқтатинг, оқ турнага тегинманг. Эл учун йиғланг, улус учун йиғланг.

Бошига билгич хоқон келгани билан, элнинг ўзи билгич бўлмаса иш чиқмас экан. Бир ботир бўлса-ю эли ботир бўлмаса, яна-да оғир экан. Эрк, эркинлик барча эллар тўплаган олтин-кумуш, бойликдан улуғ эса, киши ўғлининг қизил қони буларнинг баридан қутлуғ экан!

Ҳой будуним! Бошимга балбалимни тикиб, отимни атайдиган, йўғимни қиладиган кишинг борми? Устимга тулпорингизни келтиринг, теграмда етти кез айлантириб, бўғизланг. Юзингизга тиг тортинг, отимни тутиб сиқтанг. Шундан сўнг мен-да унинг қошига – улусини юксалтирган, доврўғини ёйган, бироқ ёши ўтиб ёлғизланиб, кўнгли бўшаб қолгани кез бузғунчи беклари ўзларича ўлдирган Билга хоқон қошига уча кетай.

Ҳа, менинг ўзимча битган битикларим шулардир. Уни шу битиктошга урдим. Улусини тирилтирган, ерли-сувли, элли-тилли қилган, уруғини қуритишга қўймаган кенг юракли хоқон сўзларини эса, энг устга битақолдим. Эл-улус тўғрисидаги ундай сўзлар энг устга битилмаса, қайга битилсин?

“Устда кўк босмаган бўлса, остда ер тилинмаган бўлса, эй будун, элингни, тўрингни ким буза олур?”

“Эй будун! Титра, ўзингга кел!”

“Тиклан! Мангу яша!..”

*(битди)*

*2018, январь – 2019, май.*